

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

Шавқиев Э., Саттарова З.И., Нормуродов У.Н., Артиков З.С.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Билим соҳаси: 200 000 Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 230 000 Иқтисодиёт
Таълим йўналиши: 5230100 Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

фанидан

**АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР УЧУН
ТОПШИРИҚЛАР ВА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР
ТЎПЛАМИ**



Самарқанд-2012

Шавқиев Э., Саттарова З.И., Нормуродов У.Н., Артиков З.С. «Корхона иқтисодиёти» фанидан амалий (семинар) машғулоти учун топшириқлар ва услубий кўрсатмалар тўплами. – Самарқанд :СамИСИ. - 2012, 158 бет.

Такризчилар:

СамҚХИ «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедраси
доценти И.Ғаниев.

СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, профессор в.б. Б.А. Абдукаримов

Ушбу топшириқлар тўплами ва услубий кўрсатма олий ўқув юртлари бакалаврият таълим йўналишларида “Корхона иқтисодиёти” фанини ўрганаётган талабалар учун тавсия этилади. Шунингдек ундан иқтисодиёт соҳалари муаммолари билан шуғулланувчи илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

© Шавқиев Э., Саттарова З.И., Нормуродов У.Н., Артиков З.С. – Самарқанд .: СамИСИ, 2012.

КИРИШ

Замонавий бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида бошқарувнинг аҳамияти ва унинг иқтисодий усуллари тобора кучайиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг маркази корхоналар томон силжимоқда. Чунки унда жамият ва аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ҳамда турли тавсифга эга бўлган хизматлар кўрсатилади. Табиийки, бундай шароитда мутахассислар корхона иқтисодиётининг асосларини яхши билишлари, корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари бўйича иқтисодий ҳисоб-китобларни қила олиши ва уларни мустақил таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Шунингдек, турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётнинг шаклланиши даврида кишилардан корхонани ташкил этиш, унинг бошқа субъектлар билан қўшилиши, ажралиб чиқиши каби масалаларни билишлари талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий корхоналар фаолиятига оид бир қанча дарсликлар ва ўқув қўлланмалар республикамизда ҳамда хорижда чоп этилган. Уларда ёритилган масалар билан танишиш “Корхона иқтисодиёти” фанидан ўтказиладиган семинар ва амалий машғулотлар жараёнидаги ижодий муҳокамалар ва масалалар ечиш учун ўта муҳимдир.

Семинар ва амалий машғулотлар учун тузилган ушбу тўпلام «Корхона иқтисодиёти» курсининг таркибий давоми ҳисобланади. Унинг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фарқи шундаки, у биринчидан, ушбу курс бўйича назарий билимларни мустаҳкамлашга, иккинчидан, корхона фаолияти муҳим кўрсаткичларининг амалий ҳисоб-китоблари бўйича кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилгандир.

Мазкур тўпلام “Корхона иқтисодиёти” фанининг намунавий ва ишчи ўқув дастурларига ҳамда амалдаги ўқув режалари ва дарсликларга мос ҳолда тузилган. Масалаларни ечиш учун берилган дастлабки маълумотлар асосан шартли ривийда олинган бўлиб, алоҳида ҳолатларда ҳўжалик амалиёти маълумотларидан ҳам фойдаланилган.

Тўпلام машғулоти мавзулари саволларини дастлаб назарий муҳокама қилиш, кейин эса амалий масалалар ечиш тамойилига асосланиб тузилган.

“Корхона иқтисодиёти” фанидан амалий машғулоти топшириқларини бажаришдан кутиладиган натижалар: мавзу юзасидан билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш; амалий масалаларни ечишда назарий тушунчалардан фойдалана билиш; масалани ечишнинг тўғри усулини танлай билиш; масалани мустақил ечиш кўникмасини ҳосил қилиш; масаланинг ечимини мустақил таҳлил қила билиш.

Семинар машғулоти ва мустақил иш топшириғини бажаришдан кутиладиган натижалар: мавзуга оид қўшимча материалларни ахборот манбалари (АРМ, интернет тармоғи, вақтли матбуот ва ҳоказо) дан топиш, конспектлаштириш ва уларни ўрганиш; мавзу юзасидан матн билан ишлаш, билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш; фикрлар кетма-кетлигини танлай билиш; ўз устида малакавий ишлашни ўрганиб бориш; нутқни ривожлантириш ва эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш; ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиб, якуний хулосани баён қилиш; мавзунини ҳаётий воқеалар билан боғлаш; мустақил таҳлил ва хулосалар чиқара билиш.

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-МАВЗУ	«КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ» КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАСИ
----------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	1.«Корхона иқтисодиёти» фанининг предмети ва моҳияти. 2.«Корхона иқтисодиёти» фанининг мазмуни ва асосий вазифалари. 3.«Корхона иқтисодиёти» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
Ўқув машғулотининг мақсади: «Корхона иқтисодиёти» фанининг предмети, мазмуни, моҳияти ва асосий вазифалари» мавзуси бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: • фаннинг предмети, мазмуни, моҳияти ҳақидаги назарий билимларини мустаҳкамлаш; • фаннинг асосий вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириш; • назарий билимларини амалиётда қўллай олиш малакаларини шакллантириш.	Ўқув машғулотининг натижалари: • фанга тегишли назарий билимларни мантиқан боғлаган ҳолда ёритади; • эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллай олади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

1.2.Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	1.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 2.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич	1. Амалий ишга кириш. 1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2.Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1-гуруҳга иқтисодиёт, иқтисод, миллий иқтисодиёт тушунчаларини ва умумиқтисодий фанлар таркибини ёритиш , 2-гуруҳга махсус иқтисодий фанлар, тармоқ иқтисодий фанлари ва тармоқлараро иқтисодий фанлар таркибини, 3-гуруҳга “Корхона иқтисодиёти” фанининг предмети, “Корхона иқтисодиёти” фанини ўрганиш усуллари ва фаннинг вазифалари ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Такдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.3. Такдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари такдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳркамасини жамоага ҳавола қилади. 2.4.Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргарлик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда қатнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пасив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун 4-6 топшириқлар берилади	Саволлар берадилар Эштадилар ва хулоса чиқарадилар

Иқтисодиёт жуда кенг ва мураккаб тушунча. У мамлакатда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳолатини, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларни ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётдан аста-секин тайёр (пировард) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодиётдир.


Тайёр маҳсулот — бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар.

Янги бозор иқтисодиётини шакллантириш — бу иқтисодиётни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўзини-ўзи бошқарадиган механизм яратишдир. Бу механизм марказида инсон омили (иш кучи) туради. Ҳозирги кунда шундай сифатли иш кучини тайёрлаш керакки, у ўзида ҳозирги замон илмий-техника инқилоби ютуқларини мужассамлантирган, пайдо бўладиган зиддиятларни бартараф қила оладиган хусусиятларга эга бўлиши керак.

Иқтисодий билимлар — миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг кучли омили ҳисобланади.

Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имкониятини бериш керак. (Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.)

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши



Гуруҳ талабаларининг ишлаши учун топшириқлар

Биринчи гуруҳга — 1 топшириқ, иккинчи гуруҳга — 2 топшириқ, учинчи гуруҳга — 3 топшириқ ва мавзу бўйича тест савол-жавоблари

Топшириқлар:

1.1-топшириқ. Қуйидаги тушунчаларга изоҳ беринг.

Иқтисодиёт	Иқтисод	Миллий иқтисодиёт

1.2-топшириқ. Иқтисодий фанлар тизимининг ҳар бир гуруҳига оид фанларни ёзинг ва “Корхона иқтисодиёти” фанининг бу фанлар билан боғлиқлигини ёритинг.

Умумиқтисодий фанлар	Махсус фундаментал иқтисодий фанлар	Тармоқ иқтисодий фанлари	Тармоқлараро иқтисодий фанлар

1.3-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчаларни ёзма равишда ёритинг.

“Корхона иқтисодиёти” фанининг предмети	“Корхона иқтисодиёти” фанини ўрганиш усуллари	“Корхона иқтисодиёти” фанининг вазифалари

1.4-топширик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида ЯИМ ишлаб чиқариш динамикасини таҳлил қилинг ва ҳулоса ёзинг.

**Миллий иқтисодиёт тармоқларида ЯИМ ишлаб чиқариш
(млрд.сўм, амалдаги нархларда)**

	Й и л л а р					
	1991	1995	2000	2005	2010	20...
Ялпи ички маҳсулот — жами	61,5	302,8	3255,6	15923,4	61831,2	
шу жумладан:						
- саноат	16,2	51,8	462,3	3359,8	14777,7	
- қишлоқ хўжалиги	22,9	85,1	979,9	4187,9	10820,5	
- транспорт ва алоқа	6,4	21,5	195,3	764,3	3957,2	
- қурилиш	2,6	22,1	250,7	1687,9	7667,1	
- савдо ва умумий овқатланиш	2,8	23,0	351,6	1401,3	5564,8	
- бошқалар	10,7	59,7	608,8	2834,4	14221,2	

1.5-топширик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда мамлакат саноатининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилинг ва ҳулоса ёзинг.

Саноат ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

т/р		Й и л л а р					
		1991	1995	2000	2005	2010	20...
1.	Корхоналар (ишлаб чиқариш) сони, минг	11,0	13,0	13,0	14,3	15,2	
2.	Саноат маҳсулоти, млрд.сўм	63,0	233,6	1888,9	11028,6	33580,5	
3.	Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида	101,5	100,1	105,9	107,2	108,3	
4.	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари нархларининг индекси, ўтган йилга нисбатан, фоизда	0,0	384,5	170,2	128,1	116,4	
5.	Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони, минг киши	1072,4	840,7	718,5	616,7	538,3	
6.	Йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари, млрд сўм	25,2	94,7	2776,6	9309,0	19483,5	

1.6-топширик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда мамлакат саноати тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш тузилишини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг.

Ўзбекистон Республикаси саноати тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш (млрд.сўм, амалдаги нархларда)

	Й и л л а р					
	1991	1995	2000	2005	2010	20...
Жами саноат	63,0	233,6	1888,9	11028,6	33580,5	
шу жумладан:						
— электроэнергия	1,7	34,5	161,1	1246,9	2822,3	
— ёқилғи	2,3	32,0	289,1	1790,1	6440,1	
— қора металлургия	0,5	3,1	23,6	251,0	823,0	
— рангли металлургия	6,1	23,7	192,2	1880,9	3783,9	
— кимё ва нефть-кимё	2,5	12,5	107,7	570,7	1702,1	
— машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	7,3	20,7	185,8	1432,5	5432,6	
— ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	1,0	2,5	25,8	103,4	360,6	
— қурилиш материаллари	2,7	15,5	102,4	401,6	1674,8	
— енгил	25,1	46,5	361,5	1833,1	4489,1	
— озиқ овқат	9,3	21,8	250,3	909,7	4231,9	
— бошқалар	4,5	20,8	189,4	608,7	1820,1	

Назорат саволлари:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида «Корхона иқтисодиёти» фанининг моҳияти нимадан иборат?
2. «Корхона иқтисодиёти» фанининг предмети нима?
3. «Корхона иқтисодиёти» фанининг мақсади нимадан иборат?
4. «Корхона иқтисодиёти» фанининг асосий вазифаларини баён этинг.
5. «Корхона иқтисодиёти» фани қандай иқтисодий фанлар билан боғлиқ?
6. «Корхона иқтисодиёти» фани қандай ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқада иш олиб боради?

Тест саволлари:

1. Корхоналарнинг янги бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятлари:

- а) тўлиқ мустақиллик, бозор шароитида фойдали фаолият ва маҳсулот ишлаб чиқариш; корхона эгаларининг мулкый жавобгарлиги;
- б) тўлиқ мустақиллик;
- в) бозор шароитида фойдали фаолият ва маҳсулот ишлаб чиқариш;
- г) корхона эгаларининг мулкый жавобгарлиги;

2. Корхоналарнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдаги хусусиятлари:

- а) маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;
- б) давлат бюджетидан дотация ҳисобига зарарни қоплаш;
- в) юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект.
- г) маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари

3. Корхоналарнинг маъмурий- буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдаги хусусиятлари:

- а) юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект
- б) маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;
- в) давлат бюджетидан дотация ҳисобига зарарни қоплаш;
- г) а, б, в.

4. Куйидагиларнинг қайсиси бозор иқтисодиётини вужудга келтиришда асосий шарт ҳисобланади:

- а) сотувчиларнинг кўплиги.
- б) нарх;
- в) ижтимоий меҳнат тақсимооти;
- г) талаб ва таклиф;

5. Куйидаги қайси тавсиф бозор иқтисодиётига хос эмас?

- а) марказий режалаштириш;
- б) ракобат;
- в) хусусий мулк;
- г) тадбиркорлик танлови эркинлаги.

6. Куйидагиларнинг қайси бири бозор иқтисодиётининг ижобий жиҳатларига кирмайди:

- а) илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши;
- б) чекланган ресурслардан фойдаланишнинг оқилона усуллари аниқлаш;

- в) ижтимоий муаммоларни етарли даражада ҳал эта олмаслиги;
- г) иқтисодий эркинлик.

7. Товар хизматлар бозори мувозанатда бўлади, қачонки...

- а) технология даражаси аста секин узгарса;
- б) талаб таклифга тенг бўлса;
- в) таклиф ҳажми талаб ҳажмига тенг бўлса;
- г) харажатлар ва фойда тенг бўлса.

8. Иқтисодий муаммоларнинг бир қисми бозор ва бир қисми ҳукумат томонидан ҳал этилса, бу иқтисодиёт қуйидагича номланади:

- а) натурал;
- б) бозор;
- в) аралаш;
- г) буйруқбозлик

9. Ишлаб чиқариш омилларининг нархи — бу:

- а) давлат томонидан тартибланади;
- б) мулк эгалари томонидан белгиланади;
- в) омиллар учун тўлов;
- г) харидор аниқлайди.

10. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётнинг таназули:

- а) давлатнинг пул-кредит сиёсати;
- б) бозор муносабатларнинг шаклланishi;
- в) малакалар ва таълим даражалари ўртасидаги фарқлар.
- г) таълим даражалари ўртасидаги фарқлар

11. Корхона миллий иқтисодиётнинг нимасини ташкил этади?

- а) таркибий қисмини.
- б) муҳим структура элементини.
- в) хўжалик бирлигини.
- г) асосий бўғини.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

12. Илмий фан сифатида «Корхона иқтисодиёти» фани қайси масалалар билан шуғулланади?

- а) корхоналарда хўжалик фаолиятини назарий жиҳатдан ёритиш ва амалий жиҳатдан асослаш билан.
- б) корхоналар хўжалик фаолиятларининг асосий қирраларини ўзида мужассамлаштирувчи масалалар билан.
- в) корхоналарнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти масалаларини ёритиш билан.

- г) корхонанинг миллий иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларни шакллантиришдаги ролини ёритиш билан.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

13. «Корхона иқтисодиёти» фани қайси фанлар жумласига киради?

- а) назарий фанлар.
- б) амалий фанлар.
- в) аниқ фанлар.
- г) эмпирик фанлар.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

14. «Корхона иқтисодиёти» фанининг ўрганиш объекти бўлиб нима ҳисобланади?

- а) корхона хўжалик фаолияти.
- б) ташкилот хўжалик фаолияти.
- в) муассаса хўжалик фаолияти.
- г) бирлашма хўжалик фаолияти.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

15. «Корхона иқтисодиёти» фанининг предмети бўлиб нима ҳисобланади?

- а) фаолиятнинг назарий асослари ва амалий шакллари, уларнинг ўзаро ҳаракат механизмлари.
- б) иқтисодий қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни ташкил қилиш механизмларини.
- в) турли хил мулк шаклларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятини илмий жиҳатдан асослашни.
- г) бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ҳаракат қилиш дастурларини ҳар томонлама ёритишни.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

16. «Корхона иқтисодиёти» фанининг мақсади бўлиб нима ҳисобланади?

- а) корхона хўжалик фаолиятининг барча қирралари тўғрисида кенг ва батафсил билим ва маълумотлар бериш.
- б) амалий ва иқтисодий билимларини бериш, фаннинг саволари бўйича мустақил фикрлаш ва маълум қарорлар қабул қилиш.
- в) талабаларга иқтисодиётимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатларни туб маъносини кенгроқ ёритиш ва керакли билимлар бериш.
- г) тўғри жавоб йўқ.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

2- МАВЗУ	КОРХОНА – МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ
-----------------	---

2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотивнинг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш (1-2-машғулотивлар).
Амалий машғулотив режаси	1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли. 2. Корхонанинг белгилари, вазифалари ва функциялари. 3. Корхоналарни таснифлаш. 4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.
Машғулотивнинг мақсади: Корхона ҳақида тасаввурларини шакллантириш. Корхоналарнинг вазифалари ва белгилари ҳақида тушунча бериш.	
Педагогик вазифалар: • Корхона ва унинг таснифи ҳақида тўлиқ маълумот бериш; • корхона ва унинг ижтимоий ҳаётдаги роли ҳақида тушунча бериш; • корхонанинг турлари ва ишлаб чиқаришга ихтисослашуви жиҳатдан назарий муаммоларини ёритиш; • корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида тушунча бериш; • корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш. • корхонада меҳнатни шакллантириш ва ташкил қилиш амалиёти ҳақида тушунча бериш; • саноат корхоналари ҳақида маълумотлар бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: • корхона ва унинг фаолияти ҳақида тушунтиради; • корхонанинг ижтимоий ҳаётдаги роли ҳақидаги маълумотларни кўрсатиб ўтади; • корхонанинг турларини назарий жиҳатдан ёритади ва ихтисослашувига қараб санаб ўтади ва мазмунини ёритади; • корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунтиради; • корхонада меҳнатни шакллантириш ва ташкил қилиш амалиётини тушунтиради; • саноат корхоналари ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

2.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1-гуруҳга, саноат корхонасига ишлаб чиқариш-техник, ижтимоий, маъмурий-ташқилий-ҳуқуқий ҳамда молиявий-иқтисодий нуқтаи назардан тавсиф бериш, 2-гуруҳга, жорий ва истикболдаги хўжалик фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун саноат корхоналари қанақанги функцияларни бажариши, 3-гуруҳга, саноат корхоналари тузилиши ва унинг қанақанги омиллар таъсири остида шаклланишини ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2.Мавзу бўйича тайёрланган эксперт варақаси тарқатилади. 2.3. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдамберади. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳкамасини жамоага ҳавола қилади. 2.5. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргарлик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда катнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пасив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун 2.4-2.7 топшириқлар берилади.	Саволлар берадилар Эшитадилар ва хулоса чиқарадилар

Корхона — бу ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган, мустақил фаолият юритадиган юридик шахс (завод ва фабрикалар, фирмалар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари, банклар ва бошқалар).

Корхона — бу ижтимоий талаб-эҳтиёжларни қондириш орқали фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик субъектидир.

Корхона — бу миллий иқтисодиётнинг бирламчи буғуни.

Ишчиларнинг меҳнат воситалари билан алоқаси ҳамда ишлаб чиқариш жараёни айнан корхонада рўй беради.

Корхона иш ўринларини яратади, иш ҳақи тўлайди, солиқлар ва мажбурий тўловлар орқали давлатнинг ижтимоий дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Корхона (узлуксиз фаолият юритиши учун) истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариши ва хизмат кўрсатиши, шунингдек у тегишли меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларга эга бўлиши зарур.

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир

... ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 1995 йил 21 декабрь, 47-модда).

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиш туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имкониятига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.
(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 1995 йил 21 декабрь, 67-модда).

Топшириқлар:

2.1-топшириқ. Саноат корхонасига ишлаб чиқариш-техник, ижтимоий, маъмурий-ташкилий-ҳуқуқий ҳамда молиявий-иқтисодий нуқтаи назардан тавсиф беринг.

2.2-топшириқ. Жорий ва истиқболдаги хўжалик фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун саноат корхоналари қанақанги функцияларни бажаришини изоҳлаб беринг.

2.3-топшириқ. Саноат корхоналарининг тузилиши деганда нима тушунилишини ва у қанақанги кўринишда бўлишлигини изоҳлаб беринг.

2.4-топшириқ. Саноат корхоналари тузилиши қанақанги омиллар таъсири остида шаклланишини ёритинг.

2.5- топшириқ.

Топшириқ мазмуни	Жавоб
1.Корхонанининг юридик шахс мақомига эга эканлиги қайси ҳужжатда белгилаб берилган? а)Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида. б)Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида (1-қисм, 21.12.1995 йил). в)Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида (2-қисм, 29.08.1996 йил).	
2.Қайси мезонга кўра корхона — тижоратчи такилотлар таркибига киради? а) асосий мақсади — маҳсулот(иш,хизмат) ишлаб чиқариш. б) асосий мақсади — истеъмолчиларнинг талабини қондириш. в) асосий мақсади — фойда олиш.	
3.Текстиль корхонасининг тайёр маҳсулотига нима киради? А) корхона истеъмоли учун ишлаб чиқарилган калава.	

Б) бошқа корхоналар истеъмоли учун ишлаб чиқарилган калава. В) газлама.	
4.Қуйида келтирилган субъектларнинг қайси бири тижоратчи ташкилот ҳисобланади? А) ишлаб чиқариш кооперативи. Б) матлубот кооперативи. В) хайрия фонди.	
5.Корхона қайси пайдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади? А) Корхона Уставини қабул қилган пайдан бошлаб. Б) Таъсисчилар шартномаси тузилган пайдан бошлаб. В) Давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб.	
6.Корхонанинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланадими? А) Ҳа Б) Йўқ В) Филиал юридик шахс мақомида. Г) Ваколатхона юридик шахс мақомида бўлиши мумкин..	

2.6-топширик. Қуйида келтирилган объектларнинг қайси бирлари юридик шахс мақомига эга?

Объектлар	Жавоб
1.Корхона	
2.Ишлаб чиқариш корхонасининг фирма дўкони	
3. Цехлар	
4. Участкалар	
5. Корхона бўлимлари	

2.7-топширик. Қуйида келтирилган субъектларнинг қайси бирлари тижорат ташкилотлари ҳисобланади?

Субъектлар	Жавоб
1.Масъулияти чекланган жамият	
2. Қўшимча масъулиятли жамият	
3. Акционерлик жамияти	
4. Очиқ акционерлик жамияти	
5. Ёпик акционерлик жамияти	
6. Ишлаб чиқариш кооперативи	
7. Унитар корхона	
8. Матлубот кооперативи	
9. Жамият бирлашмалари	

Назорат саволлари:

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва корхоналарнинг мамлакат халқ хўжалиги мажмуасидаги роли.
2. Саноат корхоналарига хос бўлган белгилар.
3. Саноат корхоналарининг вазифалари ва функциялари.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Корхона иқтисодиёти» ги қонун ва унинг мазмуни .
5. Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?
6. Саноат корхоналарининг тавсифи.
7. Корхоналарни таснифлашда ишлатилувчи мезонлар.
8. Корхоналарнинг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси тушунчалари.
9. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар.
10. Корхона тузилмасини мукаммалаштириш йўллари.

Тест саволлари:

1. Корхона – бу:

- а) давлатнинг мулкӣ комплекси
- б) мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти
- в) тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги субъекти
- г) маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотиш шакли

2. Корхонанинг асосий вазифаси:

- а) бозор шароитларида хизматлар кўратиш;
- б) бозор талабларга жавоб берувчи сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- в) корхона мулки эгалари манфаатларини қондириш мақсадида фойда олишга йўналтирилган хўжалик фаолияти;
- г) маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш.

3. Корхонанинг юридик шахс мақомига эга эканлиги қайси ҳужжатда белгилаб берилган?

- а) солиқ кодексида
- б) фуқаролик кодексининг i бўлимида
- в) фуқаролик кодексининг ii бўлимида
- г) Ўзбекистон Республикасининг конституциясида

4. Корхонанинг тижорат ҳисобида ишлашини белгиловчи асосий мезон нима?

- а) асосий мақсади — маҳсулот ишлаб чиқариш
- б) асосий мақсади — харажатларни пасайтириш
- в) асосий мақсади — фойда олиш
- г) асосий мақсади — истеъмолчиларнинг талабини қондириш орқали фойда олиш.

5. Қуйида келтирилган объектларнинг қайси бирлари юридик шахс мақомига эга?

- а) корхона бўлимлари
- б) цехлар
- в) корхона
- г) корхонанинг дўкони

6. Қуйида келтирилган субъектларнинг қайси бирлари тижорат ташкилоти ҳисобланмайди?

- а) масъулияти чекланган жамият
- б) қўшимча масъулиятли жамият
- в) акциядорлик жамияти
- г) очиқ акциядорлик жамияти
- д) ёпиқ акциядорлик жамияти
- е) ишлаб чиқариш кооперативи
- ё) унитар корхона
- ж) матлубот кооперативи
- з) жамият бирлашмалари
- и) ижтимоий фондлар

7. Мулкчилик шаклига кўра корхоналар бўлади:

- а) хусусий;
- б) давлат;
- в) аралаш.
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

8. Хўжалик юритиш шаклига кўра корхоналар бўлади:

- а) жамоат ва диний ташкилотларнинг корхоналари;
- б) кичик, ўрта ва йирик корхона;
- в) АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, ижара корхонаси, кооператив, ўртоқлик;
- г) индивидуал корхона.

9. Корхоналар ҳажмига кўра неча турга бўлинади?

- а) кичик корхоналарга;
- б) ўрта корхоналарга;
- в) йирик корхоналарга;
- г) микрофирма, кичик, йирик корхоналарга.

10. Хорижий капиталнинг иштирокига кўра корхоналар бўлади...

- а) хорижий;
- б) қўшма;
- в) чет эллардаги;
- г) қўшма, чет эллардаги, хорижий;

11. Бирлашувига кўра корхоналар бўлади ...

- а) концерн, консорциум ва холдинг,
- б) ишлаб чиқариш, республика, минтақавий, миллий ва трансмиллий компаниялар;
- в) ишлаб чиқариш, республика, минтақавий, миллий ва трансмиллий компаниялар, концерн, консорциум ва холдинг,
- г) акционер компаниялар.

12. Фаолият мақсадига кўра корхоналар бўлади...

- а) коммерция;
- б) коммерция, нокоммерция ва аралаш;
- в) ишлаб чиқариш;
- г) нокоммерция ва аралаш;

13. Корхоналарни реструктуризациялаш...

- а) корхоналарнинг банкротлиги;
- б) корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолият натижалари ва ҳаражатларини ҳисобга олувчи хўжалик юритиш шакли;
- в) корхоналарни молиявий соғломлаштириш;
- г) корхоналарда юридик шахс мақомини бермасдан мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган таркибий бўлинмаларини ажратиш;

14. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг асосий мақсади нима?

- а) маҳсулот ҳажмини кўпайтириш.
- б) мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш.
- в) маҳсулот сифатини яхшилаш.
- г) фойда олиш.
- д) ҳамма жавоб тўғри.

15. Ижара корхонасининг фаолият хусусиятлари нирмада акс эттирилади?

- а) уставда
- б) ижара шартномасида
- в) ижара қонунчилигида
- г) таъсис шартномасида
- д) ҳамма жавоб тўғри.

16. Акционерлик жамиятининг устав капитали нимадан ташкил топади?

- а) маълум сонли сертификатлардан
- б) маълум сонли акциялардан
- в) маълум миқдордаги сармоялардан
- г) маълум миқдордаги пул маблағларидан
- д) ҳамма жавоб тўғри.

17. Акционерлик жамияти мажбуриятлари бўйича акциядорлар қандай жавоб беришадилар?

- А) тўлиқ
- б) қисман
- в) маълум маънода
- г) олинган фойда миқдорида
- д) тўғри жавоб йўқ.

18. МЧЖнинг устав капитали қандай ташкил топади?

- А) пул маблағларидан
- б) қимматбаҳо қоғозлардан
- в) қисмларга бўлинган капиталдан
- г) қатнашчиларнинг пул ва буюмларидан
- д) тўғри жавоб йўқ

19. МЧЖ бир шахс томонидан ташкил этилиши мумкинми?

- а) мумкин
- б) мумкин эмас
- в) фаолият соҳасига боғлиқ
- г) иш кўламига боғлиқ
- д) тўғри жавоб йўқ

20. МЧЖ қатнашчилари жамият фаолияти билан боғлиқ йўқотишларни қайси миқдорда кўришадилар?

- а) жамият мажбуриятларининг тўлиқ миқдорида
- б) мавжуд қимматбаҳо қоғозлар баҳоси миқдорида
- в) сармоялари миқдорида
- г) киритилган қиймати миқдорида
- д) маблағларнинг бир баравари миқдорида

21. Қўшимча жавобгарли жамият қатнашчилари жамият фаолияти билан боғлиқ йўқотишларни қайси миқдорда кўришадилар?

- а) жамият мажбуриятларининг тўлиқ миқдорида
- б) мавжуд қимматбаҳо қоғозлар баҳоси миқдорида
- в) сармоялари миқдорида
- г) киритилган қиймати миқдорида
- д) маблағларнинг бир баравари миқдорида

22. Тўлиқ ўртоқлик қатнашчилари ўртоқлик мажбуриятлари бўйича қандай жавоб беришадилар?

- а) тўлиқ ўз мулки билан
- б) қисман
- в) маълум маънода
- г) олинган фойда доирасида
- д) тўғри жавоб йўқ

23. Картель нима асосида ташкил топади?

- а) бозорда назорат ўрнатиш мақсадида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилмаган битим асосида
- б) бир тармоқ корхоналарининг маҳсулотни биргаликда сотишга асосланган келишув асосида
- в) бир ёки бир неча тармоқлар корхоналарининг бирлашуви асосида
- г) қимматли лойиҳаларни, йирик чора тадбирларни молиялаштириш, мақсадли, илмий-техник ва экологик дастурларни биргаликда амалга ошириш мақсадида
- д) ҳамма жавоб тўғри

24. Синдикат нима мақсадда тузилади?

- а) бозорда назорат ўрнатиш мақсадида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилмаган битим асосида
- б) бир тармоқ корхоналарининг маҳсулотни биргаликда сотишга асосланган келишув асосида
- в) бир ёки бир неча тармоқлар корхоналарининг бирлашуви асосида
- г) қимматли лойиҳаларни, йирик чора тадбирларни молиялаштириш, мақсадли, илмий-техник ва экологик дастурларни биргаликда амалга ошириш мақсадида
- д) ҳамма жавоб тўғри

25. Трест нима мақсадда тузилма?

- а) бозорда назорат ўрнатиш мақсадида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилмаган битим асосида
- б) бир тармоқ корхоналарининг маҳсулотни биргаликда сотишга асосланган келишув асосида
- в) бир ёки бир неча тармоқлар корхоналарининг бирлашуви асосида
- г) қимматли лойиҳаларни, йирик чора тадбирларни молиялаштириш, мақсадли, илмий-техник ва экологик дастурларни биргаликда амалга ошириш мақсадида
- д) ҳамма жавоб тўғри

26. Консорциум нима мақсадда тузилма?

- а) бозорда назорат ўрнатиш мақсадида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилмаган битим асосида
- б) бир тармоқ корхоналарининг маҳсулотни биргаликда сотишга асосланган келишув асосида
- в) бир ёки бир неча тармоқлар корхоналарининг бирлашуви асосида
- г) қимматли лойиҳаларни, йирик чора тадбирларни молиялаштириш, мақсадли, илмий-техник ва экологик дастурларни биргаликда амалга ошириш мақсадида
- д) ҳамма жавоб тўғри

27. Трестда корхона эгалари кимга айланишадилар?

- а) қатнашчиларга
- б) сармоядорларга
- в) пайчиларга
- г) мулк эгаларига
- д) ҳамма жавоб тўғри

28. Синдикатда сотиш масалалари билан ким шуғулланади?

- а) қатнашчиларнинг ҳар бири
- б) махсус ташкил этилган орган
- в) директорлар совети
- г) ижроия қўмити
- д) маркетинг бўлими

29. Консорциум буюртмачи олдида қандай жавоб беради?

- а) тўлиқ
- б) қисман
- в) ҳамжиҳат
- г) жавоб бермайди
- д) тўғри жавоб йўқ.

30. Корхонада фаолият юритиш муддатига кўра неча турга бўлинади.

- а) мавсумий, узлукли, узлуксиз
- б) узлуксиз, мавсумий
- в) доимий, барқарор
- г) узлукли, мавсумий

31. Маъсулияти чекланган жамиятлар.

а) пайларга ажратилган устав капиталини миқдори таъсис хужатлари билан белгиланувчи ва ўз мулки чегарасида мажбуриятлар бўйича маъсулиятга эга бўлган жамият

б) таъсис шартномаси асосида тўзилган жамиятни устав капиталига мажбурий равишда пул ёки мулк пайлар билан кирган, уларнинг миқдори орқали ҳар бир таъсисчини маъсулияти белгиланади

в) пайларга ажратилган мавжуд устав капитали, уларнинг миқдори таъсис хужатлари билан белгиланади, таъсисчилар ва банклар орқали тан олинади.

г) таъсисчилар ва банклар орқали тан олинмиб, устав капитали пайларга ажратилиб, уларнинг миқдори таъсис хужатлари билан белгиланади.

32. Маъсулияти чекланган жамиятни устав капитали қўйидагиларга асосланиб ташкил этилади:

- а) таъсис хужжатларига асосан уларни миқдори чегараланган ҳолда

б) жамият рўйхатдан ўтиш вақтидаги қонунларда белгиланган 50 баробар минимал иш ҳақидан кам бўлмаган ҳолда

в) таъсис ҳужжатлари қабул қилинганда 100-минимал иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолда.

г) таъсис ҳужжатлари қабул қилинганда 100-минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган ҳолда

33. Хўжалик ширкатларига қуйидагилар киради.

а) хўжалик ширкатини бошқаришдаги таъсисчиларни шахсий иштирокига асосланган уюшмалар

б) иштироқчиларни мулкӣ ва пул улушларига асосланган уюшмалар

в) таъсисчиларни мулкӣ бадаллари ва шахсий фаолиятига асосланган уюшмалар

г) ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланувчилар

34. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона қандай афзал белги билан ажралиб туради?

а) ишлаб чиқарадиган маҳсулотни характери билан

б) фойдали бўлиши

в) ишчиларни тўла иш билан таъминланганлиги

г) хусусийлаштириш формаси

д) хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ишлаши ва маҳсулот сифати билан.

35. Акциядорлик жамияти деб тан олинади...

а) алоҳида ажратилган мулкга эга бўлган ва уларни нархи акцияларга бўлинган хужалик субъектлари.

б) қонун доирасида ўзини акцияларини ишлаб чиқариб, уларни сотиш билан шуғулланадиган жамиятлар

в) устав капитали маълум бирликлардаги акцияларга бўлиниб, акционерларга нисбатан жамият мажбуриятларини тасдиқловчи хужалик субъекти

г) корхонанинг оддий ва имтиёзли акцияларига эга бўлган акционерлар уюшмаси

36. Акциядорлик жамияти таъсисчилари таркиби.

а) чекланган

б) чекланмаган

в) акционерлик жамияти тури билан белгиланади

г) таъсис ҳужжатлари билан белгиланади

37. Очӣқ турдаги акциядорлик жамияти деб тан олинади...

а) очӣқ жамият акциялари бир шахсдан иккинчи шахсга, бошқа хиссадорларнинг розилигисиз ўтиши мумкин бўлган жамиятлар

- б) акцияларга очик ҳолда обуна бўлиш ва уларни эркин ҳолда сота оладиган жамиятлар
- в) биргаликда фаолият юритиш учун кишиларни ва мажбуриятларни бирлаштирган жамият
- г) чегаралган миқдордаги пул улушлари доирасида фаолият натижалари учун жавоб берадиган жамият

38. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари деб...

- а) акциялари фақат уни таъсисчилари орасида ёки олдиндан белгиланган доирасида тақсимланадиган жамият
- б) уларни акциялари фақат уларни таъсисчилари орасида тақсимланадиган жамият
- в) уларни акциялари фақат ёпиқ обуна ҳолида тақсимланадиган жамият
- г) маблағи акцияларга ажратилган юридик шахс

39. Акциядорлик жамиятининг устав капитали шакланади:

- а) кредиторлар манфаатини кафолатловчи жамият мулкнинг миқдорида қараб
- б) акционерлар томонидан сотиб олинган жамият акцияларининг номинал қийматидан
- в) акцияларга оммавий обуна бўлиш орқали
- г) акцияларга шахсий обуна бўлиш орқали

40. Очик турдаги акционерлик жамиятининг устав капитали миқдори:

- а) жамият рўйхатдан ўтиш давридаги қонун билан белгиланган 150 минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак.
- б) жамият рўйхатдан ўтиш давридаги қонун билан белгиланган 200 минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак
- в) чегараланмаган миқдорда
- г) қонун асосида белгиланган таъсис ҳужжатларига қўл қўйиш муддатида 200 минимал иш ҳақи миқдоридан кўп эмас

41. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг устав капитали миқдори..

- а) жамият рўйхатдан ўтиш вақтида қонун билан белгиланган 100 минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак
- б) жамият рўйхатдан ўтиш вақтида қонун билан белгиланган 100 минимал иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаслиги керак
- в) таъсис ҳужжатлари тасдиқланган вақтидаги 200 минимал иш ҳақи миқдори
- г) таъсис ҳужжатлари билан чегараланган вақтидаги 200 минимал иш ҳақи миқдори

42. Акцияни номинал қиймати:

- а) қиймати белгиланмаган
- б) 100 сумдан кам эмас
- в) 100 сум
- г) 10 сўмдан кўп эмас

43. Ўзбекистон Республикаси қўшма корхона деганда қандай корхоналарга айтилади?

- а) Устав капиталининг камида 51 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган корхоналарга айтилади.
- б) Устав капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 ақш доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.
- с) Устав капиталининг камида 49 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор жисмоний шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 ақш доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.
- д) Устав капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат жисмоний шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 15000 ақш доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.

3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	Мавзу мазмунига кириш. Саволларни муҳокама қилиш: 1. Корхонани ташкил қилиш тамойиллари. 2. Таъсис ҳужжатлари. 3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши. 4. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш.
Машғулотнинг мақсади: Корхонани ташкил қилиш, таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда корхонани тугатишга доир ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • янги корхонани ташкил қилишдаги ташкилий тамойиллар тўғрисида тушунча бериш; • янги корхонани ташкил қилиш борасидаги таъсис ҳужжатлари ҳақида маълумотлар бериш; • корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш; • Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишга доир қандай ҳужжатлар талаб қилиниши ҳақида маълумот бериш; • Корхоналарни тугатишга олиб келадиган сабаблар ҳақида маълумот бериш; • Корхоналарни қайта ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: • Янги корхонани ташкил қилиш тамойиллари тўғрисида маълумотларни келтириб ўтади; • Янги корхоналарни ташкил борасида талаб қилинадиган ҳужжатларни кўрсатиб ўтади; • Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсад ва вазифаларини кўрсатиб ўтади; • Корхоналарни рўйхатдан ўтказишда талаб қилинадиган ҳужжатларни таништириб ўтади; • Корхонани ташкил қилишга доир таъсис ҳужжатлари бўйича маълумотларни кўрсатиб ўтади; • Корхоналарни тугатишга доир юзага келадиган омилларни санаб ўтади; • Корхонани қайта ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб ўтади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув кўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.


3.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитув чи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1-гуруҳга, давлат, хусусий, ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари, Устав ва таъсис шартномаси мазмуни, 2-гуруҳга, ташкил этилаётган, қўшиб юборилаётган, бўлинаётган, ажратиб чиқарилаётган ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари.(жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар)нинг давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этадиган ҳужжатлар таркиби, 3-гуруҳга, тадбиркорлик субъектларининг (жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар) ким томонидан давлат рўхатиغا олиними, корхона (ташкilot)ларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) ким томонидан юритилиши, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тадбиркорлик субъекти қанақанги тўловни ва қанақанги миқдорда амалга ошириши ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2.Мавзу бўйича тайёрланган эксперт варақаси тарқатилади. 2.3. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдамберади. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳкамасини жамоага ҳавола қилади. 2.5. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргар-лик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда қатнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пассив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун топшириқ беради.	Саволлар берадилар Эшита дилар ва хулоса чиқарадилар

Услубий кўрсатмалар

- Корхонани ташкил этаётган ҳар қандай тадбиркор ёки гуруҳ ўз олдига аниқ мақсадни қўйиши ва унга эришиш йўлини тасаввур этиши керак.
- Корхонани ташкил этаётган ҳар қандай тадбиркор ёки гуруҳ танланган соҳа фаолияти бўйича билимга ва кўникмаларга эга (компетент) бўлиши зарур.
- Корхонани ташкил этаётган ҳар қандай тадбиркор ёки гуруҳ мақсадга эришишда қатъий, муваффақиятсизлик ҳолатларига тайёр ва йўл қўйган хатолардан хулосалар чиқаролиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ғояларини ўрганиш тартиби



- **Устав капитали** — бу корхонанинг таъсисчилари томонидан унга киритиладиган маблағлар мажмуаси, шунингдек, чиқарилган акцияларнинг номимал қийматидаги суммаларининг йиғиндиси тушунилади.
- Устав капиталининг **хусусиятларига** қуйидагилар киради:
 - а) Устав капиталининг миқдори корхона устави ва таъсис шартномасига мувофиқ белгиланади ва нисбатан доимий характерга эга бўлади. Унинг бирламчи миқдорини ўзгариши фақат корхона уставини давлат қайдномасидан қайта ўтқазиш йўли билан амалга оширилади;
 - б) Устав капиталини ҳақиқатда шакллантириш вақт бўйича чегераланади. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ корхоналар устав капиталини шакллантиришнинг охириги муддати бўлиб таъсис этилган

санадан бошлаб бир тавқим йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган корхоналар юридик статусини йўқотади ва тугатилади.

в) Устав капитали корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва мулк шаклларига боғлиқдир. Давлат корхоналарида устав капитали унга давлат томонидан биркитилган мулклар мажмуасидан ташкил топади. Хусусий ва коллектив ўртоқчилик мулклари асосида ташкил этилган корхоналарда устав капитали таъсисчиларнинг пай ва бадалларидан иборат бўлади. Акционерлик жамиятларида устав капитали чиқарилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндисидан ташкил топади.

- Устав капиталига таъсисчиларнинг ҳиссалари узоқ ва қисқа муддатли активлар билан, яъни асосий воситалар, номоддий активлар, капитал ва молиявий инвестициялар, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари билан киритилиши мумкин.

- Корхонани қайта ташкил этиш деганда уни бшлиш, қўшиш, ажратиш ва ўзгартириш тушунилади.

- Корхонани тугатиш — ишлаб чиқариш ва хўжалик ваколатларининг тўхтатилганини белгиловчи юридик ҳаракат.

- Мурасали келишув — бу дебитор (қарздор) ва кредитор ўртасида иккинчисига тегишли тўловни амалга ошириш муддатини узайтириш ёки қарзнинг бир қисмини чегирма қилиш ҳақидаги шартнома.

Топшириқлар:

3.1-топшириқ. Қуйидаги мулк шаклидаги корхоналарга тавсиф беринг.

Давлат корхонаси	Хусусий корхона	Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона	Масъулияти чекланган жамияти

3.2-топшириқ. Тадбиркорлик субъектлари:

Қайси органларда Ҳисобга қўйилади	Ким томонидан давлат рўхатиға олинади	Корхона (ташкilot)ларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) ким томонидан юритилади	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тадбиркорлик субъекти қанақанги тўловни амалга оширади ва қанақанги микдорда

3.3-топшириқ. Ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этадиган ҳужжатларни ёзинг.

3.4-топшириқ. Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этадиган ҳужжатларни ёзинг.

3.5-топшириқ. Тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ёзинг.

3.6-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқарув органлари, шунингдек Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар ким томонидан давлат рўйхатига олинади.

3.7-топшириқ. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этадиган ҳужжатларни ёзинг.

3.8-топшириқ. Тадбиркорлик субъектлари (мулк шаклига кўра) давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатларининг қайси бирларини тақдим этувчи субъектларни кўрсатинг.

Устав ва таъсис шартномасини	Фақат Уставни	Фақат таъсис шартномасини

3.9-топшириқ. “Намуна” корхонаси 2600,0 млн.сўмга “Нафис” корхонасини сотиб олди. Сотилиш санасига “Нафис” корхонасининг соддалаштирилган баланси куйидаги кўринишга эга:

Актив	Сумма, млн сўм.	Пассив	Сумма, млн сўм.
Асосий воситалар	1 000	Устав капитали	1 100
Ишлаб чиқариш захиралари	600	Кредиторлар билан ҳисоб китоблар	900
Пул маблағлари	400		
Баланс	2 000	Баланс	2 000

“Нафис” корхонасини сотиб олиш санасига қадар “Намуна” корхонасининг соддалаштирилган баланси қуйидаги кўринишга эга:

Актив	Сумма, млн сўм.	Пассив	Сумма, млн сўм.
Асосий воситалар	3 500	Устав капитали	4 000
Ишлаб чиқариш захиралари	900	Кредиторлар билан ҳисоб китоблар	2 000
Пул маблағлари	1 600		
Баланс	6 000	Баланс	6 000

“Намуна” корхонасини сотиб олгандан кейин “Намуна” корхонасининг баланси қанақанги кўринишга эга бўлади.

3.10-топшириқ. “А” корхона “Б” корхонани 1 500,0 млн сўмга харид қилди. Сотилиш санасига “Б” корхонанинг соддалаштирилган баланси қуйидаги кўринишга эга:

Актив	Сумма, млн сўм.	Пассив	Сумма, млн сўм.
Асосий воситалар	800	Устав капитали	1 000
Ишлаб чиқариш захиралари	400	Кредиторлар билан ҳисоб китоблар	200
Баланс	1 200	Баланс	1 200

“Б” корхонани сотиб олиш санасига қадар “А” корхонанинг соддалаштирилган баланси қуйидаги кўринишга эга:

Актив	Сумма, млн сўм.	Пассив	Сумма, млн сўм.
Асосий воситалар	5 500	Устав капитали	6 500
Номоддий активлар	300		
Ишлаб чиқариш захиралари	1 200	Кредиторлар билан ҳисоб китоблар	2 500
Пул маблағлари	2 000		
Баланс	9 000	Баланс	9 000

“Б” корхонани сотиб олгандан кейин “А” корхонанинг баланси қанақанги кўринишга эга бўлади.

Назорат саволлари:

1. Янги корхоналарни ташкил қилиш асосида нима ётади?
2. Қайси омиллар янги корхона ташки қилиш заруриятини асослаб беради?
3. Янги корхоналарни ташкил қилишдан мақсад нима?
4. Корхона ташкил қилишнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
5. Корхона қачондан бошлаб ташкил қилинган деб ҳисобланиши мумкин?
6. Корхона Низоми нимани аниқлатади?
7. Таъсис шартномаси нимани аниқлатади?
8. “Тинчлик келишуви” нима дегани?
9. Корхонани қайта ташкил қилишдан мақсад нима?

Тест саволлари:

1. Корхонани ташкил этишнинг таъсис ҳужжатлари

- а) корхона ва банк томонидан тасдиқланган таъсис шартномаси
- б) устав, таъсис шартномаси
- в) устав, таъсис шартномаси, эмиссия проспекти
- г) устав ва корхона паспорти

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш ким томонидан амалга оширилади?

- а) солиқ ва статистика ташкилотлари орқали
- б) ҳокимият ва қонун чиқарувчи ташкилотлар томонидан
- в) солиқ ташкилотлари, ҳокимият ва молиявий ташкилотлар томонидан
- г) давлат мулкани бошқарувчи ташкилотлар

3. Корхоналарнинг ташкил этишнинг асосий босқичлари:

- а) таъсис ҳужжатларини тайёрлаш и рўйхатдан ўтиш;
- б) стратегияни ишлаб чиқиш, шерикларни қидириш ва танлаш;
- в) техник-иқтисодий асослаш;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

4. Корхонани ташкил қилишнинг ташкилий босқичи нимадан бошланади?

- а) тадбиркор ғоясининг пайдо бўлишидан
- б) корхона ташкил этиш учун бир қарорга келишдан
- в) сармоячилар розилигидан сўнг
- г) Устав капитали шакллангандан сўнг
- д) таъсисчилар мажлисидан.

5. Корхонани ташкил этиш бўйича қарор нимада расмийлаштирилади?

- а) Уставда
- б) таъсис шартномасида

- в) давлат реестрида
- г) баённома №1 да.
- д) тўғри жавоб йўқ.

6. Корхона даромадларининг асосий турлари Уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

7. Корхонанинг ҳуқуқий мақоми уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

8. Уставни ўзгартириш тартиби уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

9. Фойдадан фойдаланиш қоидалари уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

10. Таъсисчилар таъсис шартномасининг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолиятнинг асосий турлари
- в) Устав капитали
- г) таъсисчилар мажбуриятлари
- д) корхонани ташкил қилиш

11. Корхонани ташкил этиш мақсади таъсис шартномасининг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолиятнинг асосий турлари
- в) Устав капитали
- г) таъсисчилар мажбуриятлари
- д) корхонани ташкил қилиш

12. Бахсларни ҳал қилиш қоидалари таъсис шартномасининг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолиятнинг асосий турлари
- в) Устав капитали
- г) таъсисчилар мажбуриятлари
- д) корхонани ташкил қилиш

13. Корхонани тугатиш таъсис шартномасининг қайси бўлимида акс эттирилади?

- а) умумий қоидалар
- б) фаолиятнинг асосий турлари
- в) Устав капитали
- г) таъсисчилар мажбуриятлари
- д) корхонани ташкил қилиш

14. Корхонанинг маълум ташкили-ҳуқуқий шаклда ҳаракат қилиш ҳуқуқини беришни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб нима ҳисобланади?

- а) маълум фаолият олиб бориш лицензияси
- б) рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси
- в) сертификат
- г) банкдаги ҳисоб рақамининг очилиши
- д) корхоналар реестрга киритилган коди

15. Рўйхатга олинган корхоналарнинг дастлабки даврда рақобатга бардош бериш даражаси (хорижий тажрибаларга кўра):

- а) 60% корхоналар;
- б) 50% корхоналар;
- в) 40% корхоналар;
- г) 70% корхоналар.

16. Рўйхатга олинган корхоналарнинг дастлабки даврда рақобатга бардош бериш даражаси (Ўзбекистон тажрибасига кўра):

- а) 75% корхоналар;
- б) 65% корхоналар;
- в) 85% корхоналар;
- г) 95% корхоналар.

17. Корхоналарни реструктуризациялаш...

- а) корхоналарни молиявий соғломлаштириш;
- б) корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаоият натижалари ва ҳаражатларини ҳисобга олувчи ҳўжалик юритиш шакли;
- в) корхоналарда юридик шахс мақомини бермасдан мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган таркибий бўлинмаларини ажратиш;
- г) корхоналарнинг банкротлиги.

18. Корхоналарни санациялаш...

- а) корхоналарнинг ҳўжалик ҳисоби;
- б) корхоналарни молиявий соғломлаштириш;
- в) корхоналарнинг банкротлиги.
- г) корхоналарни қайта ташкил этиш.

19. Корхоналарни санациялаш деганда нимани тушунаси?

- а) корхонанинг оёққа туриши учун қарзларни музлатиш;
- б) корхона қарзларини кечиш;
- в) корхона солиқ ставкаларида имтиёзлар бериш
- г) корхона фаолиятини суғўрталаш.

20. Корхоналарни банкротлиги...

- а) корхоналарнинг иқтисодий ноқобиллиги;
- б) фаолиятининг тўхталиши ва унинг давлат рўйҳати реестридан чиқарилиши;
- в) бошқарувининг ташкилий таркибининг ўзгартирилиши;
- г) суд томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларининг молиявий мажбуриятларини тўлога ноқобиллигини тасдиқланиши;

21. Корхона банкротликка олиб келувчи ички омиллар қандай аниқланади?

- а) талабнинг камайишига
- б) нотўғри ғояда
- в) корхона балансини таҳлил қилиш
- г) корхона фаолиятининг самарадорлиги пасайганда
- д) ҳамма жавоб тўғри

22. Корхонанинг банкротлиги аниқланади

- а) молиявий коэффициентлар тизими билан
- б) корхонада мавжуд пул маблағлари ва юқори ликвидликка эга бўлган активлар йўқлиги
- в) қарзларнинг мавжудлиги билан
- г) кадрлар қўнимсизлиги ва ишлаб чиқариш пасайиши орқали

23. Корхона самарали фаолият юритади, қачонки:

- а) ресурслардан тўлиқ фойдаланилганда

- б) мажбуриятлар бўйича қарзлар йўқлиги
- в) экспорт имкониятлари юқори бўлганда
- г) Устав капиталини қўпайиши ҳисобига

24. Корхонанинг ихтиёрий тугатилиши нимага таълуқли равишда амалга оширилади?

- а) Фуқоролик кодексига
- б) корхоналарга оид қонунларга
- в) корхона фаолияти тўғри юрита олмаса
- г) мажбуриятлар корхона мулкидан юқори бўлса
- д) ҳамма жавоб тўғри

25. Корхонанинг суд органлари орқали тугатилиши қачон содиқ бўлади?

- а) корхона ўзини банкрот деб тан олганда
- б) қонунчилик бўзилганда
- в) қонун томонидан тақиқланган фаолият билан шуғулланганда
- г) экологик хатарсизлик нормалари бўзилганда
- д) ҳамма жавоб тўғри

26. Кредиторлар талабини қондириш қанча навбатга бўлинади?

- а) 2
- б) 3
- в) 4
- г) 5
- д) 7

27. Бюджет ва нобюджет фондларга тўлов бўйича қарзлар қайси навбатда қопланади?

- а) 2
- б) 3
- в) 4
- г) 5
- д) 7

28. Мурасали келишувни ким имзолайди?

- а) қарздор
- б) кредитор
- в) ташқи бошқарувчи
- г) корхона эгаси
- д) хўжалик суди

29. Корхонани тугатишни ким амалга оширади?

- а) банк ташкилоти

- б) давлат солиқ инспекцияси
- в) суд томонидан тайинланган вакил
- г) корхонанинг асосий таъсисчилари
- д) корхонанинг асосий акциядорлари

30. Корхона фаолияти кимнинг қарорига асосан тўхтатилади ?

- а) солиқ идораларини қарори билан
- б) хўжалик суди
- в) лицензия берувчи ташкилот
- г) прокуратура

31. Давлат корхонасини ўзгартиришда акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор ким томонидан қабул қилинади?

- а) акциядорлик жамияти муассислари — уни тўзиш тўғрисида таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар
- б) акциялаштирилаётган корхонанинг меҳнат жамоаси
- в) давлат мулкани тасарруф этишга ваколати бўлган орган
- г) ажи инвестициялашга рози бўлган юридик ва жисмоний шахслар

32. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ким кафолатлайди?

- а) давлат
- б) акциядорлик жамиятини бошқариш органлари
- в) давлат мулкани тасарруф қилишга ваколатли бўлган давлат органлари
- г) хўжалик суди

4- МАВЗУ	КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ
4.1.	КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1.Корхонани бошқариш тушунчаси ва унинг объектив зарурияти. 2.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонани бошқаришнинг тамойиллари,мақсад ва вазифалари. 3.Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши. .
Машғулотнинг мақсади: Корхонани бошқаришнинг объектив зарурлиги, тамойиллари,мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий тузилиши ҳамда корхонани бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича билимга эга бўлиш..	
Педагогик вазифалар: • корхонани бошқариш тушунчаси ва унинг аҳамиятини тушунтириш; • корхонани бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари билан таништириш; • корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши ва меҳнат тақсиротини тушунтириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: • корхонани бошқариш тушунчаси ва унинг аҳамиятли томонларини тушунтиради; • корхонани бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифаларини ўргатади; • корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши тушунчаларини ҳамда уларнинг моҳиятини ёритади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув кўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

4.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.


Фаолият	Фаолиятнинг мазмуни
----------------	----------------------------

босқичлари	Ўқитувчининг	талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуларни докладчилар томонидан танлаб олинишини, ҳамда ҳар бир докладчига тақризчи тайинланишини ташкил қилади. 3.Докладчиларга мавзуси бўйича режа тузиш вазифасини беради. 4.Ҳамма талабаларга маъруза матнини ўрганиб чиқишни, режалар бўйича саволлар тайёрлаш вазифасини беради ва мустақил тайёрланишлари учун адабиётлар рўйхатини тақдим қилади. 5.Докладчиларга тақдимотни кўргазмали материаллар асосида ўтказилишини ўқтиради.	Мавзу танлаб оладилар ва машғулотга тайёрланадилар. Ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлайдилар ва зарур адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар.
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	1.1. Семинар машғулотининг мавзусини эслатади. Машғулотининг шакли ва ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.2. Доклад қилувчилар билан таништиради. 1.3.Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини эълон қилади.	Тинглайдилар
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1.Биринчи докладчига сўз беради. Материал мазмунининг мантиқан боғлиқлигини, баён этиш усули ва талабалар муносабатини кузатади. Талабалар томонидан савол беришни тақлиф қилади. Саволлар беради, докладнинг асосий моҳиятини аниқлаштиради. 2.2.Тақризчиларга сўз беради ва талабаларга саволлар беришни тақлиф қилади. Аста-секин ўқув машғулотини мунозара шаклига ўтказган ҳолда, доклад мазмунини жамоавий муҳокама қилишни тақлиф қилади. 2.3.Мавзу мазмунининг талабаларга қай даражада тушунарлилигини (докладчиларга берилаётган саволлар мазмуни ва саволларга берилаётган жавоблардан келиб чиқиб) баҳолайди. Талабаларга «мунозара иштирокчиси учун эслатма»ни эслатади ва мунозара бошланишини эълон қилади. Билдирилаётган фикрларга нисбатан демократик ёндашиш ва фаоллик, қизиқувчанликни намоён қилади. Ишончли мулоқот тонини қўллайдди. 2.4.Қисқача умумлаштириб докладга якун ясайди. Докладнинг асосий моҳиятини, мунозара, муҳокама натижаларини қайд қилади. 2.5. Кейинги докладларни ҳам шу йўсинда муҳокама қиладилар.	Тайёрланган доклад бўйича сўзга чиқади, тайёрлаган кўргазмали материаллар асосида тақдимот қилади, берилган саволларга жавоб беради. Тақризчи уз фикрини билдиради, саволлар беради. Жамоа бўлиб доклад мазмунини муҳокама, мунозара қиладилар. Мунозара қиладилар.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1.Семинар машғулоти натижалари юзасидан хулоса қилади, мавзуга якун ясайди: -мавзу бўйича якуний хулосани шакллантиради; -доклад қилувчилар ва машғулот иштирокчиларининг тайёргарлигини, мунозара, муҳокама жараёнидаги фаоллигини баҳолайди ва баҳоларни эълон қилади; - семинар машғулоти натижаларига умумий баҳо беради. 3.2. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради:	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Бошқарув** — объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён дир.
- **Бошқарув** — турли-туман соҳалар (мамлакат ва унинг ҳудудлари, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари, корхона ва унинг бўлимлари)да инсонлар устидан раҳбарлик қилишга қаратилган фаолият (ўзига хос функция)дир.
- **Бошқарув** — ташкилотнинг мақсадини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, мотивация (иштиёкни ўйғотиш) ва назорат қилиш бўйича фаолият туридир.
- **Бошқарув** — инсоният ҳаётидаги наёб ихтиродир. Унинг ёрдамида уюшмаган жамоа (тўда) самарали ва аниқ мақсадга йўналтирилган унумли фаолият юритувчи гуруҳга айлантирилади.
- **Бошқарув** — жамоага мақсадли таъсир кўрсатишни ўзида ифода этувчи ижтимоий фаолиятнинг бир тури.





Корхонани бошқариш хусусиятлари

Одамлар ақл-идрокка эга бўлиб, уларнинг ташки муҳитга (бошқаришга) муносабати механик тарзда эмас, балки ақлан идрок этилган, англланган муносабатдир. Демак, ташкилот билан ходим ўртасидаги ўзаро таъсир кўрсатиш жараёни икки томонламадир.

Одамлар доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб боришга қодирдирлар. Шу боисдан ҳам ходимларнинг доимий равишда такомиллашиши ва ривожланиб боришга қодирлиги ҳар қандай корхонга ва ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим манбаидир.


Инсоннинг меҳнат фаолияти ҳозирги жамиятда 30-50 йил давом этади. Шунга кўра, инсон билан корхона ва ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ҳам узоқ вақт давом этиш хусусиятига эга.


Моддий ва табиий ресурслардан фарқли уларок, одамлар кўп ҳолларда корхона ва ташкилотга онгли равишда, муайян мақсадлар билан келадилар ва ташкилотдан анна шу мақсадларни амалга оширишда ёрдам кутадилар. Ходимнинг корхона ва ташкилот билан ўзаро ҳамкорликда ишлашдан қаноат ҳосил қилиши бу ҳамкорликни давом эттиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.


Корхонада бошқарув объекти – корхона, ташкилот ва муассасалар

субъектлари ва ишлаб чиқариш жараёни.


Корхонада бошқарув субъектлари:
 Ҳаракатдаги раҳбарлик девони;
 Корхонада бўйсинувчи бўлимлар, жамоа ходимлари;
 Корхонада фаолият юритаётган турли хил ишчилар, касаба уюшмалари
 ташкилоти ва бошқа жамоат ходимлари ташкилотлари.







Бошқариш услубларининг бошқача тавсифланиши



Топшириқ:

4.1- топшириқ. Саноат корхонасида ишчиларнинг умумий сони 6000 кишини ташкил қилади. Уларнинг 50% йиғув цехида, механика цехида 35%, қолган қисми бошқа цехларда ишлайди. Корхонанинг штат рўйхатига кўра, йиғиш цехида ҳар 250 кишига бир меъёрловчи, механика цехида 100 кишига бир, таъмирлаш, тайёрлаш ва бошқа цехлар ҳар 130 кишига бир меъёрловчи ишлаш керак.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислохатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган.

Корхонага зарур бўлган меъёрловчилар сонини ва ходимларининг 22 %га қисқартирилгандан сўнг меъёрловчиларнинг корхона бўйича сонини аниқлаш талаб қилинади:

Тест саволлари:

1. Бошқарувнинг объектив (илмий) асослари ўз аксини нимада топади?

- а) тамойилларда
- б) усулларда
- в) амалий дастурларда
- г) назарий жиҳатларда
- д) ҳамма жавоб тўғри

2. Бошқарув стили деганда нима тушинилади?

- а) шахсий манфаатларнинг умумийларга бўйсунishi
- б) қарорлар қабул қилиш услуби ва уларни ўз қўл остидагиларга етказиш санъати
- в) бошқарувнинг ривожланган давлатлардаги прогрессив турлари ва усуллари
- г) менежментнинг асосий тамойиллари йиғиндиси
- д) ҳамма жавоб тўғри

3. Корхона ичида бошқаришнинг асосий буғуни бўлиб нима ҳисобланади?

- а) ишчилар
- б) ходимлар
- в) хизматчилар
- г) истеъмолчилар
- д) таъминотчилар

4. Корхона ташқарисида бошқаришнинг асосий буғуни бўлиб нима ҳисобланади?

- а) ишчилар
- б) ходимлар
- в) хизматчилар
- г) истеъмолчилар
- д) таъминотчилар

Назорат саволлари:

1. Корхонани бошқариш деб нимага айтилади?
2. Корхонани бошқаришни ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Корхонани бошқаришнинг умумий белгилари нималардан иборат?
4. Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши нималардан иборат?
5. Корхона ходимларини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
6. Корхонани бошқаришда корхона ходимларининг хулқ-атвори қандай таъсир этади?
7. Корхона ресурсларини бошқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

4.2.	КОРХОНАНИ БОШҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗУЛМАЛАРИ
------	--

4.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Корхонани бошқаришда ташқи муҳит ва унинг таъсир. 2. Корхона субъектларини ва ресурсларини бошқариш хусусиятлари. 3. Корхона ходимларини бошқариш тизимлари.
Машғулотнинг мақсади: Корхонани бошқаришда ташқи муҳитнинг таъсири ҳамда корхона тасарруфидаги ресурсларни бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида билимга эга бўлиш.	
Педагогик вазифалар: • корхонани бошқаришда ташқи муҳит таъсирини ва уни ўзига хос томонларини тушунтириш; • бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳақида тушунча бериш; • корхона субъектлари ва ресурсларини бошқаришнинг асосий хусусиятларини ёритиш; • корхонани бошқариш тизимларини такомиллаштириш ҳақида тушунча бериш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: • корхонани бошқаришда ташқи муҳит шароитидаги ўзига хос томонларини кўрсатади; • бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг муҳим аҳамиятга эгалиги ва унинг мазмунини тушунтиради; • корхона субъектлари ва ресурсларини бошқаришнинг асосий хусусиятларини кўрсатиб ўтади; • корхонани бошқариш тизимларини такомиллаштириш механизмларини таъкидлаб, мазмунини тушунтиради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

4.2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилигини ва долзарблиги асослайди. 3. Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни фаоллаштиради: - бошқариш тушунчасини ёритинг; - корхонани бошқариш қандай самара беради? - матрицали бошқариш тушунчасини ёритинг; - корхонада бошқаришнинг шаклланишини тушунтиринг; 4. Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммоларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни ўрта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Ўйналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага келган барча кийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6. Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлаллигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Ўз фикрларини билдирадилар. Ўрта гуруҳга бўлинадилар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни такдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, конспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзунини умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.


Услубий кўрсатмалар

Тармоқ бошқарувининг ташкилий тузилиши




Режалаштириш – ёрдамида бошқарув қарорларини амалга оширишнинг мақсад, вазифа ва усуллари аниқланади .


Корхона фаолиятини режалаштиришни ташкил этишнинг таркибий тузилиши



1-савол. Корхона ходимларини ўз касби бўйича режалаштиришда ходимларнинг малакавий гуруҳланиши



Корхона ишини режалаштиришда корхона ходимларининг замонавий тузилиши



Илова-1

Муаммоли саволлар:

Ҳозирги пайтда корхонани бошқариш тушунчаси ва унинг аҳамияти.
Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши ва ташкилий маданият.
Корхонани бошқаришда ташқи муҳит шароити.
Корхонани бошқаришда инсон ресурслари ва уларни бошқариш хусусиятлари.

Топшириқ:

4.2.1- топшириқ. Корхонада 30 та цех фаолият юритади, жумладан, 6 таси – асосий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача сони (рўйхат бўйича) – 8706 кишини ташкил этса, улардан 7412 киши ишчилардир. Корхонанинг бутун меҳнат жамоаси йиллик маош жамғармаси – 10,3 млрд. сўм. Корхонанинг бошқарув харажатлари бир йилда 5,6 млн. сўмни ташкил этди.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислохатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган.

Заводнинг бошқарув ходимлари сонини, 22 фоизлик қисқартиришдан сўнг корхона бошқарув ходимлари сони қанчани ташкил этишини ва бошқарув ходимларини қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тахминан қанчага тежаб қолиш мумкинлигини аниқлаш талаб қилинади.

Назорат саволлари:

1. Корхонани бошқариш деб нимага айтилади?
2. Корхонани бошқаришни ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Корхонани бошқаришнинг умумий белгилари нималардан иборат?
4. Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилиши нималардан иборат?
5. Корхона ходимларини бошқариш деганда нимани тушунасиш?
6. Корхонани бошқаришда корхона ходимларининг ҳуқ-атвори қандай таъсир этади?
7. Корхона ресурсларини бошқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Тест саволлари:

1. Корхона персоналини бошқариш усули ҳисобланмайди:

- а) директив.
- б) маъмурий;
- в) иқтисодий;
- г) ижтимоий-психологик;

2. Инсонларнинг ҳулкига таъсир этувчи омиллар:

- а) шахснинг табиий ва психофизиологик хусусиятлари;
- б) шахсни бошқариш тизими ва унинг жамоадаги урни;
- в) манфаатлар, мотивлар ва рағбатлар тизими;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

3. Акциядорлик жамиятини бошқарув органи қандай ташкил топган?

- а) акциядорларнинг умумий йиғилишидан;
- б) кузатув кенгашидан;
- в) ижроия органидан;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилишидан, кузатув кенгашидан, ижроия органидан.

5 - МАВЗУ	КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ
5.1.	КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	Мавзу мазмунига кириш. Қуйидаги саволларни муҳокама қилиш: 1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти. 2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари. 3. Корхонада ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш.
Машғулотнинг мақсади: Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва келажакдаги ишларини башорат қилиш тўғрисида тўлиқ билимлар бериш.	
Педагогик вазифалар: • Режалаштириш ва башорат қилиш тушунчасига таъриф бериш ва мазмунини ёритиш; • Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, мақсади ва вазифалари ҳақида тушунча бериш; • Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари ва тамойиллари ёритиш; • Корхонада ишлаб чиқариш дастурининг аҳамиятли томонларини тушунтириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: • Режалаштириш ва башорат қилиш тушунчасига таъриф беради ва унинг мазмунини ёритиб беради; • Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, мақсади ва вазифалари ҳақида тушунча беради; • Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари ва тамойиллари ва унинг аҳамияти ҳақида тушунтириб беради; • Корхонада ишлаб чиқариш дастурининг аҳамиятли томонларини тушунтириб беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

5.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, таълим мақсадларини кўяди, ўқув натижаларини режалаштиради. Таълим мақсадларидан келиб чиқиб, ўқув ақлий топшириқларни (дифференциал) ишлаб чиқади.	
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. Мавзунинг аҳамиятлилигини ва долзарблигини асослайди. 1.2.Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мазмунли жавоб талаб этадиган саволлар бўйича суҳбат ташкил қилади Билимларни фаоллаштириш жараёнида муаммонинг ечимини топиш фаолиятида зарур бўлган билимлар етарлилигини аниқлайди.	Мавзуни ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1.Ўқув топшириқларини беради, уларни ечимини топиш йўллари ва кетма-кетлигини муҳокама қилади. Ўқув машғулоти якунида қандай натижаларга эришишини маълум қилади. Гуруҳлар иши натижаларини тақдим этиш шаклларини эълон қилади. Ҳар бир талаба ва умуман гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини тушунтиради 2.2.Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқларни тарқатади. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материалдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. 2.3.Гуруҳий топшириқларни бажариш инструкциясини доскага илади ва талабалар билан муҳокама қилади. 2.4.Индивидуал иш карточкаларини тарқатади. 2.5.Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Талабалар ишини кузатади ва у билан бирга: - гуруҳларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди; - аниқ топшириқларни бажариш учун зарур бўлган малакаларни шакллантирувчи индивидуал ишига диққатини қаратади. Топшириқларни ечимини топиш вазифаси қай даражада бажарилганлигини аниқлаш мақсадида очиқ саволлар беради: «Нима учун сиз бундай ўйлаяпсиз?», «Нима учун айнан шу метод деб ўйлаяпсиз?». 2.6.Тақдимот бошланишини эълон уилади. Хамкорликда муҳокама қилиш ва баҳолаш натижаларини эълон қилиш учун гуруҳ иштирокчиларини	Топшириқни муҳокама қиладилар. Ўқув материали, инструкция ва индивидуал натижалар карточкалари билан танишиб чиқадилар. Гуруҳлар ишини режалаштиради. Гуруҳ ичида топшириқларни тақсимлайди. Топшириқларни индивидуал бажарадилар. Индивидуал иш натижаларини муҳокама қиладилар. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳлар фаолиятининг умумий натижаларини ишлаб чиқади ва уларни тақдимотга тайёрлайдилар. Гуруҳ иштирокчилари фаолият натижаларини эълон қиладилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга ўзаро назорат ўтказиш учун саволлар тайёрлайди ва бир-бирига беради.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1.Гуруҳ ишларини натижаларини таҳлил қилади. 3.2.Топшириқларни бажариш бўйича якун ясайди. 3.3.Белгиланган мақсадга эришганлик ҳақида хулосалар қилади. 3.4.Гуруҳ ишларини баҳосини эълон қилади. 3.4.Мустақил бажаришлари учун вазифа беради: режанинг кейинги саволлари бўйича тайёрланиб келиш.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Режа** — ишларни олдиндан белгиланган кетма -кетликда ва муддатларда бажаришга қаратилган тадбирлар тизими.
- **Режалаштириш** — хўжалик юритишда объектив иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланишдир. Унинг ёрдамида меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларданоқилона ва самарали фойдаланиш имконини яратиш мумкин.
- Режалаштириш илмийлик, кенг қамровлилик, узлуксизлик ва оптималлик (мувофиқлик) тамойиллари асосида амалга оширилади.
- Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради.
- Режалаштириш асосида корхоналар хом ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб ўз тараққиёт истикболини белгилайдилар.
- Режалаштириш истеъмолчиларнинг ошиб бораётган, ижтимоий-зарурий харажатлар сарфи энг кам бўлган олий сифатли маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишга қаратилган.
- Корхоналарда режалаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш иқтисодий ва иқтимоий ривожлантириш режалари асосида амалга оширилади.
- Режалаштириш учун қатор усуллар ишлаб чиқилган. Улар орасида баланс усули энг кўп тарқалган: қиймат кўрсаткичли моддий ва меҳнат ресурслари (баланс тизимлари).
- Режалаштириш қарорларининг энг самарали варианты иқтисодий-математик усулларни қўллаш йўли билан аниқланади.
- Режалаштиришда компьютер технолигиясини ишлатиш имконини берувчи қатор иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш моделлари ишлаб чиқилган.
- Режалаштириш илмий жиҳатдан асосланган, ишлаб чиқариш ва фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим.

ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

1-ГУРУҲ

1. Корхона фаолиятини режалаштириш нимага олиб келади?
 2. Корхона фаолиятини режалаштириш шартми? Нима учун?
- Ушбу савол асосида ФСМУ жадвалини тўлдилинг.

ФСМУ жадвали

Корхона ходимларининг малакавий гуруҳланиши шартми?

Ф (Фикрингизни баён этинг).
С (Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг).
М (Кўрсатилган сабабга тушунтирувчи мисол келтиринг).
У (Фикрингизни умумлаштиринг).

3. Корхона фаолиятини режалаштиришнинг мантикий-структуравий схема асосида тасвирланг:

ҳар бир таснифни мазмунини тушунтиринг;

ҳар бир гуруҳга мисоллар келтириб, изоҳланг.

2-ГУРУҲ


1. Корхона фаолиятини режалаштиришда иштирок этувчи субъектлар кимлар ва объектларига нималар киради?


Қуйидаги жадвални тўлдилинг:

2. Режалаштиришнинг асосий элементлари нима ташкил этади?

3. Субъект ва объектнинг функционал жиҳатдан боғлиқлик томонларини ва ҳар хил томонларини изоҳланг. Венна диаграммасини тўлдилинг.

Ишингизни тушунтиринг, изоҳ беринг.





3-ГУРУХ

1. Режалаштириш услубларини кўрсатинг. Ҳар бир усулбунинг ижобий томонларини ва камчиликларини қайд этинг. Ушбу саврол юзасидан куйидаги Т-схема жадвалини тўлдиринг

Т-схема Режалаштириш ва башорат қилиш услублари

услублар	ижобий томонлари	камчиликлари

Гуруҳларда ишлаш қондаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сурашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;

Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

5.1.1-топширик. Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот сотишни 10 фоизга оширишни режалаштирмоқда. Ички захираларни жалб этиш фондлар қайтмини 4 фоизга, фонд билан қуролланишини 3 фоизга оширади.

Режалаштириш йилида корхона ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни таъминлаш учун қўшимча ишчи кучи талаб этилишини ёки талаб этилмаслигини аниқланг.

5.1.2-топширик. “Наъмуна” акциядорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш корхонаси 20 минг аҳолини нон-булочка маҳсулотлари билан таъминлайди.

Режалаштириш йилида 1 кишининг 1 кунлик нон-булочка маҳсулотларига бўлган талаби 0,4 кг бўлиши тахмин қилинмоқда.

Корхона 3та ФТЛ-20 русумли печ билан жиҳозланган. Печларнинг суткалик иш вақти 23 соат. Печдаги люлкалар сони 17та, ҳар бир люлькада 0,4 килограммик 12та батон пиширилади. Пиширишга сарфланадиган вақт — 18 минут. Печларнинг турли текширув ва таъмирлашлар учун тўхтаб қолиш вақти 1 йилда 30 кун.

Корхона хизмат кўрсатаётган аҳолининг нон-булочка маҳсулотларига бўлган талабининг қондира олинаётганлигини ёки қондира олинмаётганлигини аниқланг.

Тест саволлари:

1. Стратегия бу...

- а) корхоналарнинг молиявий ҳужжати;
- б) корхона бизнес-режаисни танлаш;
- в) узоқ муддатли асосий мақсадларни танлаш;
- г) корхоналарнинг ишлаб чиқариш режаларини танлаш.

2. Корхона фаолиятини башорат қилиш нима?

- а) ишлаб чиқариш режалари асосида башорат қилиш;
- б) келажакни кўзлаш;
- в) истиқболни ўйлаб башорат қилиш;
- г) ишлаб чиқариш режалари асосида келажакни башорат қилиш.

5.2.	КОРХОНА РЕЖАЛАРИ ТУЗИЛМАСИ
------	----------------------------

5.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семанар машғулоти режаси	Мавзу мазмунига кириш. Қуйидаги саволларни муҳокама қилиш: 1. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси. 2. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби. 3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат қилиш.
Машғулотнинг мақсади: Корхона фаолиятини режалаштириш технологияси ва режалар тузилмаси ҳамда бизнес режасини тузиш стратегияси тўғрисида тўлиқ билимлар бериш.	
Педагогик вазифалар: • Режалаштириш технологиясининг мазмунини ёритиш; • Бизнес-режа ва унинг мазмуни тушунтириш; • Корхонани келажакдаги ҳолатини олдини башорат қилишнинг мақсади ва вазифаларини ёритиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: • Режалаштириш технологиясининг мазмунини тушунтириб беради; • Бизнес-режа ва унинг мазмуни, бизнес – режанинг корхона ишидаги аҳамиятини тушунтириб беради; • Корхонани келажакдаги ҳолатини олдини башорат қилишнинг мақсади ва вазифаларини ёритиб беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

5.2.2. Семинар машғулоти нинг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзуни аниқлайди, таълим мақсадларини қўяди, ўқув натижаларини режалаштиради. 3. Таълим мақсадларидан келиб чиқиб, ўқув аклий топшириқларни (дифференциал) ишлаб чиқади	
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. Мавзунинг аҳамиятлилигини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мазмунли жавоб талаб этадиган саволлар бўйича суҳбат ташкил қилади.	Мавзуни ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Ўқув топшириқларини беради, уларни ечимини топиш йўллари ва кетма-кетлигини муҳокама қилади. Ўқув машғулотни якунида қандай натижаларга эришишини маълум қилади. Гуруҳлар иши натижаларини тақдим этиш шакллари эълон қилади. Ҳар бир талаба ва умуман гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини тушунтиради. 2.2. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқларни тарқатади. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материалдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. 2.3. Гуруҳий топшириқларни бажариш инструкциясини доскага илади ва талабалар билан муҳокама қилади. 2.4. Индивидуал иш карточкаларини тарқатади. 2.5. Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Талабалар ишини кузатади ва у билан бирга: - гуруҳларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди; - аниқ топшириқларни бажариш учун зарур бўлган малакаларни шакллантирувчи индивидуал ишига диққатини қаратади. Топшириқларни ечимини топиш вазифаси қай даражада бажарилганлигини аниқлаш мақсадида очик саволлар беради: «Нима учун сиз бундай ўйлаяпсиз?», «Нима учун айнан шу метод деб ўйлаяпсиз?». 2.6. Тақдимот бошланишини эълон уилади. Ҳамкорликда муҳокама қилиш ва баҳолаш натижаларини эълон қилиш учун гуруҳ иштирокчиларини тайинлайди. 2.7. Топшириқни бажариш жараёнида ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун гуруҳ ишларининг натижаларини ўзаро назоратини ташкил қилади.	Топшириқни муҳокама қиладилар. Ўқув материали, инструкция ва индивидуал натижалар карточкалари билан танишиб чиқадилар. Гуруҳлар ишини режалаштиради. Гуруҳ ичида топшириқларни тақсимлайди. Топшириқларни индивидуал бажарадилар. Индивидуал иш натижаларини муҳокама қиладилар. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳлар фаолиятининг умумий натижаларини ишлаб чиқади ва уларни тақдимотга тайёрлайдилар. Гуруҳ иштирокчилари фаолият натижаларини эълон қиладилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга ўзаро назорат ўтказиш учун саволлар тайёрлайди ва бир-бирига беради.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Гуруҳ ишларини натижаларини таҳлил қилади. 3.2. Топшириқларни бажариш бўйича якун ясайди. 3.3. Белгиланган мақсадга эришганлик ҳақида хулосалар қилади. 3.4. Гуруҳ ишларини баҳосини эълон қилади. 3.4. Мустақил бажаришлари учун вазифалар беради	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- Режалаштириш ўз мазмунига биноан техник-иқтисодий ва оператив-ишлаб чиқариш кўришларга эга.
- Техник-иқтисодий режалаштириш муддатига кўра истиқболли (стратегик) ва жорий бўлади.
- Стратегик режани ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичи — прогнозлаштиришдир.
- Прогнозлаштириш (олдиндан белгилаш) илмий асосланган тахминларга асосланади. Бунда статистик, математик усуллардан ҳамда эксперт (махсус мутахассис)лар хулосаларидан фойдаланилади.
- Замонавий бозор иқтисодиёти шаротида корхоналар фан-техника тараққиётининг ўсишини, иқтисодий сиёсатни, демографик ҳолатни ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатга (10-25 йилга) мулжалланган стратегик режаларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.
- Корхоналар ўзларининг стратегик режалар асосида узоқ муддатли (3-5 йилга) мулжалланган режасини ишлаб чиқишадилар. Узоқ муддатли режалар асосида 1 йилдан 3 йилгача мулжалланган ўрта муддатли режа ишлаб чиқилади.
- Мамлакат ҳаётида рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳамда талаб ва таклифнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда корхоналарда қисқа муддатли (жорий) — 1 йилгача бўлган режа тузилади. Қисқа муддатли режа ўрта муддатли режага нисбатан аниқроқдир. Корхоналарда барча бугун (бўлм)лар фаолиятини мувофиқлаштириш учун чораклик, ойлик ва 10 кунга мулжалланган режалар ҳам тузилади.
- Корхоналарнинг истиқболли ва жорий режаларини тузишда илғор норма ва нормативлар муҳим ўрин эгаллайди.
- Бизнес-режа — бу хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан биридир.
- Бизнес-режа:
 - а) корхона раҳбарларига стратегия ҳолатини аниқ белгилашга ёрдам бериб, самарали бошқаришга олиб келади;
 - б) бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга оширишни ургатади;
 - в) ҳақиқий фаолиятни режалаштирилган курсаткичлар билан таққослашга ҳам уз вақтида уларга узгартиришлар киритишга ёрдам беради;
 - г) корхона фаолияти бўйича керакли ахборотларни банкларга инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.
- Бизнес-режа корхонанинг иш жараёнини тасвирлаб, корхона раҳбарларининг уз мақсадларига қандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини қай тарика ошириш мумкинлигини курсатиб беради.
- Сифатли ишлаб чиқдиган бизнес-режа корхонанинг усиб боришига, бозорда янги мавкеларни қўлга киритишга, уз тараққиётининг

истикболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга мулжалларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

- Бизнес-режа корхонанинг ички хужжати бўлибгина қолмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал лойиҳанинг синчиклаб ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини қуриб чиқишдан олдин бизнес-режани синчиклаб урганиб чиқишади, сунгра лойиҳани иш лаб чикканлар билан учрашадилар.

Топшириқлар:

5.2.1- топшириқ. “Нафис” акционерлик жамиятига тегишли қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулот сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи (+,—)	Бажарилиши
А	дона	1000	1120		
Б	кг	40	28		
В	кг	220	180		
Г	дона	180	220		
Д	тонна	70	75		

5.2.2-топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Тумарис” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилинг.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил		Фарқи (+,—)			
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Режадан		Ўтган йилдан	
				Мутлақ минг сўм	Нисбий, %	Мутлақ минг сўм	Нисбий, %
Маҳсулот ҳажми (иш,хизмат) улгуржи баҳоларда, минг сўм							
-солиштира улгуржи баҳода	42245	42500	43125				
-амалдаги улгуржи баҳода	41352	43112	45364				

5.2.3-топширик. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Олмос” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментини таҳлил қилинг.

Маҳсулот трлари	Маҳсулот Бирлигининг баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклида, дона		Ишлаб чиқарилган Маҳсулот қиймат шаклида, минг сўм		Ассортимент Ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Бизнес режада	Ҳақиқатда	
А	9250	120000	12100			
Б	8100	111200	109000			
В	4200	65000	67130			
Г	3100	74100	68300			
Д	6300	21000	66520			
Жами	х	х	Х			

5.2.4-топширик. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Турон” акциядорлик жамиятида маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг.

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Фарқи, +,—	Сотиш ҳажмига таъсири
	Бизнес Режада	Ҳақиқатда		
1.Тайёр маҳсулот Йил бошига қолдиғи	475850	520600		
2.Ишлаб чиқарилган товар Маҳсулоти	3222150	3523620		
Ж а м и (1+2 сатр)				
3.Сотилган маҳсулот				
4.Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи	1850640	64900		
Ж а м и (3+4 сатр)				

Тест саволлари:

1. Саноат корхонасида прогнозлаштириш нима мақсадда амалга оширилади?

- а)узоқ муддатли муаммоларни ҳал қилиш учун
- б) режаларни такомиллаштириш учун
- в) фаолиятнинг кирраларини кўра олиш учун
- г) келгусидаги иш кўламини аниқлаш учун
- д) ҳамма жавоб тўғри

2. Прогноз ҳисоб китоблари келгуси давр учун корхонага нимани беради?

- а) келажакдаги иш кўламининг ҳажмини аниқлашнинг

- б) режаларни қўшимча асослаш имконини
- в) турли хилдаги мувофиқлаштириш жараёнларни ташкил қилишни
- г) мақсадларга эришиш йўллари
- д) ҳамма жавоб тўғри

3. Сотиш прогнози қайси иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади?

- а) ишлаб чиқариш дастурини
- б) харажатларини
- в) баҳоларни
- г) фойдани
- д) ҳамма жавоб тўғри

4. Бизнес режанинг моҳиятини тушиниш учун нимани аниқ тасаввур қилиш лозим?

- а) унинг ҳажмини
- б) унинг бўлимларини
- в) унинг аҳамиятини
- г) унинг вазифаларини
- д) унинг функцияларни

5. Ишлаб чиқариш корхонасида бизнес режа қанча муддатга тузилади?

- а) 6 ой
- б) 1 йил
- в) 2 йил
- г) 3 йил
- д) 5 йил

6. Саноат корхонаси бизнес режасининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

- а) ишлаб чиқариш жараёнининг барча қирраларни акс эттиради
- б) товар бозорлари ёки унинг бўғинларига мўлжални қаратади
- в) фаолиятни тартибга солиб турувчи меъёрий хужжат шаклида намоён бўлади
- г) бизнес режанинг бошқа турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади
- д) ҳамма жавоб тўғри

6- МАВЗУ	ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ
-----------------	--

6.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Самарадорлик – корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир. 2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари. 3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари.
Машғулотнинг мақсади: Корхонада ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхонада ишлаб чиқариш барқарорлигини оширишдан иборат.	
Педагогик вазифалар: • Самарадорлик тушунчасига таъриф беради; • Корхонанинг самарадорлигини муҳим аҳамиятларини тушунтириб беради; • Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичларини тушунтириб беради; • Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини тушунтириб беради; • Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омилларини тушунтириб беради.	Ўқув фаолиятининг натижалари: • Самарадорлик ва унинг аҳамияти каби тушунчаларини тушунтиради; • Корхонанинг самарадорлиги ва унинг муҳим аҳамиятларини тушунтиради; • Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичларини тушунтиради; • Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини тушунтириб беради; • Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омилларини тушунтиради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, якка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

6.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (5дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эслатади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3.Машғулотнинг ўтказилиш шаклини тушунтиради.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Ақлий хужум методидан фойдаланиб, талабаларни фаоллаштиради ва билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлайди: - Корхонанинг ижтимоий самарадорлиги деганда нимани тушунаси? Жавоблар 2-3 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади. Жавобларни талабалардан бирига доскага ёзиб боришни таклиф қилади. 2.2. Талабалар билан биргаликда жавобларни таҳлил қилади. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда топшириқ бажаришларини айтади. Гуруҳларга тарқатма материалларни тарқатади. Берилган топшириқни аввал жуфтликларда, сўнгра гуруҳларда бажаришларини тушунтиради. Балик скелети техникасини асосида ишлашларини айтиб, ўтказилиш қоидасини тушунтиради. Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади, кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади.Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изох беради ва тузатишлар киритади.	Ўз фикрларини билдирадилар, саволларга жавоб берадилар. Учта гуруҳга бўлинадилар. Берилган топшириқни аввал жуфтликларда муҳокама қилиб, балик скелетини тўлдирадилар. Сўнгра бажарган ишларини гуруҳ ичида муҳокама қилиб, аниқ , оптимал вариантини танлаб, умумий битта «Балик скелети»ни тўлдирадилар. Гуруҳдан ўқитувчи танлаган талаба чиқиб, гуруҳ ишини тақдим қилади, фикрларини изохлайди. Бошқа гуруҳ иштирокчилари томондан берилган саволларга жавоб беришади.

Услубий кўрсатмалар

- Самара деганда бирон-бир фаолиятнинг натижаси ёки оқибати тушунилади. У иқтисодий ҳамда ижтимоий кўринишларда бўлади.
- Самарадорлик — бу кутилганича ёки ундан ортиқ самарага эришишдир.
- Иқтисодий самарадорлик — бу корхона томонидан олинган фойданинг ўсиши (ўтган йилгига нисбатан), тежалган маблағлар миқдорининг ошиши ёки янги технологияларни жорий қилиш туфайли ишлаб чиқариш жараёнига кетган вақтнинг қисқариши ва ҳоказо.
- Ижтимоий самара деганда иқтисодиётнинг турли соҳаларига капитал киритиш натижасида кишилар турмушининг ва иш шароитининг яхшиланиши, табиатнинг сақланиши, фан-техника тараққиётининг ривожланиши тушунилади.
- Кишиларнинг ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши учун замин яратишни мақсад қилиб қўйган жамиятнинг пировард ижтимоий мақсадга эришуви ижтимоий самарадорлик мезонидир.
- Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини таъсир қилади. Ижтимоий самарани оширмасдан туриб иқтисодий самарани ошириб бўлмайди ва аксинча. Корхоналарнинг иқтисодий-молиявий ҳолатини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири — учун аввало ходимларнинг аҳволини
- Ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар қийматига (ИХ) нисбати билан аниқланади, яъни:

$$P' = \frac{\Phi}{ИХ} \times 100 ,$$

бу ерда: Р' — фойда нормаси;

ИХ — иқтисодий ресурс сарфлари.

- Ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири меҳнат унумдорлигидир.
- Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдориغا нисбати билан белгиланади.
- Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.
- Миллий маҳсулот — мамлакат иқтисодиётида яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмидир.
- Ялпи миллий маҳсулот — бу ўз мамлакати ёки хорижда жойлашган миллий корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг жами қийматидир.
- Ялпи ички маҳсулот — маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархидаги қийматидир.
- Миллий даромад — мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини кўрсатувчи белгилардан бири бўлиб, маълум бир давр мобайнида бутун моддий ишлаб чиқариш тармоқлари томонидан қайта яратилган қийматнинг миқдори.

Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги таркибий нисбатлар




Топшириқлар:


«Балиқ скелети» техникаси

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.


Ўқув топшириқлари 1-гурух



2-гурух



3-гурух



6.1-топшириқ. Ҳисобот йилида мамлакатда яратилган миллий даромад ҳажми 46355,5 млрд сўмни ташкил этди. Миллий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ўртача йиллик сони 11624,8 минг кишига тенг бўлган. Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

6.2-топшириқ. Мамлакат бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз.

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йилида	Олдинги йилда
1. Миллий даромад, млрд. сўм	46355,5	36072,8
2. Моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	11624,8	10196,0

Ҳисобот йилида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг олдинги йилга нисбатан қанчага ўзгарганлигини аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1. Самара деганда нима тушунилади?

- а) фаолият
- б) даромад
- в) харажат
- г) ресурслар
- д) натижа

2. Корхонада самарадорлик ниманинг таъсири натижасида шаклланади?

- а) бозордаги талаб асосида
- б) бозордаги таклиф асосида
- в) ички ва ташқи омиллар асосида
- г) рақобат муҳитининг шаклланиши асосида
- д) ҳамма жавоб тўғри

3. Қўлланилаётган ресурсларга нисбатан корхона хўжалик фаолиятининг самардорлиги қандай ҳисобланади?

- а) харажатларнинг ресурсларга нисбати
- б) сотилган маҳсулотнинг ресурсларга нисбати
- в) сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- г) фойданинг харажатларга нисбати
- д) ҳамма жавоб тўғри

4. Истеъмол қилинган ресурсларга нисбатан корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлиги қандай ҳисобланади?

- а) харажатларнинг ресурсларга нисбати

- б) сотилган маҳсулотнинг ресурсларга нисбати
- в) сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- г) фойданинг харажатларга нисбати
- д) ҳамма жавоб тўғри

5. Капитал қўйилмалар - бу ...

- а) асосий воситалари сотиб олиш, қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун сарфланган маблағлар.
- б) айланма маблағлар билан таъминлашга қаратилган харажатлар.
- с) ходимларнинг тажриба ва малакаларини оширишга йўналтирилган маблағлар.
- д) ижтимоий соҳаларга сарфланган маблағлар.

6. Капитал қўйилмалар ишларни бажариш усулига кўра қандай турларга бўлинади?

- а) оддий ва мураккаб усулда қилинадиган капитал харажатлар
- б) пудрат ва хўжалик усулида қилинадиган капитал харажатлар
- с) қурилиш-монтаж, асбоб-ускуналар, инвентар харажатлар, бошқа капитал харажатлар
- д) ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга мўлжалланган харажатлар

7. Корхоналардаги самарали иш ниманинг муҳим шартидир?

- а) иқтисодиётнинг барқарорлашуви
- б) бозорнинг тўйиниши
- в) миллат фаровонлиги ва давлатнинг гуллаб яшнаши
- г) иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши
- д) ҳамма жавоб тўғри.

Назорат саволлари:

1. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари мазмунини ва моҳияти нимада?
2. Самарадорликнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида самаранинг самарадорликдан фарқи нимада?
4. Корхонада меҳнат унумдорлигига нималар таъсир кўрсатади?
5. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омилларини санаб ўтинг?
6. Ижтимоий самарадорлик нимадан иборат?
7. Иқтисодий самарадорлик нималардан иборат?

7- МАВЗУ	КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ
7.1.	КОРХОНА АСОСИЙ ФОНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛМАСИ

7.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	Мавзу мазмунига кириш. Қуйидаги саволларни муҳокама қилиш: 1. Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. 2. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни баҳолаш ва таъмирлаш. 3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари. 4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати.
Машғулотнинг мақсади: Асосий фондаларнинг корхона фаолиятидаги роли, уларнинг эскириши ва баҳоланиши, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ошириш тўғрисида билимга эга бўлиш.	
Педагогик вазифалар: • Асосий фондларнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамиятини ёритиб беради; • Асосий фондларнинг эскириши тушунчасини ёритиб беради; • Асосий фондларни таъмирлаш ва уларни баҳолаш тартибини тушунтириб беради; • Асосий фондлардан фойдаланиш тизимини яхшилаш йўллари ва кўрсаткичларини тушунтириб беради; • Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари нимадан иборатлигини тушунтириб беради;	Ўқув машғулотининг натижалари: • Асосий фондларнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамиятини тушунтиради; • Асосий фондларнинг эскириши ва унга хандай тартибда амортизация тўловлари ҳисобланишини тушунтиради; • Асосий фондларни таъмирлаш ва уларни баҳолаш тартибини тушунтиради; • Асосий фондлардан фойдаланиш тизимини яхшилаш йўллари ва кўрсаткичларини тушунтиради; • Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари нимадан иборатлигини тушунтиради;
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, якка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.


7.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, таълим мақсадларини қўяди, ўқув натижаларини режалаштиради. 3.Таълим мақсадларидан келиб чиқиб, ўқув ақлий топшириқларни (дифференциал) ишлаб чиқади	Тинглайдилар.
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. Мавзунинг аҳамиятлилигини ва долзарблигини асослайди. 1.2.Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мазмунли жавоб талаб этадиган саволлар бўйича суҳбат ташкил қилади.	Мавзуни ёзадилар. Саволларга жавоб берадилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1.Ўқув топшириқларини беради, уларни ечимини топиш йўллари ва кетма-кетлигини муҳокама қилади. Ўқув машғулоти якунида қандай натижаларга эришишини маълум қилади. Гуруҳлар иши натижаларини тақдим этиш шакллари эълон қилади. Ҳар бир талаба ва умуман гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини тушунтиради. 2.2.Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқларни тарқатади. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материалдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. 2.3.Гуруҳий топшириқларни бажариш инструкциясини доскага илади ва талабалар билан муҳокама қилади. 2.4.Индивидуал иш карточкаларини тарқатади. 2.5.Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Талабалар ишини кузатади ва у билан бирга: - гуруҳларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди; - аниқ топшириқларни бажариш учун зарур бўлган малакаларни шакллантирувчи индивидуал ишига диққатини қаратади. Топшириқларни ечимини топиш вазифаси қай даражада бажарилганлигини аниқлаш мақсадида очик саволлар беради: «Нима учун сиз бундай ўйлаяпсиз?», «Нима учун айнан шу метод деб ўйлаяпсиз?». 2.6.Тақдимот бошланишини эълон уилади. Хамкорликда муҳокама қилиш ва баҳолаш натижаларини эълон қилиш учун гуруҳ иштирокчиларини тайинлайди. 2.7.Топшириқни бажариш жараёнида ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун гуруҳ ишларининг натижаларини ўзаро назоратини ташкил қилади.	Топшириқни муҳокама қиладилар. Ўқув материали, инструкция ва индивидуал натижалар карточкалари билан танишиб чиқадилар. Гуруҳлар ишини режалаштиради. Гуруҳ ичида топшириқларни тақсимлайди. Топшириқларни индивидуал бажарадилар. Индивидуал иш натижаларини муҳокама қиладилар. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳлар фаолиятининг умумий натижаларини ишлаб чиқади ва уларни тақдимотга тайёрлайдилар. Гуруҳ иштирокчилари фаолият натижаларини эълон қиладилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга ўзаро назорат ўтказиш учун саволлар тайёрлайди ва бир-бирига беради.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1.Гуруҳ ишларини натижаларини таҳлил қилади. 3.2.Топшириқларни бажариш бўйича якун ясайди. 3.3.Белгиланган мақсадга эришганлик ҳақида хулосалар қилади. 3.4.Гуруҳ ишларини баҳосини эълон қилади. 3.4.Мустақил бажаришлари учун вазифалар беради.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар:

- Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжларининг тўлароқ кондирилиши маълум даражада мавжуд асосий фондларнинг миқдори ва сифатига боғлиқдир. Асосий фондларсиз бирорта ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Узоқ муддатли активларнинг тузилиши



- Асосий фондлар фойдаланиш мақсадига, ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашишига қараб ажратилади.
- Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондлар моддий бойликлар яратишда иштирок этади.
- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган асосий фондлар корхона ходимларининг моддий ва маданий талаб-эҳтиёжларини кондиритишда қатнашади.
- даражасига қараб актив ва пассив фондларга бўлинади.
- Амортизация – бу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киритиш.
- Эскириш–бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.
- Амортизацияланадиган қиймат - асосий воситанинг бошланғич қийматидан кўзда тутиладиган ликвидацион қийматни чегиргандан кейин қолган қиймат.
- Ликвидацион қиймат - бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондлар меҳнат буюмларига таъсир этиш қилиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган қиймати. Асосий воситаларни ликвидацияси натижасида олинадиган активларга хом-ашё ва материаллар, инвентарлар, эҳтиёт қисмлар, товарлар сифатида тан олинган, баҳоланган ва қабул қилинган моддий бойликлар киради.
- Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати муайян даврда (йил, смена, кун) корхона тасарруфидаги меҳнат воситаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда белгиланган ассортиментда (мумкин бўлган) энг юқори миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди.

- $$\mathbf{K} = \mathbf{N}^* \mathbf{\Pi}^* \mathbf{T}$$

T - йиллик хизмат қилиш муддати.

«Зигзаг» техникаси

Ҳар бир гуруҳнинг асосий мақсади: ҳар бир талаба мавзунӣ тўлиқ ўзлаштириши керак.



7.1.1- топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонаси асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Минг сўм.
Асосий воситаларнинг йил бошига қиймати	15 000,0
Ишлаб чиқаришга киритилган асосий воситалар қиймати::	200,0
- март ойида	150,0
- июнь ойида	250,0
- август ойида	
Ишлаб чиқаришдан чиқарилган асосий воситалар қиймати::	100,0
- февраль ойида	300,0
- октябрь ойида	

7.1.2- топшириқ. Саноат корхонасининг йил бошида 5000, минг сўмлик асосий воситалари бўлган.Йил давомида 250,0 минг сўмлик асосий воситалар киритилган ва 300,0 минг сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган.

Келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонасининг ўртача йиллик ва йил охирига асосий воситалари қийматини аниқлаш талаб қилинади.

7.1.3-топшириқ. Цитрус меваларидан шарбат ишлаб чиқарувчи таниқли компания бошқа компаниянинг маркасида фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун роялти тўлаш бўйича битим тузган. Роялтининг миқдори — сотилган маҳсулот қийматидан 15 фоиз.

Бир йилда 10500,0 минг сўмлик шарбат сотилади, товар белгисидан фойдаланиш муддати — 5 йил, дисконт ставкаси — 10 фоиз.

Товар белгиси қийматини аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1. Активлар, бу...

- а) кредитлар;
- б)акциялар;
- в) корхона тасарруф этадиган мол мулклар;
- г)қарз воситалари.

2.Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда қандай қиймат бўйича баҳоланади?

- а) ўртача қиймат;

- б) бошланғич қиймат;
- в) қолдиқ қиймат;
- г) вазирлик томонидан белгиланган қиймат.

3. Кувватлардан фойдаланиш коэффициенти қандай аниқланади?

- а) ишлаб чиқариш дастурининг жами асбоб усқунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- б) ишлаб чиқариш дастурининг ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида
- в) ишлаб чиқариш дастури меҳнат талабчанлигининг асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- г) ишлаб чиқариш дастури меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- д) цех ишлаб чиқариш кувватларининг завод ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида

4. Асбоб усқунанинг юкланиш коэффициенти қандай аниқланади?

- а) ишлаб чиқариш дастурининг жами асбоб усқунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- б) ишлаб чиқариш дастурининг ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида
- в) ишлаб чиқариш меҳнат талабчанлигининг жами асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- г) ишлаб чиқариш меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- д) цех ишлаб чиқариш кувватларининг завод ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида

5. Кувватларнинг мутаносиблик коэффициенти қандай аниқланади?

- а) ишлаб чиқариш дастурининг жами асбоб усқунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- б) ишлаб чиқариш дастурининг ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида
- в) ишлаб чиқариш меҳнат талабчанлигининг жами асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати
- г) ишлаб чиқариш меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб усқуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида
- д) цех ишлаб чиқариш кувватларининг завод ишлаб чиқариш кувватларига нисбати сифатида

6. Асосий фондларни амортизацияси бу - ...

- а) асосий фондларни эскириш
- б) асосий фондларни қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига утказиш жараёни
- в) ишлаб чиқариш фондларини тикланувчанлиги (реновацияси)
- г) асосий фондларни сақлаш харажатлари

7.2.	КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ
------	--

7.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотивининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулооти
Амалий машғулот режаси	Мавзу мазмунига кириш. Қуйидаги саволларни муҳокама қилиш: 1. Корхонада асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. 2 Корхонада асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар. 3 Корхонада асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
Машғуловтининг мақсади: Корхонада асосий воситалар ҳолатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳақида билимга эришиш.	
Педагогик вазифалар: • Корхонада асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни кўрсатиб беради; • Асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини изоҳлаб беради.	Ўқув машғулотивининг натижалари: • Корхонада асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни кўрсатиб беради; • Асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини изоҳлаб беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

7.2.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1-гуруҳга, корхонада асосий воситалар ҳолатини, 2-гуруҳга, корхонада асосий воситалар билан таъминланганликни, 3-гуруҳга, корхонада асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Такдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.3. Такдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари такдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳркамасини жамоага ҳавола қилади. 2.4. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргарлик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда қатнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пассив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун топшириқлар беради.	Саволлар берадилар Эшитадилар ва хулоса чиқарадилар

Услубий кўрсатмалар:

- Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичлари — фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги кабилардир.
- Асосий фондлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш хажмининг ошишига олиб келади.
- Асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқарилишида қатнашган барча асосий фондлар қийматини ҳисобга олиш лозим.
- Асосий фондларнинг 1 сўмига қанча ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғри келишини, яъни фондлар қайтимини ифодалайди. У қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\Phi_k = M : \Phi ,$$

бунда: Φ_k — фонд қайтими, сўм;

M — сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;

Φ — корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм.

- Маҳсулотларнинг фондлар сиғими кўрсаткичи фондлар қайтимига тескари кўрсаткич ҳисобланади.

$$\Phi_c = \frac{\Phi}{M}$$

- Фонд рентабеллиги кўрсаткичи корхонанинг йиллик соф фойдасининг асосий фонд қийматига нисбати кўринишида қуйидаги усулда ҳисобланади:

$$\Phi_p = \frac{C_\phi}{\Phi} \times 100 ,$$

бу ерда: Φ_p — асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм;

C_ϕ - корхонанинг йиллик соф фойдаси, сўм;

Φ - корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, сўм.

- Асосий фондларнинг пасив қисмидан, жумладан, биноларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражаси ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метрига тўғри келадиган маҳсулот миқдорига кўра аниқланади. У қуйидаги формула билан топилади:

$$M_m = \frac{M_y}{H_m} ,$$

бунда: M_m - 1м² майдонда ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм;

M_y - ялпи маҳсулот миқдори, сўм;

H_m - ишлаб чиқариш майдони, м².

- Корхона ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланиш кўрсаткичи, нафақат, асосий фондларнинг пассив қисмидан фойдаланишни ифодалайди, айти пайтда, у асбоб-усуналардан ҳам фойдаланиш даражасини ҳам акс эттиради.
- Ҳар бир m^2 майдондан олинадиган маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, майдонлардан ва ўрнатилган усуналардан самарали фойдаланилаётганликдан далолат беради.

Топшириқлар:

7.2.1- топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонаси асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини ҳисобланг.

Асосий воситалар	Йил бошига қиймати, минг сўм	Киритилган			Ишлаб чиқаришдан олинган	
		ойлар	сони	қиймати, минг сўм	ойлар	қиймати, минг сўм
Бинолар	10000,0	май	1	1000,0	ноябрь	500,0
Иншоотлар	1000,0	-	-	-	-	-
Усуналар	20000,0	март	1	2000,0	-	-
Транспорт воситалари	500,0	август	2	50,0	-	-
Хўжалик инвентарлари	200,0	-	-	-	июнь	90,0

7.2.2- топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонаси асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини ҳисобланг

Асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришга киритилган санаси	Қиймати, минг сўм	Асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришга киритилган санаси	Қиймати, минг сўм
1 январга	4525	1 июлга	4720
1 февралга	4605	1 августга	4740
1 мартга	4600	1 сентябрга	4710
1 апрелга	4575	1 октябрга	4690
1 майга	4575	1 ноябрга	4692
1 июнга	4560	1 декабрга	4730
		31 декабрга	4770

Тест саволлари:

1. Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда қандай қиймат бўйича баҳоланади?

- а) ўртача қиймат;
- б) бошланғич қиймат;
- в) қолдиқ қиймат;
- г) тиклаш қиймат.

2. Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда қандай қиймат бўйича акс эттирилади?

- а) ўртача қиймат;
- б) тиклаш қиймат.
- в) жорий қиймат;
- г) қолдиқ қиймат;

3. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати?

- а) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;
- б) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг ўртача қиймати;
- в) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг ўртача қиймати;
- г) жамланган амортизация суммасини чегирмаган ҳолда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

4. Асосий воситалар қиймати қандай йўл билан сўндирилади?

- а) амортизацияни ҳисоблаш йўли билан;
- б) инвентаризация йўли билан;
- в) балансдан балансга ўтказиш йўли билан;
- г) сотиш йўли билан.

5. Қандай воситага амортизация ҳисобланмайди?

- а) корхона асбоб-ускуналарига;
- б) корхона ерига;
- в) корхонанинг бутловчи қисмларига;
- г) корхона бино-иншоотларига.

Назорат саволлари:

1. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиш?
2. Асосий фондлар билан асосий воситанинг бир-биридан қандай фарқи бор?
3. Асосий воситанинг корхонадаги вазифаси нима?
4. Инвентаризация ўтказишнинг моҳияти нимада?
5. Асосий воситаларни ишлаш жараёнини назорат қилишнинг мақсади нимада?

7.3.	АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ
------	--

7.3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	1. Корхонада асосий фондларнинг тузилиши ва эскириши таҳлил қилш. 2. Корхонада асосий фондлар ҳолатини таҳлил қилиш.ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш 3. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати. 4. Корхонада асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш.
Машғулотнинг мақсади: Корхонанинг айланма маблағлари ҳолати ва ҳаракати, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари умумий тушунчаларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Корхонада асосий фондларнинг тузилиши ва эскиришини таҳлил қилишни ўргатади; • Корхонада асосий фондлар ҳолатини таҳлил қилиш.ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усулларини ўргатади; • Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва ундан самарали фойдаланиш йўллари тушунтиради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Корхонада асосий фондларнинг тузилиши ва эскиришини таҳлил қилишни ўрганади; • Корхонада асосий фондлар ҳолатини таҳлил қилиш.ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усулларини билиб олади; • Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида тушунчага эга бўлади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

7.3.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1-гуруҳга корхонада асосий фондларнинг тузилиши ва эскириши, 2-гуруҳга, корхонада асосий воситалар ҳолати ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш 3-гуруҳга, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдамберади. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳркамасини жамоага ҳавола қилади. 2.4. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргар-лик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда катнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пасив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун топшириқлар беради.	Саволлар берадилар Эшитадилар ва хулоса чиқарадилар

Услубий кўрсатмалар:

Амортизация қилинишига қараб корхоналарнинг асосий воситалари амортизация ҳисобланадиган ва амортизация ҳисобланмайдиган турларга бўлинади.

Қўйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Кутубхона фондига.
- Кўп йиллик ўсимликларга.
- Ишчи ва наслдор ҳайвонларга.
- Консервация қилинган асосий воситаларга.

Қолган асосий воситаларга амортизация ҳисобланади. Солиқ Кодексига мувофиқ (23- модда) асосий воситалар амортизация меъёрлари бўйича қўйидаги бешта гуруҳга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида асосий фондлар бўйича амортизация меъёрлари

№	Асосий воситаларнинг турлари	Амортизация меъёри, %
1.	Енгил автомобиллар, такси, йўлда ишлатиш учун автотрактор техникаси, махсус инструментлар, инвентарлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни ишлови бўйича жиҳозлар.	20
2.	Юк ташиш автомобиллари, автобуслар, махсус автомобил ва прицеплар. Саноатнинг барча тармоқлари учун машина ва жиҳозлар, қурилиш жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозлари. Офис учун мебел.	15
3.	Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари. Иссиқлик техникаси жиҳозлари, труба жиҳозлар, электродвигателлар ва дизель-генераторлар. Электр қуввати ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар.	8
4.	Биолар, иншоотлар ва қурилмалар.	5
5.	Юқоридаги гуруҳларга кирмайдиган амортизацияланадиган активлар.	10

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

7.3.1- топшириқ. Саноат корхонасида асосий воситаларга кирувчи объектнинг бошланғич қиймати (1 январь ҳолатига) 160,0 млн.сўм. Ундан фойдаланиш муддати 10 йил қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса ундан 3 йилгина фойдаланилган.

Келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1) амортизация ажратмаларини бир маромда, хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал (кумулятив) ва камайиб боровчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усуллари қўллаган ҳолда ҳисоблаш;

2) объектнинг 1 январь ҳолатига қолдиқ қийматини ва эскириш коэффициентини аниқлаш;

7.3.2- топшириқ. Корхонадаги мавжуд конвейер 2008 йили ўрнатилган. Ундан самарали фойдаланиш муддати 5 йил.

Келтирилган маълумотлар асосида конвейернинг жисмоний эскириш миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

7.3.3- топшириқ. Саноат корхонасидаги цехнинг дастлабки қиймати 6 038 760 сўм, унинг қолдиқ қиймати — 3 114 030 сўм.

Келтирилган маълумотлар асосида цехнинг жисмоний эскириш фоизини аниқлаш талаб қилинади.

7.3.4- топшириқ. Саноат корхонасида, 1 январь ҳолатига, қуйидаги таркибда асосий воситалар мавжуд:

Асосий воситалар турлари	Асосий воситаларнинг баланс қиймати, млн сўм
Бинолар	30,0
Иншоотлар	8,0
Машина ва ускуналар	48,0
Транспорт воситалари	6,0
Хўжалик инвентарлари	5,0
Бошқа асосий воситалар	3,0

Жорий йилнинг февраль ойида қиймати 5 млн сўмлик цех биноси эксплуатацияга топширилди, май ойида қиймати 10,0 млн.сўмлик ускуна харид қилинган, сентябрь ойида қиймати 3,0 млн. сўмга тенг ускуналар маънавий ва жисмоний эскиргани учун ҳисобдан чиқарилган

Асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига тузилишини, актив ва пасив қисмларининг ҳиссаларини, эксплуатациядан чиқарилганлик ва янгиланиш коэффициентларини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.5- топшириқ. Саноат корхонасидаги электролиз цехи бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Объектлар	Сони	Ишга киритилган йил	Қиймати, сўм	Амортизация нормаси, %
Корпус биноси	1	1968	11 047 720	1,7
Пўлат газ ўтказгичлар	—	1978	402 200	10,0
Вакуумли чўмич	6	1988	203 640	10,0
Вакуумли чўмич	3	1994	211 730	10,0
Тўсин қурилмалари	—	1975	102 690	2,1
Ўрнидан кўзғоладиган(кўчиб юрадиган) машина	1	1999	306 780	20,0

Корхона электролиз цехидаги асосий воситаларнинг йил бошидаги қолдиқ қийматини аниқлаш талаб қилинади.

7.3.6- топшириқ. Саноат корхонасидаги асосий воситаларнинг йил охиридаги қиймати, млн.сўм:

Биолар	120
Иншоатлар	45
Машина ва ускуналар:	
- энергетик ускуналар	110
- ишчи машиналар ва ускуналар	330
- ахборот ускуналари	50
Транспорт воситалари	40
Хўжалик инвентарлари	12
Бошқалар	32

1 январь ҳолатига қуйидаги коэффицентлардан фойдаланилган ҳолда асосий воситалар қайтадан баҳоланган:

Биолар, иншоотлар	6,0
Энергетик ускуналар, ишчи машиналар ва ускуналар	7,5
Ахборот ускуналари	0,8
Транспорт воситалари	10,6
Хўжалик инвентарлари	8,2

Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш тузилишини ва қайта баҳолангандан кейинги уларнинг актив и пассив қисмлари миқдорини аниқлаш талаб қилинади..

7.3.7- топшириқ. Корхонадаги асосий восита объектининг қиймати 80,0 минг сўм. Унинг хизмат қилиш муддати — 5 йил.

Бир маромда ва камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усуллари қўллаган ҳолда амортизация ажратмаларининг йиллик суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.8- топшириқ. Асосий восита объектини яратишга 5000,0 минг сўм сарфланган. Унинг орқали 10000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Яратилган объект воситасида 2000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқарилган йилда унинг амортизация суммасини аниқлаш талаб қилинади.

7.3.9-топшириқ. Кон қазилма бойлигининг баланс захираси 40 млн.тонна. Коннинг унумдорлиги — бир йилда 1000 минг тонна. Капитал қўйилмалар ҳажми — 9000,0 млн.сўм

Олинган 1 тонна қазилма бойликка тўғри келадиган амортизация суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.10- топшириқ. Саноат корхонасида, 1 январь ҳолатига, қуйидаги таркибда асосий воситалар мавжуд:

Асосий воситалар турлари	Асосий воситаларнинг баланс қиймати, млн сўм
Бинолар	30,0
Иншоатлар	8,0
Машина ва ускуналар	48,0
Транспорт воситалари	6,0
Хўжалик инвентарлари	5,0
Бошқа асосий воситалар	3,0

Февраль ойида цехнинг 1000,0 минг сўмлик янги биноси ишлаб чиқаришга киритилди, июль ойида 12000,0 мингсўмлик ускуна харид қилинди.

Корхона йил давомида 1000,0 минг сўмлик 23000 тонна миқдорида “А” турдаги ва 1500,0 минг сўмлик 35000 тонна миқдорида “Б” турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган.

Етакчи ускуналар иши ҳақидаги асосий маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Кўрсаткичлар	Маҳсулот ишлаб чиқариш ускуналари	
	А	Б

Агрегатлар сони, бирлик.	2	4
Иш режими	узлуксиз	узлукли
Вақт (календарь) захираси,соат	8 760	
Иш вақти, соат	—	8 760
Бекор туриш, соат:	960	4 000
— ҳақиқатда	720	520
— режа бўйича		192
Техник меъёр бўйича унумдор- лик, тонна/соат	1,6	3,4

Фонд қайтими коэффиценти ва ускунадан фойдаланиш коэффицентларини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.11-топшириқ. Корхонанинг йил бошига асосий воситалар қиймати — 340,0 млн.сўм. Йил давомида — июнь ойида 45,0 млн. сўмлик, сентябрь ойида 9,0 млн. сўмлик асосий воситалар кирим қилинган; апрель ойида 5,9 млн.сўмлик, май ойида 21,0 млн. Сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришдан олинган. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 1 млн.тонна, маҳсулотнинг ўртача нархи — 250 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва янгиланиши коэффицентларини, фонд сиғими ва фонд қайтимини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.12 - топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида цехдаги ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффицентини аниқлаш талаб қилинади:

Сменалар сони	2
Сменалар давоми,соат.	8
Йил давомида дам олиш кунлар сони	104
Байрам кунлари	11
Агрегатлар сони	5
Цехлар бўйича бекор туриб қолиш, соат.	887

7.3.13- топшириқ. Кон қазилма бойлигининг баланс захираси 40 млн.тонна. Коннинг унумдорлиги — бир йилда 1000 минг тонна. Капитал қўйилмалар ҳажми — 9000,0 млн.сўм

Олинган 1 тонна қазилма бойликка тўғри келадиган амортизация суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.14- топшириқ. Корхонанинг йил бошига асосий воситалар қиймати — 340,0 млн.сўм. Йил давомида — июнь ойида 45,0 млн. сўмлик, сентябрь ойида 9,0 млн. сўмлик асосий воситалар кирим

қилинган; апрель ойида 5,9 млн.сўмлик, май ойида 21,0 млн.сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришдан олинган. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 1 млн.тонна, маҳсулотнинг ўртача нархи — 250 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва янгиланиши коэффициентларини, фонд сиғими ва фонд қайтимини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.15- топшириқ. Корхона номоддий активнинг бирон-бир объектини ҳосил қилиш учун 450,0 минг сўм сарфлаган. Объектнинг бир йиллик амортизация суммасини топиш талаб қилинади.

7.3.16- топшириқ. Конни ишлаб таёрлаш учун барпо қилинган корхона табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олишга 500,0 минг сўм тўлаган. У қазилма бойликлар захираси баланси тугагунга қадар ишлаши керак. Кон захираси 20 минг тонна, деб баҳоланган. Корхона унумдорлиги — бир йилда 4 минг тонна.

Номоддий активлар йиллик амортизация суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.17-топшириқ. 20 люлькали ФТЛ-20 конвейрли печ билан жиҳозланган нон ишлаб чиқарувчи корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Маҳсулот турлари	1 суткадаги иш вақти, соат	1 марта пишириш вақти, минут	1 люлькадаги маҳсулот, дона	Махсус бирликда алмаштириш коэффициенти
1. Олий навли ундан тайёрланган 1 кг шаклли нон	10	60	24	1,0
2. 1 навли ундан тайёрланган 0,4 кг кесма батон	8	20	12	1,5
3. 1 навли ундан тайёрланган 0,2 кг баргли сайка	5	25	24	1,5

Ишлаш режими тўхтовсиз, суткалик бўлганда нон ишлаб чиқарувчи корхонанинг суткалик ва йиллик лойиҳавий қувватини аниқланг. Йил давомида тамирлаш ва тиклаш ишларига 25 сутка сарф этилади. Ҳар суткада смена алмашиши ва печларни текшириш учун 1 соат сарфланади.

7.3.18-топшириқ. Дастур мажмуасини ишлаб тайёрлаш учун қилинган харажатлар 35,0 млн. сўмни ташкил қилган. Реклама харажатлари — 5,0 млн. сўм. Режа бўйича 15,0 млн.сўм фойда олиш мулжалланган. Дастур мажмуасидан фойдаланувчилар сони — 50та.

Дастур мажмуасининг нархини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.14- топшириқ. Илмий – ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонага 5 йил муддатга, олинган фойданинг 50 фоизини бериши шарти билан, фойдаланиш учун патент берди. Олинган патент шарофати билан корхона бир йилда қўшимча 4,0 млн.сўм қўшимча фойда олиши мумкин. Дисконт ставкаси — 10 фоиз.

Роялти асосида патент қийматини ҳисоблаш талаб қилинади.

7.3.15-топшириқ. Корхона буюм ишлаб чиқаришда ўзининг конструктурлик бюроси қилган ихтиродан фойдаланади. Ихтирогача корхона бир дона буюмни ишлаб чиқариш учун 65 сўм сарфлаган.

Ихтиро корхонага бир дона буюмни ишлаб чиқаришда 12,5 сўм миқдорида материални ва 11,7 сўм ҳажмида меҳнат харажатларини тежаш имкониятини беради. Бундай устуворлик 6 йил давомида сақланиб қолиниши кутилади.

Корхона йилига 300 000 дона буюм ишлаб чиқаради. Дисконт ставкаси — 15 фоиз.

Ихтирони баҳолаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни характерловчи кўрсаткичлар:

- а) рентабеллик ва фойда
- б) фонд қайтими ва фонд сиғими
- в) ишчилар меҳнати фонд билан таъминланганлиги
- г) эксплуатацион тайёргарлик коэффиценти

2.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан экстенсив фойдаланиш қуйидагилар орқали аниқланади

- а) фонд сиғими ва фонд қайтими орқали
- б) сменалик коэффиценти, ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти орқали
- в) меҳнатни фонд билан таъминланганлиги орқали
- г) ишлаб чиқариш рентабеллиги орқали

3.Ускуналардан интенсив фойдаланиш қуйидагилар орқали аниқланади:

- а) сменалик коэффиценти

- б) ишчилар меҳнاتини фонд билан таъминланганлиги
- в) ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффиценти
- г) ускуналарнинг яроклилик коэффиценти

4. Фонд қайтими кўрсаткичи характерланади:

- а) 1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган товар маҳсулотлари улчамининг ҳажми орқали
- б) меҳнатни техник жиҳатдан қуролланганлик даражаси билан
- в) 1 сўмлик реализация қилинган маҳсулот учун асосий фондларни солиштира харажатлари
- г) асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти билан

8- МАВЗУ	КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ
8.1.	КОРХОНА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИНГ МОҲИАТИ, ТАРКИБИ ВА НОРМАЛАШТИРИЛИШИ

8.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотивнинг шакли	Билимларни мустақкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти. 2. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири. 3. Айланма маблағларни нормалаштириш. 4. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.
Машғулотивнинг мақсади: Корхонанинг айланма маблағлари, уларнинг иқтисодий табиати, ҳаракати, айланма маблағларни меъёр-лаштириш, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва айланишини тезлаштириш тўғрисидаги умумий тушунчаларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Айланма маблағларнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамиятини ёритиб беради; • Айланма маблағларнинг тузилмаси, ҳаракати тушунчаларини ёритиб беради; • Айланма маблағларни нормалаштириш тартибини тушунтириб беради; • Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшилаш ва айланишини тезлаштириш йўллари тушунтириб беради;	Педагогик вазифалар: • Айланма маблағларнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамиятини тушунтиради; • Айланма маблағларнинг тузилмаси, ҳаракати тушунчаларини тушунтиради; • Айланма маблағларни нормалаштириш тартибини тушунтиради; • Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшилаш ва айланишини тезлаштириш йўллари тушунтиради;
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

8.1.2. Семинар машғулотивнинг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	талабанинг
I. Кириш	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг	Тинглайдилар.

босқичи (10 дақиқа)	бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эслатади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3.Семинар машғулотнинг ўтказилиш шаклини ва тартибини тушунтиради. 4.Машғулот сўнгида тест ўтказилишини уқтиради.	
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров техникасини қўллаб, қуйидаги саволларни беради: -айланма маблағлар деганда нимани тушунасиз? -айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари деганда нимани тушунасиз? -айланма маблағлар айланиши қандай босқичларни ўз ичига олади? -айланма маблағлар захираси деганда нимани тушунасиз? Берилган жавобларни таҳлил қилади, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади. 2.2. Талабаларни ихтиёрий равишда учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда топшириқ бажаришларини уқтиради. 2.3. Топшириқлар тарқатади. «Нима учун?» техникасидан фойдаланиб, топшириқни аввал индивидуал, сўнгра гуруҳда бажариши кераклигини айтади ва жадвални тўлдириш тўлдириш қондасини тушунтиради. (1-илова). Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади, талабаларни кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.	Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар. Гуруҳларга бўлинади. Берилган топшириқларни аввал жуфтликларда, сўнгра гуруҳларда муҳокама қилади, фикралар билдиради, оптимал вариантини танлаб жадвални тўлдиради. Тайёр жавобни формат қоғозига тушириб, тақдимотга тайёрлайди. Гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб тайёр ишларини тақдимотини қилади, жавобларини изоҳлаб, асослайди.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Тест варақларини тарқатиб, жавоб беришларини сўрайди. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради. Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдириб келиш.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Айланма маблағлар** — бу айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондларининг пулдаги ифодасидир.
- **Ишлаб чиқариш захиралари** – хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.
- **Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари** – тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим маҳсулотлар.
- **Тайёр маҳсулотлар** – омборларга қабул қилинган тайёр буюмлар.
- **Товарлар** - магазин ва омборларда сақланаётган истеъмол буюмлари.
- **Келгуси давр харажатлари** - ҳисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлар, масалан обуна тўловлари, ижара тўловлари.
- **Муддати узайтирилган харажатлар** - ҳисобот йилида келгуси даврда ҳисобига тўланган солиқлар ва бошқа харажатлар.
- **Пул маблағлари** – кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари.
- **Пул эквивалентлари** – пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошқалар.
- **Олинадиган счётлар** - бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзлари.

Топшириқлар:

8.1.1-топшириқ. Ҳисобот йилида корхонанинг айланма маблағлари 1282,9 млн, сўмни ташкил этди.

Шу жумладан (млн. сўм):

- хом ашё, материаллар ва сотиб олинadиган яримфабрикатлар – 33,1;
- ёрдамчи материаллар – 205,3;
- ёқилғи – 3,7;
- эҳтиёт қисмлар – 45,9;
- қиммати паст ва тез эскирадиган буюмлар – 177,1;
- идишлар – 2,6;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш – 24,1;
- келгуси давр харажатлари – 270,2;
- тайёр маҳсулот – 181,5;
- ҳаридорга жўнатилган товарлар – 167,2;
- ҳисоб-китоблардаги маблағлар – 31,4;
- пул маблағлари – 21,0;
- қолганлари – 121,8.

Корхона айланма маблағларининг структураси, нормалаштириладиган ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларнинг ҳажми ва солиштирма оғирлигини, ишлаб чиқариш ва муомалада бўлган айланма маблағларнинг катталигини аниқлаш талаб қилинади.

8.1.2-топшириқ. Тоғ корхонасининг қазиб олиш ишлари дастурида йил давомида 14,5 млн. тонна тоғ массасини қазиб олиш кўзда тутилган. Йил чораклари бўйича у қуйидаги кўринишга эга:

- 1-чорак – 3.5 млн. тонна
- 2-чорак – 3.3 млн. тонна
- 3-чорак – 3.8 млн. тонна
- 4-чорак – 3.9 млн. тонна

Портлатувчи моддалар (ПМ)нинг солиштирма сарфи – 1 кг тоғ массасига ўртача 0.25 кг ни ташкил этади. ПМ етказиб беришлар ўртасидаги вақт оралиғи 15 кунга тенг. ПМни жўнаб кетиш бекатидан белгиланган бекатга етиб келиш вақти – 8 кун. ПМлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўловни амалга оширишга 3 кун вақт кетади. ПМнинг суғурта заҳираси корхонанинг 3 кеча-кундузлик эҳтиёжига тенг. 1кг ПМнинг нархи 300 сўм.

Портлатувчи моддаларнинг суткалик сарфини ва айланма маблағларнинг нормативини аниқлаш талаб қилинади.

12.3-топшириқ. Завод учун белгиланган йиллик ишлаб чиқариш дастурининг ҳажми 12000 дона маҳсулотдан иборат. 1 дона маҳсулот учун хом-ашё сарфи – 4 кг. Йилнинг охирига хом-ашё заҳираси – 23 кунни ташкил этади. Режалаштирилаётган йил бошига амалдаги хом-ашё заҳираси – 200 кг.

Режалаштирилаётган йил охирига ўтувчи хом-ашё қолдиғини ва режалаштирилаётган йилда зарур хом-ашё етказиб бериш миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни характерловчи кўрсаткичлар:

- а) рентабеллик ва фойда
- б) фонд қайтими ва фонд сиғими
- в) ишчилар меҳнати фонд билан таъминланганлиги
- г) эксплуатацион тайёргарлик коэффиценти

2.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан экстенсив фойдаланиш қуйидагилар орқали аниқланади

- а) фонд сиғими ва фонд қайтими орқали
- б) сменалик коэффиценти, ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти орқали
- в) меҳнатни фонд билан таъминланганлиги орқали
- г) ишлаб чиқариш рентабеллиги орқали

3.Ускуналардан интенсив фойдаланиш қуйидагилар орқали аниқланади:


- а) сменалик коэффиценти

- б) ишчилар меҳнاتини фонд билан таъминланганлиги
- в) ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффиценти
- г) ускуналарнинг яроклилиг коэффиценти


4. Фонд қайтими кўрсаткичи характерланади:

- а) 1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган товар маҳсулотлари улчамининг ҳажми орқали
- б) меҳнатни техник жиҳатдан қуролланганлик даражаси билан
- в) 1 сўмлик реализация қилинган маҳсулот учун асосий фондларни солиштирма харажатлари
- г) асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти билан


Ўқув топшириқлари 1-гурух «Нима учун?» техникаси



2-гурух «Нима учун?» техникаси



3-гурух «Нима учун?» техникаси



		хоҳлайман	олдим
1. Айланма маблағ билан айланма фонд тушунчаларининг бир-биридан фарқи нимада?			
2. Айланма фондларнинг қандай турини биласиз?			
3. Айланма маблағларни баҳолашда уларнинг қандай ҳолати ҳисобга олинади?			
4. Ишлаб чиқариш захиралари нималардан иборат?			
5. Айланма фондларнинг гуруҳ ва элементлари нималардан иборат?			
6. Айланма маблағларни шакллантириш манбалари деганда нимани тушунасиз?			
7. Айланма маблағларни меъёрлаштириш деганда нимани тушунасиз?			

8.2.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ
------	---

8.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Корхонада айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. 2. Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар. 3. Корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
Машғулотнинг мақсади: Корхонанинг айланма маблағлари ҳолати ва ҳаракати, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари умумий тушунчаларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Айланма ишлаб чиқариш фондлари нимадан иборатлигини тушунтириб беради; • Корхонада айланма маблағларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни кўрсатиб беради; • Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини изоҳлаб беради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Айланма ишлаб чиқариш фондлари нимадан иборатлигини тушунтиради; • Корхонада айланма маблағларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни кўрсатиб беради; • Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини изоҳлаб беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

8.2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади. 3. Мавзу бўйича асосий тушунча ва таянч ибораларни шарҳлайди ва уларни ёздирди.	Тинглайдилар. Асосий тушунча ва ибораларни ёзиб оладилар
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Бугунги ўқув машғулотида нималарни муҳокама қилишимизни чуқур ўйлаб жавоб беришни, унда асосий тушунча ва ибораларнинг ўрнини аниқлашни уларнинг ўрганилиш кетма-кетлигини рақамлар асосида белгилашни таклиф қилади. 2.2. Ақлий ҳужум методи ёрдамида талабаларни фаоллаштиради. «Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?» саволини беради ва қисқа иборалар билан жавоб беришни сўрайди. Жавобларни доскага ёзиб боради. 2.3. Жавобларни гуруҳлаштиришни ва системалаштиришни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда, уларнинг жавоблари асосида кластер ишлаб чиқади. Фаолият жараёнида жавобларни аниқлаштиради, тузатади, ўзгартиришлар киритади. 2.4. Олинган натижалар бўйича тақдимот ўтказилишини эълон қилади. Тақдимот жараёнида талабалар билан биргаликда схеманинг тўлиқ ишлаб чиқилганини таҳлил қилади, камчиликларни тўлдирди, аниқлаштиради, тўғрилайди ва баҳолайди.	Дафтарларига ёзиб, асосий тушунча ва ибораларни рақамлар билан белгилаб чиқади. Саволга жавоб берадилар. Жавоблари гуруҳлаштириб, кластер ишлаб чиқишга ёрдам беради. Эшитадилар. Зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Фикр алмашадилар. .
III. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзунинг умумлаштиради, хулосалар қилади ва яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Талабалар фаолиятини баҳолайди: энг фаол иштирокчилар билан бирга гуруҳ ишларида энг суст иштирок этганларни ҳам айтиб ўтади. Гуруҳ ишларини самарасини ошириш бўйича таклифлар беради. 3.3. Талабаларга машғулоти бошида белгиланган асосий тушунча ва ибораларни кетма-кетлиги тақдим этилган маълумотни баён этиш структураси билан солиштиришни таклиф қилади. 3.4. Мустақил ишларини учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Асосий тушунча ва ибораларни узлари тузган кетма-кетлик билан солиштириб кўрадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- Моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорлигининг иқтисодий самарадорлиги корхонанинг барча ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.
- Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири моддий ресурсларни тежаш ҳисобланади, чунки моддий харажатлар фойдага бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисмини ташкил этади.
- Иқтисодиётда тежаш (иқтисод қилиш) манбалари ва йўллари бир биридан фарқланади.
- Тежашнинг манбаси — бу нимани тежаш мумкинлигини билдирса, йўллари — қандай қилиб ёки қайси тадбирлар ҳисобига эришиш мумкинлигини билдиради.
- Барча корхоналарда моддий ресурсларни тежаш заҳиралари мавжуд. Заҳира — бу ҳали фойдаланилмаган имкониятлардир.
- Моддий ресурсларни тежаш, уларнинг юзага келиши ва фойдаланиши жараёнига қараб 3 гуруҳга бўлинади:
 - а) умумиқтисодиёт (миллий иқтисодиёт) заҳиралари;
 - б) умумсаноат-тармоқлараро заҳиралари;
 - в) ички ишлаб чиқариш заҳиралари (цех, завод, тармоқ заҳиралари).
- Корхоналар айланма маблағларидан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим омилларидан бири — айланма маблағларнинг ҳар бир элементи бўйича оптимал нормативлар қўйиш ҳисобланади.
- Айланма маблағларнинг иқтисодий асосланган миқдорларини ишлаб чиқиш жараёни — айланма маблағларни нормалаштириш, дейилади.
- Айланма маблағларни нормалаштириш — доимий минимал ва шу билан биргаликда етарли бўлган моддий бойликлар заҳираларини, тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳираларини ва бошқа айланма маблағларни шакллантириш учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини аниқлашдан иборат.
- Айланма маблағларни нормалаштириш ички заҳираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш циклини (давомийлигини) қисқартириш ва тайёр маҳсулотнинг тезроқ сотилиши имконини беради.

Топшириқлар:

8.2.1-топшириқ. Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- маҳсулот сотишнинг йиллик ҳажми — 80 млн. сўм
- айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори — 5.4 млн. сўм.

Тегишли чора тадбирлар кўрилгандан сўнг айланма маблағларнинг бир бор айланиш муддати бир неча кунга қисқарди.

II-чоракда амалда айланма маблағлар қолдиғи:

- 1 апрел ҳолатига - 280 минг сўм
- 1 майга - 360 минг сўм
- 1 июнга - 330 минг сўм
- 1 ноябрга - 380 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғни, уларнинг бир марта айланиш муддатини аниқлаш талаб қилинади.

8.2.2-топшириқ. Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Маҳсулот сотиш ҳажми:

- ҳисобот йилида –553400 минг сўм.
- режа бўйича – 5682200 минг сўм.

Ҳисобот йилида айланма маблағлар нормативи (меъёри) (минг сўм) – 18340.

Айланма маблағларнинг бир бор айланиб чиқиш муддати режа бўйича – 14 кун.

Маблағарнинг бир бор айланиб чиқиш муддати амалда неча кун бўлишини,

ҳисобот йилида ва режа бўйича айланишлар сонини, режа бўйича кўзда тутилган айланма маблағларнинг йиғиндисини, маблағ айланишининг тезлатишлари боис озод этилган айланма маблағлар миқдорининг қанча бўлишини аниқлаш талаб қилинади.

8.2.3-топшириқ. Ҳисобот йилида корхона 10780 минг сўм миқдори маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишни кўзда тутган эди. Амалда эса бу кўрсаткич 15760 минг сўмни ташкил этди. Корхона айланма маблағларининг ўртача йиллик қолдиғи қуйидаги жадвалда келтирилган:

Айланма маблағлар	Ўртача йиллик сумма (қолдиқлар), минг сўм	
	<i>Башират қилинган</i>	<i>Амалдаги</i>
Хом ашё ва асосий материаллар	1600	1700
Ёрдамчи материаллар	110	130
Ёқилғи	500	500
Якунланмаган ишлаб чиқариш	1900	2100
Тайёр маҳсулот	850	900
Келажак даврлар учун харажатлар	100	-

Корхона аввалдан мўлжалланганга нисбатан қанча миқдорда (ҳажмда) айланма маблағларни бўшатган (озод этган)лигини аниқлаш талаб қилинади.

8.2.4-топширик. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмнинг соф оғирлиги 40 кг. Дастур бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 3000 дона материал ишлатишнинг амалдаги коэффиценти – 0,75. Технологик жараёнларнинг такомиллашуви натижасида корхона материалдан фойдаланиш коэффиценти 0,81 гача кўтариб, унинг қийматини 1 кг учун 350 дан 200 сўмгача пасайтиришни мўжаллаяпти.

Ҳар дона маҳсулотга моддий харажатнинг амалдаги ва мўлжалланган нормасини, ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот тайёрлашда қанча материал тежаш мумкин эканлигин аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1.Айланма маблағларга бўлган талаб қандай аниқланади?

- а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажминини аниқлаш йули билан.
- б) алоҳида турлар бўйича талабни қўшимча йули билан.
- в) айрим маблағлар хиссаларини аниқлаш йули билан
- г) бозор конъюктураси даражасини аниқлаш йули билан
- д) ҳамма жавоблар тўғри

2.Корхонанинг дебитор қарзи кўпайишига нима сабаб бўлади?

- а) сотилган маҳсулотларнинг ўз вақтида пулини тўламаслиги;
- б) сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг маблағи ўз вақтида тўланмаслиги;
- в) корхона ишининг тўхтаб қолиши;
- г) корхона банкротга учраши.

3.Корхонадаги айланма маблағлар ҳажми қачон кўпаяди?

- а) корхонага дебитор қарзлар қайтганда;
- б) корхона фаолияти барқарорлашганда;
- в) инвестор маблағлари улуши кўпайганда;
- г) корхонага дебитор қарзлар қайтганда, инвестор маблағлари улуши кўпайганда.

8.3.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ
------	---

8.3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	1. Корхонада айланма маблағлар тузилишини таҳлил қилш. 2. Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлигини таҳлил қилиш. 3. Корхонада айланма маблағлар самарадорлигини таҳлил қилиш.
Машғулотнинг мақсади: Корхонанинг айланма маблағлари ҳолати ва ҳаракати, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари умумий тушунчаларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Айланма ишлаб чиқариш фондлари нималардан иборат эканлигини тушунтириб беради; • Корхонада айланма маблағларнинг билан таъминланишининг аҳамиятини изоҳлаб беради; • Айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг зарурятини тушунтиради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Айланма ишлаб чиқариш фондлари нималардан иборатлигини тушунтиради; • Корхона фаолиятининг узлуксиз давом этишида унинг зарур миқдорда айланма маблағлар билан таъминланишини изоҳлаб беради; • Корхона айланма маблағлари самарадорлигини ошириш йўллариини тушунтиради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

8.3.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1- гуруҳга, айланма ишлаб чиқариш фондлари таркиби , 2-гуруҳга, корхонада айланма маблағларнинг билан таъминланишининг аҳамияти, 3-гуруҳга, корхона айланма маблағлари самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2.Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташқиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳркамасини жамоага ҳавола қилади. 2.4. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргар- лик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда катнашади.
3-босқич. Якунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича якун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб беради; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пасив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун топшириқлар беради.	Саволлар берадилар Эшитадил ар ва хулоса чиқарадилар

Услубий кўрсатмалар

Корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланишни учта асосий кўрсаткич тавсифлайди:

а) айланувчанлик коэффиценти:

$$K_{ам} = P_c : K_{ам},$$

бу ерда: $K_{ам}$ - айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, айланмалар;

P_c - сотилган маҳсулот ҳажми, сўм;

$K_{ам}$ - айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, сўм.

б) айланма маблағларнинг бандлиги коэффиценти: $K_б = K_{ам} : P_c$,

бу ерда: $K_б$ - айланма маблағларнинг бандлиги коэффиценти;

в) айланма маблағларнинг бир айланиш давомийлиги (кун ҳисобида):

$$A_d = D_k : K_{ам},$$

бу ерда: D_k - даврдаги кунлар сони (360, 90).

Топшириқлар:

8.3.1- топшириқ. Саноат корхоналари бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Айланма маблағлар элементлари	Сумма, млн сўм.	
	Корхона №1	Корхона №2
Ишлаб чиқариш захиралари	94,70	94,92
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	16,15	27,64
Келгуси давр харажатлари	134,15	5,32
Тайёр маҳсулот	17,65	30,02
Бошқалар	87,35	62,1

Корхоналар айланма маблағлари тузилишини аниқлаш ва таҳлил этиш талаб қилинади.

8.3.2- топшириқ. Корхона ўтган йили қуйидаги таркибда айланма маблағларга эга бўлган:

Айланма маблағлар элементлари	Сумма, млн сўм.
Ишлаб чиқариш захиралари,	94,92
шу жумладан	50,0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	27,64
Келгуси давр харажатлари	5,32
Тайёр маҳсулот	30,02
Бошқалар	62,1

Ҳисобот йили маҳсулот ишлаб чиқаришда нисбатан юқори сифатли хом ашёдан фойдаланган, қайсики унинг нархи 30 фоиз юқори бўлган. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш цикли узунлигини қисқартирган ва натижада тугалланмаган ишлаб чиқаришда иштирок этаётган айланма маблағлар суммаси 50 фоизга камайган. Тайёр маҳсулот қиймати 50 фоизга ўсган.

Корхона айланма маблағларининг ўтган ва ҳисобот йиллардаги тузилишини ҳисобланг.

8.3.3- топшириқ. Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Айланма маблағлар қолдиқлари		Сотилган маҳсулотлар ҳажми	
Санаси	Сумма, млн. сўм.	Чорак	Сумма, млн. сўм.
1 январь (ҳисобот йили боши).	2 500,0	I	3 000,0
1 апрель.	2 600,0	II	3 500,0
1 июль	2 400,0	III	2 900,0
1 октябрь.	2 400,0	IV	3 100,0
1 январь (келгуси йил боши).	2 500,0		

Келтирилган маълумотлар асосида айланма маблағларнинг ўртача чораклик ва ўртача йиллик қолдиқларини ҳамда айланма маблағлар айланивчанлигини (айланиш узунлигини) ва йиллик айланиш коэффиценти ҳисоблаш талаб қилинади.

8.3.4- топшириқ. Айланма маблағлар қолдиқлари, минг сўм.:

1 январь	1 235	на 1 июль	1 270
1 февраль	1 245	1 август	1 266
1 март	1 255	1 сентябрь	1 230
1 апрель	1 240	1 октябрь	1 244
1 май	1 278	1 ноябрь	1 256
1 июнь	1 246	1 декабрь	1 265
		1 январь	1 250

Сотилган маҳсулотлар ҳажми:

- 1- чоракда —1 456,0 минг сўм;
- 2- чоракда —1 266,0 минг сўм;
- 3- чоракда —1 894,0 минг сўм;
- 4- чоракда —1 704,0 минг сўм.

Талаб қилинади:

- 1) айланма маблағларнинг ўртача чораклик ва ўртача йиллик қолдиқларини ҳисоблаш;

2) айланма маблағларнинг йиллик ва чоракли айланувчанлигини (айланиш узунлигини) ҳисоблаш;

3) айланма маблағларнинг йиллик ва чоракли айланувчанлик коэффициентларини ҳисоблаш

8.3.5- топшириқ. Ҳисобот йилида корхона айланма маблағларининг ўртача қолдиғи 15885,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотлар ҳажми 68956,0 минг сўмни ташкил этган. Режалаштириладиган йилда айланма маблағлар айланиш узунлиги 2 кунга қисқаради, маҳсулот сотиш ҳажми эса ўзгармайди, яъни 68 956,0 минг сўм бўлади.

Режалаштирилаётган йилда корхона учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини топиш талаб қилинади.

8.3.6- топшириқ. Корхонанинг бир йилда сотган маҳсулотлар ҳажми 56000,0 минг сўмни, айланма маблағларининг ўртача қолдиғи эса 4650,0 минг сўмни ташкил этган. Ўз айланма маблағларининг етарли бўлмаганлиги сабабли корхона тижорат банкидан 3000,0 минг сўмлик кредит олган. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси — 30 фоиз.

Айланма маблағлар айланиши 3 кунга қисқарганда, бир йилда кредит бўйича тўлов қанча сўмга тежалади?

8.3.7-топшириқ. Корхона хом ашё етказиб берувчи иккита корхоналар билан шартнома тузган. Биринчи корхона ҳар 10 кунда 1 марта, иккинчи корхона — 7 кунда 1 марта хом ашё жўнатади. Олинадиган юк (хом ашё)нинг ўртача ҳажми: биринчи корхонадан — 400 тонна, иккинчи корхонадан — 450 тонна. Юк биринчи корхонадан 5 кунда, иккинчи корхонадан эса 3 кунда етиб келади.

Хом ашё бўйича захира нормасини ҳисоблаш талаб қилинади.

8.3.8- топшириқ. Ишлаб чиқариш циклининг узунлиги — 5 кун. Қайта ишлаш учун келтирилган яримфабрикатлар таннархи — 1 тоннаси 1125 сўм, пировард маҳсулот таннархи — 1 тоннаси 3900 сўм.

Қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) 1 тонна маҳсулот таннархи биринчи куни — 700 сўмга, иккинчи куни — 625 сўмга, учинчи куни — 600 сўмга, тўртинчи куни — 450 сўмга, бешинчи куни — 400 сўмга ўсган ҳолатда харажатларнинг кунлик ўсиш коэффициентини;
- 2) харажатларнинг умумий ўсиш коэффициентини;
- 3) тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилган айланма маблағлар суммасини.

Тест саволлари:

1.Захираларнинг кунлардаги айланиши қандай аниқланади?

- а) захиралар: айланма маблағлар
- б) айланма маблағлар:захиралар
- в) ўртача захиралар:бир кунлик харажат
- г) сотиш ҳажми:ўртача захиралар
- д) сотилган маҳсулот: ўртача захиралар

2.Захираларнинг марталардаги айланувчанлиги қандай аниқланади?

- а) захиралар: айланма маблағлар
- б) айланма маблағлар:захиралар
- в) ўртача захиралар:бир кунлик харажат
- г) сотиш ҳажми:ўртача захиралар
- д) сотилган маҳсулот: ўртача захиралар

3.Айланма маблағларни айланиш коэффиценти характерлайди

- а) 1 сўмлик ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган реализация килинган маҳсулот миқдори
- б) ишлаб чиқариш фондлари айланишининг ўртача давомийлиги
- в) маълум бир даврда айланма маблағларни айланиш сони
- г) маблағларни айланишидан олинадиган фойда

4.Маҳсулотнинг материал сиғими белгилайди

- а) материаллардан самарали фойдаланиши
- б) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг умумий оғирлигини
- в) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар нормасини
- г) тайёрланган маҳсулотларнинг тоза оғирлигини

5.Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қуйидагилар орқали белгиланади...

- а) айланма маблағларнинг қайтими даражаси билан
- б) айланма коэффиценти, бир айланиш ўртача давомийлиги билан
- в) материал сиғими, фонд сиғими, фонд қайтими коэффицентлари орқали
- г) айланма маблағларни белгиланган нормативлар рамкасига келтириш билан

9 - МАВЗУ	КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ
9.1.	КОРХОНАДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

9.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати. 2. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш. 3. Меҳнат мотивацияси, типлари ва омиллари.
Машғулотнинг мақсади: Корхоналарда ишчи ходимларни ўз вақтида иш ҳақи билан таъминлаш тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Корхонада кадрлар сиёсатини шакллантириш тўғрисидаги тушунчаларни ёритиш; • Корхонада кадрлар сиёсатини тўғри шакллантириш борасида фикрларни бериш; • Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашни шакллантириш тушунчаларини бериш; • Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари тўғрисида тушунча бериш; • Меҳнат мотивацияси ҳақида тушунча бериш.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Корхонада кадрлар сиёсатини шакллантириш тўғрисидаги тушунчаларни ёритиб беради; • Корхонада кадрлар сиёсатини тўғри шакллантириш борасида фикрларни тушунтириб беради; • Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашни шакллантириш тушунчаларини тушунтириб беради; • Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари тўғрисида тушунча беради; • Меҳнат мотивацияси тўғрисида ҳақида тушунтиради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, якка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

9.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзуни номи, мақсади, кутилажак ўқув натижаларини ва мавзу режасини эслатади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ва режасини ёзиб оладилар.
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Фаоллаштириш ва билимларини текшириш мақсадида бир қанча саволлар беради (тезкор-сўров): - Корхонада кадрлар салоҳиятининг ривожланиши деганда нимани тушунасиз? - Корхонада кадрлар кўнимсизлиги деганда нимани тушунасиз? - Кадрларни самарали бошқариш объектига нималар киради? - Кадрлар вазифаси кўра нимага қаратилган? - Корхонада кадрларнинг ижтимоий муҳити асосий омилларига нималар киради? Жавобларни умумлаштиради. Диққатини асосий тушунчаларга қаратади. Зарур бўлса, жавобларни аниқлаштиради, қўшимчалар қилади, ўзгартириш киритади. 2.2. Кейинги фаолият «кооп-кооп» техникаси (1-илова) бўйича кичик гуруҳларда давом этишини эълон қилади. Талабаларни 3 та гуруҳга бўлади. Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Кузатувчи, йўналтирувчи сифатида иштирок этади. Вазифалар бўйича тўплаган маълумотларини схемаларда, жадвалларда тасвирлаш кераклигини уқтиради. 2.3. Гуруҳларда берилган вазифаларни муҳокамасини ташкил қилади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.5. Гуруҳ ишларини тақдимоти бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимотидан сўнг маълумотларни тўлдиради, хатоларини тузатади, хулосалар қилади. Гуруҳлар ишини таҳлил қилади, қўшимчалар киритади, тўлдиради, умумлаштиради.	Берилган саволларга жавоб берадилар. Фикр алмашадилар. Берилган вазифаларни бажаришга киришадилар. Гуруҳларга бўлиниб берилган топшириқлар юзасидан фикр юритадилар. Берилган вазифани ўзаро муҳокама қиладилар. Тўплаган маълумотларни ва ўз фикрларини формат қоғозларига схемалар ва жадваллар асосида ишлаб чиқадилар. Тайёр ишларни доскага иладилар. Гуруҳдан бир иштирокчи чиқиб бажарган ишлари юзасидан тақдимот қилади. Бошқа иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради.
III. Яқуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзунинг дастлабки учта саволи бўйича умумлаштиради, хулосалар қилади. Талабалар диққатини мавзунинг асосий моҳиятига қаратади. 3.2. Ўқув машғулотининг натижаларини қайд қилади. Талабалар мустақил фаолиятининг мақсадга эришганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради..	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Иш ҳақи** — бу ходимга бажарган иши ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган рағбатлантиришнинг миқдори.

- Ҳисобланган иш ҳақи корхона учун, бир томондан ,харажат, иккинчи томондан, тўланиши керак бўлган мажбурият ҳисобланади. Иш ҳақи ходимнинг ишлаб топган даромади.

- **Иш ҳақининг иккита шакли** — ишбай ва вақтбай шакллари, шунингдек, иккита турлари — асосий ва қўшимча иш ҳақи турлари мавжуд.

- **Ишбай иш ҳақи** — бу ходимларга ҳақиқатда бажарган ишлари учун ҳисобланган иш ҳақи. Унинг миқдори ходимнинг бажарган ишининг ҳажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. У ишчилар, қурувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

- **Вақтбай иш ҳақи** — ходимларга ҳақиқатда ишлаган вақтлари учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади. Унинг миқдори миқдори ходим ишлаган соатлар ёки кунларнинг сонига, шунингдек штат жадвалига мувофиқ белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. У ишчилар, қурувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

- **Асосий иш ҳақи** — бу ходимнинг ҳақиқатда бажарган ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган иш ҳақи.

- **Қўшимча иш ҳақи** — бу корхона фаолиятида эришилган ютуқлари, атоқли саналар, турли шарт —шароитлар учун ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ходимнинг асосий иш ҳақига қўшимча тарзда ҳисобланган тўловлар. Унга, шунингдек, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ҳисобланган нафақалар, меҳнат таътили ҳақи, унвон, категория ва бошқа ажралиб турадиган тавсифлари учун бериладиган қўшимчалар, мукофатлар, моддий ёрдамлар ва компенсациялар ҳам киради.

- Асосий ва қўшимча иш ҳақларини ҳисоблашга қуйидаги ҳужжатлар:

- а) ишбай ишловчилар учун — бажарилган ишларнинг ҳажмини юритилган шахсий счёти варағи;

- г) вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганликда бериладиган нафақани тасдиқловчи ҳужжатлар (нарядлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, далолатномалар ва бошқалар), бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи меъёри, ишга чиқиш ҳисоби табели (ишни коллектив тарзда бажарувчилар учун);

- б) вақтбай ишловчилар учун — штат жадвали, ишга чиқиш ҳисоби табели;

- в) меҳнат таътилинини ҳисоблаш учун — буйруқ, ходимнинг иш ҳақи бўйича бухгалтерияда ҳисоблаш учун — касаллик варақаси, касаба уюшма кўмитасининг қарори ва ходимнинг иш ҳақи бўйича бухгалтерияда юритилган шахсий счёти варағи.

Иш ҳақи – ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир. Шу билан бирга иш берувчи учун ёлланма ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ишлаб чиқариш харажатларининг элементларидан бири ҳисобланади.



Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиясида айтилишича, **энг кам миқдордаги иш ҳақини** белгилашнинг асосий мақсади ёлланиб ишлаётган шахсларга энг кам миқдорда йўл қўйиладиган иш ҳақи даражасига нисбатан зарур ижтимоий ҳимоя берилиши лозимлигидир.

Иш ҳақининг тузилишидаги **яна бир элементни** - меҳнат фаолиятининг алоҳида натижаларидаги фарқларни (мукофотларни, устама ҳақни, ишбай қўшимча ҳақни ва шу кабиларни) акс эттирувчи ўзгарувчан қисмни ажратиб кўрсатиш зарур.

Меҳнат бирлигининг бозор баҳоси - бу иш ҳақининг миқдори (ставкаси) бўлиб, у шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичида бажариладиган ва муайян касб-малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради.

Шундай қилиб, иш ҳақининг **асосий элементи** – унинг ставкасидир.

Ўзбекистонда энг кам миқдордаги иш ҳақи тўғрисида қонун чиқарувчи орган томонидан махсус қонуннинг қабул қилиниши билан амалга оширилиши мумкин. Энг кам миқдордаги иш ҳақи турли шаклларда: ойлик ёки соатбай энг кам иш ҳақи ставкаси тарзида белгиланиши мумкин.



Иш ҳақини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари


- даромадлар ва энг аввало, иш ҳақи истеъмол имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳолининг (биринчи навбатда ёлланма ходимларнинг) талаби ошириш асосида ишлаб чиқаришни таркибан қайта қуришга фаол таъсир кўрсатишнинг таъминлаш

- меҳнат фаолиятдан келадиган аҳоли даромадларида иш ҳақининг улуши тушиб кетишнинг реал иш ҳақи даражаси ва ўсиш суръатларини ошириш асосида тўхтатиш

- даромадлар соҳасидаги энг кам социал кафолатларни истеъмолнинг асосланган социал нормативларини белгилаш ва иқтисодиётнинг бошқарувчанлигини ошириш асосида тегишли аҳоли гуруҳлари (ёлланиб ишлайдиганлар, нафақахўр, кам таъминланган ва кўпболали oilалар ва ҳоказо) нормал даражада такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган даражага аста-секин яқинлаштириб боришга киришиш

- Ўз тажрибамизни ва чет мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан ўзбекистон иқтисодиёти хусусиятларини ва миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш асосида аҳоли даромадларининг ҳамма турларини (иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва бошқаларни) бошқаришнинг бозор механизмлари шаклланишига фаол ёрдам бериш

Иш ҳақи шакллари ва тизимлари





Тариф разрядлари	Тариф коэффициентлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сонли қарори асосидаги тариф коэффициентларига биноан 2010 йил 1 августдан қўлланиладиган тариф ставкалари миқдори,(сўм).	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони асосан 2010 йил 1 августдан компенсация тўловлари ҳисобга олинган тариф ставкалари (сўм)
1.	2	3	4
0	1.000	45215	X
1.	2.476	111952	X
2.	2.725	123211	X
3.	2.998	135555	162005
4.	3.297	149074	175446
5.	3.612	163317	189743
6.	3.941	178192	204638
7.	4.284	193701	230151
8.	4.640	209798	236226
9.	4.997	225939	252404
10.	5.362	242443	270202
11.	5.733	259218	288468
12.	6.115	276490	305726
13.	6.503	294033	323258
14.	6.893	311667	340939
15.	7.292	329708	359030
16.	7.697	348020	377323
17.	8.106	366513	395879
18.	8.522	385322	414632
19.	8.943	404358	433742
20.	9.371	423710	453073
21.	9.804	443288	472705
22.	10.240	463002	492432

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан айрим ҳодимларнинг иш ҳақи ставка (оклад)ларига ўрнатилган қўшимча тўлов ёки устамалар миқдори жадвалининг компенсация ҳисобга олинмаган ҳолдаги ставкасидан (3- устундан) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Топшириқлар:

9.1.1-топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Турон” акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасини таҳлил қилинг.

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили				Мутлақ фарқи, +,—	
		Бизнес режада		Ҳақиқатда		Ўтган йилдан	Режадан
		Сони, киши	Салмоғи, %	Сони, киши	Салмоғи, %		
1.Ишчилар	1020	1015		1010			
2.Хизматчилар	132	130		125			
3.Раҳбар ходимлар	35	28		30			
4.Мутахассислар	42	45		48			
5.Қоровуллик хизмати ходимлари	12	12		10			
Жами							

9.1.2- топшириқ. Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) бир йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори — 200 минг тонна;
- 2) ходимлар таркиби ва бир ишчининг йиллик иш вақти фонди:

Категория	Ходимлар сони,одам.	Ходимларнинг йиллик иш вақти фонди, соат
1. Ишчилар:		
- асосий ишчилар	100	1 712
- ёрдамчи ишчилар	50	1 768
2.Раҳбарлар	15	1 701
3. Мутахассислар	10	1 701
4. Хизматчилар	5	1 768

Ходимлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

9.1.3-топшириқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Турон” акциядорлик жамиятида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг даражаси ва динамикасини таҳлил қилинг.

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи (+,—)	
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўтган йилдан	Бизнес режадан
1. Маҳсулот ҳажми (иш,хизмат) солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	3224450,0	3278689,0	3698504,0		
2. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг рўйхат бўйича сони, киши	648	634	625		
3. Шу жумладан, ишчилар сони, киши	485	482	479		
4. Бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-кунлари, киши-кун	265	256	263		
5. Бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-соатлари, киши-соат	2118	2017	2095		
6. Ўртача иш куни давомийлиги, соат					
7. Ишчилар сонининг саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида тутган салмоғи,%					
8. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўм (1:2 сатр)					
9. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўм (1:3 сатр)					
10. Ишчининг бир кунлик иш унуми, сўм (1:4 сатр)					
11. Ишчининг бир соатлик иш унуми, сўм (1:5 сатр)					

1-илова

«Кооп-кооп» («Биргаликда ўқиймиз») техникасини ўтказиш қондаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1.	Турли хил ўзлаштириш даражаларига эга бўлган, 3 ва 5 кишидан иборат кичик гуруҳларни ташкил қилади	
2.	Ҳар бир гуруҳга бутун ўқув гуруҳи ишлаши лозим бўлган, мавзунинг бир бўлағи бўлиб ҳисобланган, битта топшириқ беради. Эксперт варақларини тарқатади.	Гуруҳ аъзолари ўзаро топшириқларни бўлиб олишади.
3.	Топшириқни муваффақиятли бажарилишини ва муомала маданиятини назорат қилади.	3.1. Ҳамма топшириқни мустақил бажаради, мавзулар бўйича мустақил ишлайди. 3.2. Гуруҳ аъзоларининг мини-маърузаларини тинглайди. Умумий маъруза тайёрланади. Маърузани ўқиш учун спикер тайинланади.
4.	Гуруҳларда иш якунланишини, ва иш натижаси тақдим этилишини эълон қилади.	Гуруҳ-спикери маърузанинг тақдимотини ўтказди.
	Натижаларни таҳлил қилади ва баҳолайди, голиб гуруҳларни аниқлайди.	

Тест саволлари:

1. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш қандай шаклда амалга оширилади?

- а) ишбай-вақтбай;
- б) киши-соат;
- в) меҳнат-соат;
- г) яратилган маҳсулотга нисбатан.

2. Меҳнатни ижтимоий шароитлари қандай омиллардан иборат?

- а) жисмоний омиллар, руҳий омиллар
- б) атроф-муҳитга таъсир этувчи омиллар, руҳий омиллар
- в) атроф-муҳитга таъсир этувчи омиллар, жисмоний омиллар, руҳий омиллар
- г) жисмоний омиллар, атроф-муҳитга таъсир этувчи омиллар

3. Корхонада номинал иш ҳақи нима?

- а) номинал иш ҳақи- ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.
- б) номинал иш ҳақи- ходимнинг маълум бир бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.
- в) номинал иш ҳақи-ходимнинг маълум берилган вазифани бажариши учун ҳақи эвазига оладиган маблағи.
- г) номинал иш ҳақи- ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти учун оладиган пули.

4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядлари нечтага бўлинади?

- а) 20 та
- б) 22 та
- в) 23 та
- г) 24 та

5. Инсонларнинг ҳулқига таъсир этувчи омиллар:

- а) шахсни бошқариш тизими ва унинг жамоадаги ўрни;
- б) шахснинг табиий ва психофизиологик хусусиятлари;
- в) манфаатлар, мотивлар ва рағбатлар тизими;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

6. “Иш ҳақи” куйидаги вариантларнинг қайси бирида тўғри таъриф берилган:

- а) ишчига маълум ҳажмдаги ишни бажарганлиги ёки хизмат вазифаларини маълум вақт давомида бажарганлиги учун туланадиган пул тулови;

б) ёлланган ишчининг меҳнати учун муайян пул миқдорининг берилиши;

в) иш хакига солиб олинadиган ҳаётий неъматлар;

г) ёлланган ишчини ушлаб туриш учун кетadиган давлат харажатлари.

7. Иш хакига таъсир кўрсатувчи бозор омили:

а) ишчи кучининг талаб ва таклифи

б) яшаш минимуми;

в) ҳаёт даражасининг ривожланишидаги миллий фарқлар.

г) даромадларнинг фарқланиш сабаблари.

8. Корхона ходимлари неча гуруҳга бўлинади?

а) 2

б) 3

в) 4

г) 5

д) 7

9.2.	КОРХОНА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ
------	--

9.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти. 2. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари. 3. Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг таснифи ва аниқлаш йўллари.
Машғулотнинг мақсади: Корхоналарни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўз касбига муносиб иш билан таъминлаш, ишчи ходимларни ўз вақтида иш ҳақи билан таъминлаш тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Корхонада кадрларни малакаси ва тажрибаси тўғрисидаги тасаввурларни ёритиш; • Корхонада кадрлар салоҳияти тўғрисида тушунчаларни бериш; • Меҳнат мотивацияси ҳақида тушунча бериш.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Корхонада кадрларни малакаси ва тажрибаси тўғрисидаги тасаввурларни тушунтириб беради; • Корхонада кадрлар салоҳияти тўғрисида тушунчаларни беради; • Меҳнат мотивацияси тўғрисида ҳақида тушунтиради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, якка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

9.2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Қўшимча ўқув материални тайёрлайди 3. Гуруҳларда ишлаш учун топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳ сардорига ўқитувчи вазифасини бажаришини айтиб, машғулотни ўтказиш йўл-йўриklarини ўргатади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ва режасини ёзиб оладилар.
I. Кириш босқичи (5 дақиқа)	Машғулоти талаба ўтказади. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган натижаларини эслатади. 1.2. Мавзунинг асосий тушунча ва ибораларини ўқийди, эслатади. 1.4. Семинар машғулоти ноанъанавий тарзда ўтилишини, яъни гуруҳ сардори ўқитувчи сифатида машғулоти ўтказишини айтади.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Талабаларни ўрта кичик гуруҳга бўлади, ва уларга топшириқ беради. Гуруҳларда ишни ташкил қилади. Гуруҳларда вазифалар тақсимланишига ёрдам беради. Гуруҳлар ишини кузатади, йўл-йўриқлар беради, йўналтиради. Тайёр ишларини тақдим қилишларини сўрайди. 2.2. Гуруҳлар ишини таҳлил қилади, хатоларини тўғрилайди, камчиликларни тўлдиради. 2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.	Ўрта гуруҳга бўлина-дилар. Берилган топ-ширикни бажаради-лар. Тайёр бўлган қоғоз варақларини доскага мустаҳкам-лайдилар. Гуруҳлардан битта-дан иштирокчи чиқиб, ўз ишларини тақдим қилади. Гуруҳлар фаолиятини бошлайди. Берилган саволларни ўрганиб чиқади, саволларга жавоб топади, ўзаро муҳокама қилади ва кўргазмалар материаллар тайёрлайди. Ҳар бир гуруҳдан иштирокчилар чиқиб намоён қилиш орқали ўз ишларини тақдим қиладилар. Ўзаро берилган саволларга жавоб берадилар.
III. Яқиний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзунини умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқин ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайди. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Салоҳият (потенциал) тушунчасининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб (potentia), имконият, куч-қувват, яшириш имконият маъносини англатади. Луғат ва қўлланмаларда у мавжуд ва ҳаракатга келтирилиши, маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, заҳира, манба деб кўрсатилган.

Кадрлар салоҳияти - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмидир (6-илова).

Корхона меҳнат салоҳияти- бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади.

Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий-малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг меҳнат ресурслари унинг ишчи кучини тавсифлайди. **Корхона персонали** доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

9.2.1-Чизма.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.



Мехнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар орқали мехнат салоҳияти қандай аҳволда эканлигини билиш билан бирга, уларнинг ўзгариш динамикасини, обороти ва қўнимсизлиги каби муҳим кўрсаткичларни ҳам билиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларнинг обороти ва қўнимсизлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишсизликнинг олдини олиш, самарадорликни ошириш, ходимларнинг тажрибасининг ошишини таъминлаш каби муҳим жihatларни ўзида акс эттиради.

1. Мехнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари ва мазмуни қуйидаги чизмада келтирилган.

9.2.2-Чизма.

Мехнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари

Мехнат ресурслари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар				
Мехнат салоҳияти нинг ўртача сони	Мехнат салоҳияти нинг таркиби	Мехнат салоҳияти нинг айланиши	Мехнат салоҳияти нинг қўнимсизлиги	Мехнат салоҳияти турғунлиги
$M.c = \frac{(M.c.b. + M.c.o.)}{2}$	$M.c.i = \frac{M.c.i}{M.c}$	$M.c.ob = \frac{M.c.b.k + M.c}{M.c}$	$M.c.kun = \frac{M.c.salb}{M.c}$	$M.c.tur = \frac{M.p.3y.k.i}{M.c}$
Мехнат салоҳияти билан боғлиқ кўп кўрсаткичларни аниқлашда зарур. Бу бир давр бирлигида ўртача қанча мехнат салоҳияти банд бўлганлигини ифодалайди.	Мехнат салоҳияти таркиби қанча мутахассислар олий ёки ўрта махсус маълумотга эга кадрлар улуши қанча ифодалайди	Ҳисобот даврида қанча киши ишдан бўшаган ва қабул қилинганлигининг улушини ифодалайди. Ишга қабул қилинган ва ишдан бўшаганларнинг улушини алоҳида ҳисоблаш ҳам мумкин.	Салбий сабаблар (шу жумладан ўз ариза-сига биноан) билан бўшатишган ходимларнинг умумий ходимлардаги улушини ифода этади.	Корхонада турғун одамлар яъни, шу ерда 3 йилдан кўп ишлаган одамлар улушини ифода этади.

Меҳнат салоҳияти ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида улар билан таъминланганликни характерловчи кўрсаткичларнинг алоҳида ўрни бор, чунки меҳнат салоҳияти билан етарли даражада таъминланмаса ҳар қандай жараён ҳам меъёргадек содир бўлмаслиги мумкин. Агар керагидан кўп таъминланган бўлса корхона учун ортиқча сарф ҳисобланади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва ўрганиш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга.

9.2.3-Чизма.

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари.

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			

Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлиги	Меҳнат салоҳияти сифими	Меҳнат салоҳияти нинг куролланганлиги	Айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ва х.к.
$\frac{M.c}{M.c.t} = \frac{M.c}{M.c.t}$	$\frac{M.c}{M.c.c} = \frac{M.c}{Q}$	$\frac{A.B.f}{M.c.k} = \frac{A.B.f}{M.c}$	$\frac{M.c}{M.c.A.m} = \frac{M.c}{A.m}$
Корхона штат жадвали қай даражада таъминланганлигини, тегишли мутахассисларнинг етарли эканлиги ёки янги мутахассисларни қабул қилиш зарурлиги қабиларни ифодалайди	Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат) га тўғри келадиган меҳнат салоҳияти сонини ифодалайди	Меҳнат салоҳияти қай даражада фаол асосий воситалар билан таъминланганлигини ёки унинг тескариси 1 сўм асосий воситага қанча меҳнат салоҳияти тўғри келишини ифода этади.	1 сўм айланма маблағларга қанча меҳнат салоҳияти тўғри келишини ифодалайди, ёки унинг тескариси меҳнат салоҳияти нинг қай даражада айланма маблағ билан таъминланганлигини кўрсатади.

Мехнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш мулк шаклидан катъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Бозорли иқтисодиёт шароитида мавжуд меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланаётганлиги билан бир қаторда, у қанча харажатга тушаётганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим.

9.2.4 - Чизма.

Мехнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниклаш йўллари.

Мехнат салоҳияти самарадорлиги (M.p) Натижа (Q) = ----- Мехнат салоҳияти, (M.c)						
Мехнат салоҳияти натижа вийлиги (МУ);	Мехнат салоҳияти даромадлиги	Мехнат салоҳият и рента беллиги	Маҳсулот сотиш ҳажмини нг меҳнат унумдорлиги эвазига ошган қисми	Иш ҳақи харажат лари даражаси	Мехнат ҳақи даромадлиги	Мехнат ҳақи рентабеллиги
$Q = \frac{M.c}{M.c_n (MU)}$	$D = \frac{M.c}{M.c_d}$	$F = \frac{M.c}{M.c_r}$	$X_{uz} \% = \frac{Q_{uz}}{T_{mu}} \cdot 100$	$IX = \frac{Q}{IX_{d.j}} \cdot 100$	$D = \frac{IX}{IX_{d.romad}}$	$CF = \frac{IX}{IX_{rent}}$

Ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига неча сўм микдори да натижа (махсулот) тўғри келганлиг ини ифодалай ди.	Ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлиги га қанча фойда сўмма- сининг тўғри келиши ни ифодалайд и.	Ҳар бир меҳнат салоҳият и бирлиги га қанча даромад сўммаси тўғри келиши ни ифодалай ди.	Меҳнат унумдорл и ги эвазига махсулот ҳажмини нг ўзгариш и ни ифодалай ди.	Ушбу курсаткич нинг микдори юз сумлик махсулот ҳажми нинг неча сўми меҳнат ҳақиға кетилини кўрсатади.	Ушбу кўрсат кич бир сўм иш ҳақиға қанча даромад тўғри келганлиги ни ифода лайди.	Ушбу кўрсат кич бир сўм иш ҳақиға қанча соф фойда тўғри келганлиг ини ифода лайди.
--	---	---	--	---	---	--

Топшириқлар:

9.2.1- топшириқ. Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

1. Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари (категориялар бўйича) сони, киши:

- а)Асосий ишчилар — 930
- б)Ёрдамчи ишчилар — 340
- в)Раҳбарлар — 120
- г)Мутахассислар — 185
- д)Хизматчилар — 70

2.Корхона жорий йилда 750,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.
Бир ходимнинг ва бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

9.2.2- топшириқ. Технологик нуқтаи назардан кўп меҳнат талаб қиладиган буюмнинг бир донаси учун 1,5 одам/соат сарфланади. Бир ишчининг йиллик иш вақти фонди — 1750 соат.

Корхонада ишлайдиган ходимлар таркиби (категориялар бўйича) қуйидагича:

- а)Асосий ишчилар — 50
- б)Ёрдамчи ишчилар — 25
- в)Раҳбарлар — 15
- г)Мутахассислар — 8
- д)Хизматчилар — 2

Корхона меҳнат сиғимини ҳисоблаш талаб қилинади.

9.2.3- топшириқ. Корхонанинг қуйиш цехи иккита участкага эга. Биринчи участканинг маҳсулотли — металл қуймалар, иккинчисиники — металл идиш-товоқлар.

Участкалар	Маҳсулотлар миқдори	Маҳсулот бирлигининг таннари, сўм.
1-й	5 000 т	8 000
2-й	18 000 дона.	45

Цех ходимларининг сони — 156 киши.

Келтирилган маълумотлар асосида цех бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

9.2.4- топшириқ. Қайта ташкил этилган корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш шаклини танлаш масаласи ўрганилаётир. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида 100 та ишчи меҳнатидан фойдаланиш зарур бўлади. Битта ишчининг йиллик иш вақти фонди — 1768 соат. Тариф ставкаси — бир соатга 20 сўм. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида расценка (бир бирлик маҳсулот учун) — 10 сўм.

Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига иш ҳақининг боғлиқлиги графигини тузинг ва 100, 200, 300, 400 минг бирлик масулот ишлаб чиқарилган шароитда меҳнатга ҳақ тўлашнинг қайси шакли қўлай эканлигини аниқланг.

9.2.5- топшириқ. Корхона цехининг битта участкасида 10та ишчи ишлайди. Улар бир ойда 11000 та деталь ишлаб чиқаришади, бир ойлик норма эса — 10000 дона.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофот тизими қўлланилади. Бир бирлик маҳсулот учун расценка — 5 сўм. Номадан ортиқ ишлаб чиқарилган ҳар бир деталь учун қўшимча тўлов — 0,5 сўм.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун камида 12000 дона деталь ишлаб чиқариш зарур бўлади. Бунинг учун корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимини қўллаш зарур бўлади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимининг қўлланилишида қуйидаги шкаладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Режанинг бажарилиши, %	100,1–110,0	110,1–115,0	115,0 дан юқори
Ўсиб боровчи коэффициент	1,1	1,3	1,7

Маҳсулот ишлаб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида, корхона қўшимча 30,0 минг сўм фойда олган тақдирда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимининг қўлланилиши ўзини оқлайдими?

Тест саволлари:

1. Мехнат унумдорлиги деганда нима тушунилади?

- а) мехнатнинг якуни
- б) мехнатнинг натижавийлигини
- в) мехнатнинг фаоллиги
- г) яратилган маҳсулот ҳажми
- д) маҳсулот яратиш учун зарурий вақт

2. Ижтимоий мехнат унумдорлиги қандай аниқланади?

- а) ялпи ижтимоий маҳсулот: барча соҳаларда банд бўлганлар сони
- б) ялпи ижтимоий маҳсулот: моддий тармоқларда банд бўлганлар сони
- в) миллий даромад: моддий тармоқларда банд бўлганлар сони.
- г) иш вақти харажатлари: айрим турдаги маҳсулот харажатлари
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

3. Маҳсулот бирлигининг мехнат талабчанлиги қандай аниқланади?

- а) иш вақти хараржатлари: қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми
- б) қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми: иш вақти хараржатлари
- в) қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми: корхонанинг умумий харажатлари.
- г) иш вақти хараржатлари: айрим турдаги маҳсулот харажатлари.
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

4. Корхона персоналини ўқитишнинг асосий турлари:

- а) аттестациясиз мустақил билим олиш орқали ёки иш жойида;
- б) ихтисослаштирилган муассасаларда ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда;
- в) ихтисослаштирилган муассасаларда экстернат билан аттестация орқали;
- г) ихтисослаштирилган муассасаларда ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, ихтисослаштирилган муассасаларда экстернат билан аттестация орқали, аттестациясиз мустақил билим олиш орқали ёки иш жойида.

10 - МАВЗУ	КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ХАРАЖАТЛАРИ, ДАРОМАДИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИ
10.1.	КОРХОНАДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш. 2. Корхоналарда маҳсулот сотилишини режалаштириш. 3. Маҳсулот сифати. 4. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш.
Машғулотнинг мақсади: Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш.ва унинг сотилишини режалаштириш, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳақида тушунчаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Ишлаб чиқариш ҳақида тушунчаларни беради; - Корхоналарда маҳсулот сотилишини режалаштириш усуларини ёритиб беради; - Маҳсулот сифати.ва	Ўқув машғулотининг натижалари: - Ишлаб чиқариш ва унинг заруриятини тушунтириб беради; - Корхоналарда маҳсулот сотилишини режалаштириш усуларини тушунтириб беради; - Маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида тасаввурларни ёритиб беради;

унинг рақобатбардошлигини таъ-минлаш борасида тасаввур-ларни шакллантиради.	
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

10.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3. Куйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: - ишлаб чиқариш омиллари деганда нимани тушунасиш? - маҳсулот сифати деганда нимани тушунасиш? - рақобат деганда нимани тушунасиш? 4. Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Ўрганилаётган саволлар бўйича юзага келган барча қийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6. Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7. Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди. 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Ўз фикрларини билдирадилар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни такдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, конс-

		пект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

Корхонанинг хўжалик фаолияти деганда унда юз берадиган **таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг** мажмуаси тушунилади.

Корхона фаолият кўрсатиши учун унга меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа таъминотлар керак бўлади. **Таъминотни** корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб боради. Таъминот жараёнисиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари — ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Корхонанинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи ва меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратилади. Бу жараён ўз ичига турли технологик операцияларни олади, бу операцияларни бажариш эса турли харажатларни амалга оширишни таъқоза этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси — тайёр маҳсулот ҳисобланади. Уни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация харажатлари ва бу жараёнга тегишли бошқа харажатлар тайёр маҳсулотнинг таннархини ташкил қилади.


Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналар томонидан бажариладиган бошқа турдаги ишлар — қурилиш-монтаж ишлари, кўрсатилган хизматлар (туристларга кўрсатилган ётоқхона ва бошқа хизматлар ёки аудиторлик хизмати) ҳам ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Бундай ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўлиб бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат хажми ҳисобланади. Уларга сарфланган харажатлар бажарилган иш ёки хизматнинг таннархини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида яратилган тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш — **сотиш жараёни** дейилади. Бунда тайёр маҳсулот, иш, хизмат пулга айланади — сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар вужудга келади.

Тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш жараёнида корхонанинг ялпи тушуми, сотиш таннари, сотишдан олинган фойда ёки зарари, сотиш жараёнининг харажатлари, унга доир солиқлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Қайд этилган жараёнларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди — таъминотсиз ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришсиз эса сотиш жараёни амалга ошмайди. Сотиш бўлмаса корхонага пул келиб тушмайди, пулсиз эса таъминот, ишлаб чиқариш жараёнларини янгидан такрорлаб ва ривожлантириб бўлмайди.

Демак, корхоналар хўжалик фаолияти — маблағларнинг узлуксиз айланишидан ва кўпайиб боришидан иборатдир.



Бу ерда: П-пул, МП-меҳнат предметлари, МВ-меҳнат воситалари, ТМ-тайёр маҳсулот, Т-товар, П¹ - сотишдан олинган пул.

Топшириқлар:

10.1.1- топшириқ. Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш — 500 дона.
- 2) Бир бирлик маҳсулот нархи — 200 сўм.
- 3) Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот учун қилинган харажатлар(сўм):

Хом ашё	3600
Ёрдамчи материаллар	300
Ёқилғи ва энергия	24000
Иш ҳақи	15000
Ижтимоий ажратмалар	5700
Умумишлаб чиқариш сарфлари	7400
Умумхўжалик сарфлари	3000
Тижорат сарфлари	3600
Жами	95000

Қуйидагилар талаб қилинади:

- 1.Зарарсизлик графигини тузинг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегарасини (критический) аниқлаш.
2. Бир бирлик маҳсулот нархи 220 сўмгача кўтарилган ва хом ашё сарфи 10 фоизга ошган тақдирда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегараси (критический) қанча бўлишини ҳисоблаш.
3. Корхона фойдасини 5млн сўмга етказиш учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобланг.

Тест саволлари:

1. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги...

- а) маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, маълум маънавий қимматларни яратиш;
- б) савдо-воситачилик соҳасидаги тадбиркорлик;
- в) банк соҳасидаги тадбиркорлик;
- г) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш.

2. Бозор нархи — бу...

- а) товарларга бўлган талаб ва таклифлар натижасида аниқланган нархлар;
- б) чакана савдода сотилаётган товарларнинг нархлари;
- в) товарларнинг олди соттисига қадар сотувчи ва харидор ўртасида келишилган нарх;
- г) улгуржи савдода сотилаётган оварларнинг нархи.

3. Бозорда бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш — бу...

- а) “кўринмас қўл”;
- б) ишлаб чиқарилаётган товарлар таннархининг камайиши;
- в) муаллифлик ҳуқуқи;
- г) рақобат.

4. Корхонанинг рақобатлашуви нима?

- а) бошқа корхоналар билан иқтисодий кураши;
- б) корхоналарнинг ўз ҳуқуқларини талаб қилиши;
- в) корхоналар ўртасида маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича тортишуви ва кураши;
- г) корхонани маҳсулотига талабгор кўпайиши борасидаги натижалар.

5. Корхона маҳсулотига талаб қачон кўпаяди?

- а) корхона яхши хизмат кўрсатса;
- б) корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса;
- в) корхона маҳсулотининг таннархи пасайса;
- г) корхона яхши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса ва маҳсулотнинг таннархи пасайса.

6. Корхона маҳсулотига қачон талаб пасаяди?

- а) корхона сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарса;

- б) корхона хизмати қониқарсиз бўлса;
- в) корхона бошқарув тизими оқилона ташкил этилмаса;
- г) корхонада кадрлар қўнимсизлиги юзага келса.

7. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти нимада намоён бўлади?

- а) маҳсулот ва хизматларда;
- б) рекламада;
- в) сотувда;
- г) ишлаб чиқаришда.

8. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усуллари:

- а) оқимли, доналаб
- б) партияли, оқимли, доналаб ишлаб чиқариш
- в) улгуржи, чакана
- г) партияли, оқимли

10.2.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХАРАЖАТЛАРИ
--------------	---

10.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши. 2. Моддий харажатлар. 3. Меҳнат харажатлари. 4. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.
Машғулотнинг мақсади: Корхонанинг моддий, меҳнат ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар харажатлари ҳақида тушунчаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Харажатлар, уларнинг турлари ҳақида тушунчаларни беради; • Харажатларнинг таснифланиши ҳақида тушунча беради; • Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри тақсимлаш ҳақида тасаввурларни ёритиб беради; • Харажатларни ҳисоблаш ва маҳсулот таннархи ҳақида тушунчалар беради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Харажатлар, уларнинг турлари ҳақида тушунтириб беради; • Харажатларнинг таснифланиши ҳақида тушунтириб беради; • Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри тақсимлаш ҳақида тасаввурларни ёритиб беради; • Харажатларни ҳисоблаш ва маҳсулот таннархи ҳақида тушунтириб беради.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория

Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.
-----------------------	---

10.2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.


Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3. Куйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: - харажатлар деганда нимани тушунаси? - корхона харажатлари деганда нимани тушунаси? 4. Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммоларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага	Ўз фикрларини билдирадилар. Учта гуруҳга бўлинадилар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни такдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб

	келган барча қийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6.Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7.Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди. 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	беради. Эшитадилар, конспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида низом» га ва унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ корхоналарнинг барча харажатлари иккита гуруҳга ва тўртта қуйи гуруҳга ажратилган (чизмага қаранг).

Корхона харажатларининг турлари



Давр харажатларининг турлари:

- Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар
- Маъмурий харажатлар
- Бошқа операцион харажатлар
- Келгусида солиқ базасидан чегириладиган ҳисобот давр харажатлари

Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

- Маҳсулотларни сақлаш ва ташиш харажатлари
- Реклама харажатлари
- Упаковкалаш, сортларга ажратиш ва идишларга қилинган харажатлар
- Сотиш билан шуғулланувчи ходимларнинг иш ҳақиси
- Иш ҳақидан ижтимоий суғурта фондларига ажратмалар
- Савдога хизмат қилаётган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси
- Савдога хизмат қилаётган асосий воситаларнинг ижара тўловлари
- Сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

- Маъмурият ходимлари иш ҳақиси
- Иш ҳақидан ижтимоий суғурта фондларига ажратма
- Маъмуриятга хизмат қилаётган асосий воситалар амортизацияси
- Маъмурий мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг ижра тўловлари
- Маъмурий мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларни суғурта тўловлари
- Юқори ташкилотларга тўланадиган бадаллар
- Бошқа маъмурий харажатлар

Бошқа операцион харажатларга қуйидагилар киради:

- Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар
- Турли камомадлар ва йўқотишлар
- Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар
- Мол-мулк, экология, сув, чиқинди, ер, қазилма бойликлардан фойдаланганлик солиқлари
- Пенсия ва йўл фондига мажбурий ажратмалар
- Бошқа операцион харажатлар

Келгусида солиқ базасидан чегириладиган ҳисобот давр харажатларига қуйидагилар киради:

- Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштиришга харажатлар:
- Машина ва механизмларнинг айрим турларини якка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида (ишлатилмаётган ҳолатда) комплекс синаб кўриш.
- Янги ишга тушириладиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлашга харажатлар.
- Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.
- Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотлар янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.
- Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.
- Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.
- Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилиш йўли билан топилади.

Калькуляция, одатда бир хил номдаги маҳсулотга (иш ёки хизмат турига) тузилади.

- Амалиётда **норматив (режали)** калькуляция, **ҳақиқий таннарх** калькуляцияси каби калькуляциянинг турлари кенг ишлатилади.
- **Норматив (режали) калькуляцияда** қабул қилинган маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархи махсус тасдиқланган рецептуралар асосида сарфланадиган харажатлар суммасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот(иш, хизмат)нинг сонига бўлиш йўли билан топилади.

Корхона харажатларининг таснифи



1-илова

Муаммоли саволлар:

1. Харажатларнинг кўпайишига олиб келадиган омиллар қайсилар?
2. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг моҳияти нимада?
3. Ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш.
4. Бошқа харажатлари таркибига нима киради?

Топшириқлар:

10.2.1- топширик. Цехда “А” турдаги 200 дона ва “Б” турдаги 400 дона буюм ишлаб чиқарилган.

Харажатлар таркиби қуйидагича(минг сўм):

Кўрсаткичлар	Жами	Буюм турлари	
		А	Б
1.Ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи	200	120	80
2. Асосий материаллар	140	80	60
3. Бошқарув ходимларининг иш ҳақи	80	—	—
4. Ёрдамчи ишчиларнинг иш ҳақлари	80	—	—
5. бинолар амортизацияси	60	—	—
6.Технологик мақсадларга сарфланган электро-энергия	100	40	60
7. Цехни ёритиш учун сарфланган электро-энергия	40	—	—
8. Ускуналар амортизацияси	160	—	—
9. Бошқа харажатлар	200	—	—

Цех бўйича ишлаб чиқариш харажатлари сметасини ва ҳар бир турдаги буюм таннархи калькуляциясини тузиш талаб илинади.

10.2.2- топширик. Корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариши — 10 000 дона. Бир бирлик маҳсулот таннархи, сўм.:

Хом ашё	40
Ёрдамчи материаллар	0,5
Ёқилғи ва энергия	15
Ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи	10
Ижтимоий ажратмалар	3,6
Умумишлаб чиқариш сарфлари	4,5
Умумихўжалик сарфлари	4,2
Тижорат сарфлари	2,2
Жами	80

Маҳсулот нархи – 1 донаси 100 сўм.

Қуйидагиларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юқори миқдори (чегараси)ни;
- 2) йиллик ишлаб чиқариш 12 000 донагача ўсган вақтда маҳсулот бирлигининг таннаrxини.

10.2.3-топширик. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида корхона харажатларининг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасини таҳлил қилинг.

Харажат гуруҳлари	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи,%	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи,%
1.Моддий харажатлар	2004422		2987750	
2. Меҳнат харажатлари	240321		312444	
3. Ижтимоий суғурта ажратмалари				
4. Амортизация ажратмалари	4569		7312	
5.Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	98454		101233	
Жами ишлаб чиқариш харажатлари				

Тест саволлари:

1. Корхона харажатлари боғлиқ эмас:

- а)ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига.
- б)истеъмол этилаётган моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳажмига;
- в)техник даражага;
- г)ишлаб чиқаришни ташкил этишга.

2. Қўшимча харажатлар бу қуйидаги харажатлар:

- а) ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгарувчи;
- б) қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ.
- в)ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгармайдиган;
- г)паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

3. Доимий харажатлар —бу...

- а) хом ашё ва материалларни сотиб олишга кетган харажатлар;
- б) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар;
- в)биноларнинг ижраси учун кетган харажатлар;
- г)давлат эҳтиёжлари учун харажатлар.

4. Корхонанинг ялпи харажатлари.

- а)ишлаб чиқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларининг йиғиндиси.
- б)ишлаб чиқаришнинг янгидан бошланиши билан боғлиқ харажатлар;
- в)корхонанинг маълум вақтга тўхтатиб қўйилиши билан боғлиқ харажатлар;
- г)ўзгарувчан харажатлар.

5. Доимий харажатлар — бу...

- а)ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ булмаган харажатлар;

- б) хом ашё ва материалларни сотиб олишга кетган харажатлар;
- в) биноларнинг ижраси учун кетган харажатлар;
- г) давлат эҳтиёжлари учун харажатлар.

6. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагилардан иборат...

- а) пул формасида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун сарфланган харажатлардан
- б) хом ашё, материаллар, асосий фондларнинг амортизацияси ва номоддий активлар, иш ҳақи, ижтимоий суғўрталаш учун ажратмалар ва бошқа ишлаб чиқариш характеридаги харажатлар
- в) ишлаб чиқариш характерида эга бўлган кундалик ва капитал харажатлар
- г) бошқарув ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ, ишлаб чиқариш харажатлари ва чиқимлари

7. Давр харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади.

- а) сотув ва бошқарув харажатларини.
- б) илмий текшириш ва тажриба конструкторлик тадқиқотлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш бошқарув тизими учун харажатларни ва бошқа операцион ўз ичига олади харажатлари.
- в) тижорат чиқимлари.
- г) умумхужалик чиқимлари.

8. Ўзгарувчан харажатлар ўз ичига

- а) моддий харажатлар ва ходимларни иш ҳақи учун харажатлар.
- б) маҳсулот реализацияси учун харажатларини.
- в) амортизация харажатларини.
- г) ишлаб чиқаришни модернизацияси учун харажатларини.

9. Харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатлар бўлишдан мақсад.

- а) маҳсулотни баҳосини аниқлаш.
- б) ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш.
- в) фойдали ва зарарсиз ишлашни башорат қилиш.
- г) корхонани даромад ва харажат балансини тўзиш учун.

10. Корхона харажатларини минимизация қилишдаги манфаатдор. У қуйидаги шартларга риоя қилсагина унга эришиши мумкин

- а) ишлаб чиқариш омилларини рақобатли бозорда сотиб олса
- б) омилларни техник жойлаштиришнинг нормалари билан у омиллар баҳоси ўртасидаги тенгликни сақласа
- в) доимий ва узгарувчан харажатлар харажатлар ўртасидаги тенгликни қўллаб-қувватласа
- г) ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ва тежамкорлик тартиби таъминланса

11. Зарарсизлик нуқтаси аниқлашга ёрдам беради.

- а) харажатлар тушум билан қоплангандаги маҳсулот ҳажмини.
- б) корхона фойда олган вақтдаги маҳсулот ҳажмини.
- в) домий харажатлар ўзгарувчан харажатларга тенг бўлгандаги маҳсулот
- г) доимий харажатлар ўзгарувчан харажатларга тенг бўлгандаги маҳсулот ҳажми.

10.3.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ФОЙДАСИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИ
--------------	---

10.3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1.Корхона даромади тушунчаси ва унинг аҳамияти.

	2.Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, тақсимланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари. 3.Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари. 4. Фойда даражасини белгиловчи омиллар 5. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услуби.
Машғулотнинг мақсади: Корхона даромадлари, олаётган фойдаси, рентабеллик даражаси ва фойда даражасини белгиловчи омиллар ҳақида тушунчаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Даромадлар, уларнинг турлари ҳақида тушунчаларни беради; • Фойда ва унинг шаклланиши фойдани тақсимлаш ва кўпайтириш ҳақида тасаввурларни шакллантиради; • Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари ҳақида тушунча беради;	Ўқув машғулотининг натижалари: • Даромадлар, уларнинг турлари ҳақида тушунтириб беради; • Фойда ва унинг шаклланиши фойдани тақсимлаш ва кўпайтириш ҳақида тушунтиради; • Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари ҳақида тушунтириб беради;
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

10.3.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.


Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3.Машғулот охирида тест ўтказилишини айтади. 4.Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради:	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради. Мулоҳаза қиладилар, фикр алмашадилар.


	- фойдага таъриф беринг. - фойдага қандай омиллар таъсир этади? 5.Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.	
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммоларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага келган барча кийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6.Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7.Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди. 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Ўз фикрларини билдирадилар. Учта гуруҳга бўлинадилар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни такдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, коспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзаси-дан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (15 минут)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3.Фаол иштирок этган талабаларни қайд этиб, баҳоларини эълон қилади. 3.4.Тест ўтказиш учун тест варақларини тарқатади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Тест варағига исми, фамилияси ва гуруҳини ёзиб, тестни ечади ва тугатиб, топширади. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- Даромадларнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомда атрофлича очиб берилган:

- **Даромад** – бу, ҳисобот даврида устав капиталига таъсисчиларнинг киритган сармояларини истисно этган ҳолда, корхона хусусий капиталининг ортишига олиб келувчи активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши.





Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар:

- *Роялти, дивидендлар, фоизлар
- *Ижобий курс фарқлари
- *Узоқ муддатли ижарадан даромадлар
- *Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар
- *Бошқа даромадлар

Фавқулодда фойда:

- Қонунларни ўзгаришидан олинган фойда
- Фавқулоддаги вазиятлардан олинган фойда
- Революцион ўзгаришлардан олинган фойда

Муаммоли саволлар:

1. «Даромад» ва «фойда» тушунчаларининг маъноси нима?
2. «Рентабеллик» тушунчаси шахсининг қандай хусусиятларини назарда тутди?
3. Фойдани шакллантириш манбаалари нималардан иборат?
4. Фойдани таҳсимлаш ва уни кўпайтириш йўллари ?
5. Рентабелликнинг иқтисодий моҳияти.
6. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш услубияти.

Топшириқлар:

10.3.1-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида режалаштириш йили учун қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялардан тушадиган даромадлар суммасини аниқланг:

1. Йил бошига корхона баланси бўйича қимматбаҳо қоғозлар қиймати — 375,0 минг сўм.
2. Йилнинг II чорагида — 75,0 минг сўмлик, III чорагида 90,0 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозлар харид қилиш мулжалланган.
3. Йилнинг IV чорагида 912,0 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозларни сотиш режалаштирилган.. Ўртача йиллик дивиденд даражаси — 24 фоиз.

Тест саволлари:

1. Фойда — бу...

- а) иқтисодий фойданинг ўзи;
- б) ялпи кирим билан ялпи харажатлар ўртасидаги аниқ ва аниқ булмаган харажатларни ўзида мужассамлаган фарк;
- в) ялпи кирим билан аниқ ялпи харажатлар ўртасидаги фарк;
- г) қўшимча даромаднинг ўзи.

2. Корхонанинг фавқулоддаги фойдаси нима?

- а) кутилмаган фойдаси тасодифий тусга эга бўлган ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидаги маблағи;
- б) инвестиция киритишдан олинган фойда;
- в) фонд биржаси савдосидан олинган фойда;
- г) кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинishi кутилмаган фойдадир.

3. Корхонанинг фавқулоддаги зарари нима?

- а) кутилмаган зарар микдори;
- б) ишчи ҳодимлар келтирган зарарлар;
- в) фонд биржасида кўрилган зарар;

г) хўжалик юритувчи субъектларининг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган ҳодисалар.

4. Маржиналь фойда — бу ...

а) маҳсулот сотишдан тушган тушумдан корхонани доимий харажатларини айирмаси.

б) сотишдан тушган тушумлардан, корхонанинг ўзгарувчан харажатларини айирмаси.

в) сотишдан тушган тушумлардан корхонанинг ҳамма харажатлари

г) ўзгарувчан харажатлардан доимий харажатлар айирмаси.

5. Асосий фаолият натижасидан фойда - бу ...

а) маҳсулотни сотишдан тушган дароматдир, реализация қилинган маҳсулотнинг таннаرخини танлаш.

б) маҳсулот сотишдан тушган ялпи дароматдан корхонанинг ҳамма харажатларини чегириб ташлашдан.

в) маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатларини айирмаси.

г) давр харажатлари минус молиявий харажатлар.

	ТАҚСИМЛАШ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ
--	--

10.4.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	1. Корхона фойдасини (турлари бўйича) ҳисоблаш, 2. Корхона соф фойдасини тақсимлаш. 3. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш.
Машғулотнинг мақсади: Корхона олаётган фойдани турлари бўйича ҳисоблаш ва соф фойдасини тақсимлаш тартиби ҳамда рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ҳақида кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Фойда ва унинг турлари ҳақида тушунчаларни беради; • Фойдани тақсимлаш ҳақида тасаввурларни шакллантиради; • Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари ҳақида тушунча беради;	Ўқув машғулотининг натижалари: • Фойда ва унинг турларини тушунтириб беради; • Фойдани тақсимлаш тартибини тушунтиради; • Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари ҳақида тушунтириб беради;
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, якка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

10.4.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1- гуруҳга корхона фойдаси ва унинг турлари , 2- гуруҳга, корхона фойдасини тақсимлаш тартиби, 3-гуруҳга, корхона фаолияти рентабеллиги кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари ҳақида презентация тайёрлаш топширилади. 2.2.Мавзу бўйича тайёрланган эксперт варақаси тарқатилади. 2.3. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдамберади. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳракмасини жамоага ҳавола қилади. 2.5. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргар- лик кўради. Топширикни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда қатнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пасив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлари учун топшириқлар беради.	Саволлар берадилар Эшитадил ар ва хулоса чиқарадилар

Услубий кўрсатмалар

- Корхонанинг ҳисобот йилида эришган соф фойдаси (**Сф**) суммаси барча даромадлардан жами харажатлар ва фойдадан ундириладиган солиқ тўловлари суммасини айтириш орқали топилади. Ушбу метод бўйича соф фойда суммасини топиш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$C_{\phi} = D - CT - DX - BD + M\Phi_d - M\Phi_x + \Phi_d - \Phi_z - \Phi_c$$

Бу ерда:

- D** – сотишдан олинган даромад (соф тушум);
- CT** – сотиш таннарихи;
- DX** – давр харажатлари;
- BD** – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
- MΦ_d** – молиявий фаолиятдан даромадлар;
- MΦ_x** – молиявий фаолият харажатлари;
- Φ_d** – фавқулотдаги даромадлар;
- Φ_z** – фавқулотдаги зарарлар;
- Φ_c** – фойдадан солиқлар (фойда солиғи ва ободонлаштириш солиғи).

- Корхоналар фаолиятининг охириги молиявий натижа кўрсаткичлари, уларни шаклланиши «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» да очиб берилган.

Корхоналар фаолиятининг охириги молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

1. Сотишдан олинган фойда ёки зарар (Φ_c) ёки (З_c)

$$\Phi_c (З_c) = C_t - T_c,$$

мос равишда

$$\Phi_c = \text{агар } C_t > T_c, \quad З_c = \text{агар } C_t < T_c$$

Бу ерда:

C_t – соф тушум,

T_c – сотиш таннарихи

2. Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар (Φ_{аф}) ёки (З_{аф})

$$\Phi\text{аф} (\text{Заф}) = \Phi\text{с} (\text{Зс}) - \text{Дх} + \text{Бод}$$

Бу ерда:

Дх- давр харажатлари;

Бод – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

3. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар (Фух) ёки (Зух)

$$\Phi\text{ух} (\text{Зух}) = \Phi\text{аф} (\text{Заф}) + \Phi\text{мф} - \text{Змф}$$

Бу ерда:

Фмф – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар

4. Солиқгача фойда ёки зарарлар (Фст) ёки (Зст)

$$\Phi\text{ст} (\text{Зст}) = \Phi\text{ух} (\text{Зух}) + \Phi\text{ф} - \Phi\text{з}$$

Бу ерда:

Фд –фавкулотдаги фойда;

Фз – фавкулотдаги зарарлар

5. Соф фойда ёки соф қопланмаган зарарлар (Сф) ёки (Сз)

$$\text{Сф} (\text{Сз}) = \Phi\text{ст} (\text{Зст}) - \text{Дс} - \text{Аж}$$

Бу ерда:

Дс – даромаддан олинадиган солиқлар (фойда солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ);

Аж – фойдадан бошқа ажратмалар.

- Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофиқ юқорида келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташқари солиққа тортиш мақсадида яна иккита қуйидаги фойда кўрсаткичи ҳисоблаш йўли билан топилади:

1. Солиқга тортиладиган даромад (Стд)

$$\text{Стд} = \Phi\text{ст} (\text{Зст}) + \text{Стх} + \text{Сбх} - \text{Счх} - \text{Д} - \Phi$$

Бу ерда:

Стх –солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар;

Сбх –ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин да келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар;

Счх –солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар;

Д – олинган дивидендлар;
 Ф - олинган фоизлар

Солиқга тортиладиган фойда (Стф) - бу солиқга тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни :

$$\text{Стф} = \text{Стд} - \text{И}$$

Бу ерда:

И – имтиёз сифатида солиқга тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

Олинган дивидендлар ва фоизлар Солиқ қонунчилигига мувофиқ алоҳида 15 фоизлик дивиденд солиғига тортилиши муносабати билан фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда чегириб ташланади.

Фойда (даромад) солиғи (Нф) суммаси корхонанинг солиқга тортиладиган фойдаси суммасини (**Стф**) солиқ меъёрига (**См**) кўпайтириб ва 100% га бўлиш билан топилади, яъни:

$$\text{Нф} = \text{Стф} * \text{См} : 100\%$$

- Корхона фойдасининг тақсимланиш объекти бўлиб соф фойда ҳисобланади.

- Корхона тасарруфида қоладиган фойда биринчи навбатда жамғаришга, яъни уни ривожлантиришга йўналтирилиши зарур.

- Корхона фойдасини тақсимлаш ва ишлатиш тартиби унинг Уставида белгилаб берилган.

- Таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалари корхонанинг соф фойдасини ҳиссали усулда тақсимлашга, акцияларнинг сони эса соф фойдани уларнинг ҳар бирига мос равишда тақсимлашга асос бўлиб ҳисобланади. Давлат корхоналарида соф фойда тақсимланмайди ва устав капиталининг миқдорини оширишга йўналтирилади.

- Корхона соф фойдасининг тақсимоти

№	Кўрсаткичлар	сумма
1	Ҳисобот йилнинг соф фойдаси	
2.	Соф фойданинг ишлатилиши	
1.1	Дивидендларга	
1.2	Резерв капиталига	
1.3	Бошқа мақсадларда	
3	Ҳисобот йилда тақсимланмаган фойданинг кўпайиши	

Топшириқлар:

10.4.1-топшириқ. Таъсисчи янги корхонани тузишга 200,0 минг сўм киритган. Корхона ташкил этилгунга қадар унинг биноси ижарага берилган. Йиллик ижара ҳақи 50,0 минг сўм бўлган.

Янги корхона тузилишига қадар, унинг таъсисчиси ёлланма менежер сифатида ишлаган. Унинг йиллик иш ҳақи 100,0 минг сўмни ташкил этган. Тузилган янги корхона фаолиятини қуйидаги кўрсаткичлар тавсифлайди:

Кўрсаткичлар	Микдорлар
Ишлаб чиқариш ҳажми, бирлик.	10 000
Нархи (ҚҚСсиз), 1 бирлик/сўм.	1 000
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.	600
Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, минг сўм.	200
Харажатлар, минг сўм.:	
- моддий	250
- ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ	150
- амортизация ажратмалари	160
- бошқалар	140
Ортиқча буюмларни сотишдан олинган даромадлар, минг сўм.	50
Банк кредити учун тўланган фоизлар, минг сўм.	10
Соф фойдадан солиқ .%	24
Муддатли депозитлар бўйича олинадиган ҳақ, %	18

Қуйидагиларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) ялпи фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда ва соф фойдани ҳамда корхона рентабеллиги кўрсаткичини;
- 2) таъсисчи томонидан ўз корхонасини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб беринг (иқтисодий фойдани ҳисобланг).

10.4.2- топшириқ. Цех бир ойда 2000 дона яшик ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехда 1та ишчи дискли аррада (ойлик маоши — 1250 сўм) ва 2та ишчи қўлда яшикларни тузишади(ҳар бирининг ойлик маоши — 900 сўм). Бундан ташқари, 1та ишчи цехнинг ишлаб чиқариш майдонларини супириб-тозалаб туради (ойлик маоши — 400 сўм).

Цехда ҳар бири 0,25 ставкада — электрик, сантехник ва механик ҳисобда туради. Бу лавозимларнинг тўлиқ ставкаси — 800 сўм.

Бир ойда 10 м³ ёғоч ва 100 кг мих сарфланган. 1 м³ ёғочнинг нархи — 1650 сўм, 1 кг михнинг нархи — 10 сўм. Дискли арранинг нархи — 8500 сўм, унинг йиллик амортизация номаси — 12 фоиз, электорозергияни истеъмол қилиш қуввати — 15 кВт, ҳақиқатда бир ойда ишлаган вақти — 160 соат.

Цехни ёритиш учун бир ойда 400 кВт электорозергия сарфланган, иситиш ва сув таъминоти учун 260 сўм тўлов қилинган. Бир кВт

электороэергия нархи — 0,18 сўм. Цех биноси қиймати — 300,0 минг сўм, йиллик амортизация нормаси — 1,5 фоиз.

Ишлаб чиқариш харажатлари сметасини тузиш талаб қилинади.

10.4.3- топшириқ. Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори — 20,0 минг тонна;
- 2) 1 тонна маҳсулот таннархи — 25,0 минг сўм;
- 3) шартли-ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси — 20,0 фоиз;
- 4) келгуси йили маҳсулот ишлаб чиқариш 22,0 минг тоннага етказилиши режалаштирилган.

Келгуси йили ишлаб чиқаришнинг ўсиши муносабати билан бир бирлик маҳсулот таннархини ҳисоблаш талаб қилинади.

10.4.4- топшириқ. Цехда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш 20,0 минг бирликдан 30,0 минг бирликкача ўсган. Бунинг учун қўшимча ишлаб чиқариш корпусини қуришга тўғри келган эди.

Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 20,0 минг бирликка тенг бўлган пайтда, унинг ҳажми 5,0 минг сўмни ташкил қилган.

Цехда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ўсгандан сўнг шартли-ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси — 30,0 фоизни, умумишлаб чиқариш харажатларнинг йиллик суммаси — 1500,0 минг сўмни ташкил этган.

Ишлаб чиқариш миқдорининг ўсишидан кейин бир бирлик маҳсулот таннархини аниқлаш талаб қилинади.

10.4.5-топшириқ. Устахона эгаси ўтган ойда 200,0 минг сўм миқдорида даромадга эга бўлган. Мулкдор (айни пайтда, ишчи) даромаднинг 5,0 минг сўмини ўзининг ёрдамчисига ва 2,5 минг сўмини фаррошга иш ҳақи сифатида берган. Ўзига иш ҳақи сифатида даромаднинг 7,5 минг сўмини ажратган. Ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё ва материаллар қиймати — 170,0 минг сўм.

Мулкдор устахона (корхона)ни ташкил этиш учун 100,0 минг сўм миқдорида маблағ киритган. Киритилган маблағ учун мулкдорнинг йиллик даромади — 15,0 фоиз.

Устахона (корхона)нинг соф фойдасини аниқлаш талаб қилинади.

10.4.6-топшириқ. Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) ҳисобот даврида 23475 тонна маҳсулот сотилган;
- 2) 1 тонна маҳсулот нархи — 3750 сўм;
- 3) бир бирлик маҳсулот таннархи — 3068 сўм;
- 4) ҳисобот даврида қолдиқ қиймати 345,0 минг сўм бўлган ортиқча ускуналар сотишдан 353,0 минг сўмга сотилган;
- 5) давр ва бошқа турдаги сарфлар — 10,0 минг сўм;
- 6) фойдадан солиқ ставкаси — 9,0 фоиз.

Корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдасини, фойдадан солиқ тўлангунга қадар фойдани ва соф фойдасини аниқлаш талаб қилинади.

10.4.7-топширик. Мулк шакллариға кўра корхоналар соф фойдасининг тақсимланиши тартибини ёзинг:

Давлат корхо-насида	Хусусий корхонада	Акциядорлик жамиятида	Масъулияти чекланган жамиятда	Хорижий инвестиция иштирокидаги корхонада

10.4.8-топширик. Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

1. Нормалаштириладиган айланма маблағлар қолдиқлари:

01.01да — 820,0 минг сўм; 01.02да — 790,0 минг сўм; 01.03да — 750,0 минг сўм; 01.04да — 760,0 минг сўм; 01.05да — 770,0 минг сўм; 01.06да — 780,0 минг сўм; 01.07да — 790,0 минг сўм; 01.08да — 770,0 минг сўм; 01.09да — 780,0 минг сўм; 01.10да — 790,0 минг сўм; 01.11да — 785,0 минг сўм; 01.12да — 790,0 минг сўм; 01.01да (келгуси йил) — 810,0 минг сўм;

2. Ҳисобот йили бошида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати — 2480,0 минг сўм. Йил давомида 1200,0 минг сўмлик, шу жумладан, 01.04дан — 250,0 минг сўмлик, 01.06дан 950,0 минг сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришга киритилган. Ҳисобот йилининг 01.10дан 510,0 минг сўмлик асосий воситалар ҳисобдан чиқарилган.

3. Ҳисобот йилида 430,5 минг сўм миқдорида соф фойда олинган.

Саноат корхонасининг ҳисобот йилида эришган рентабеллик даражасини аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1. Активлар рентабеллиги кўрсаткичи.....

- а) соф фойда билан корхона активларинининг нисбати.
- б) дебиторлик қарзлари айланувчанлигини
- в) молиявий мустақиллик коэффициенти
- г) ялпи фойданинг сотишдан олинган тушумдан активларини чегириб ташланган қисмига нисбати

2. Реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллигини аниқлаш.

- а) баланс фойдани реализация қилинган маҳсулот ҳажмига нисбати
- б) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойдани унинг таннархига нисбати

в) маҳсулотни сотишдан олинган фойдани уни сотишдан тушган тушумга нисбати

г) баланс фойдани асосий фондлар ва моддий айланма воситаларнинг ўртача қийматига нисбати.

. 3. Корхонанинг соф фойдаси нима?

а) даромаддан ҳаражатни айиргандан қолган қисми;

б) фойдадан солиқлар чегиргандан сўнг қолган қисми;

в) даромаддан ишлаб чиқариш ҳаражатларни айиргандан қолган қисми;

г) даромаддан ҳаражатни айиргандан қолган қисми, даромаддан ишлаб чиқариш ҳаражатларни айиргандан қолган қисми.

4. Дивиденд нима?

а) корхона фойдасига бериладиган маблағ;

б) акциядорлик жамиятининг даромади;

в) акциядорга бериладиган маблағ;

г) акциядор улуши.

5. Дивиденд қандай муддатларда берилади?

а) йилнинг ҳар чорагида;

б) ҳар ярим йилда;

в) бир йилга бир марта;

г) йилнинг ҳар чорагида, яримида, йилга бир марта.

6. Дивидендлар солиққа тортиладими?

а) тортилади;

б) тортилмайди;

в) маълум бир ставкалар бўйича тортилади;

г) низомда кўрсатилмаган.

11 - МАВЗУ	КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ
11.1.	КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАНБАЛАРИ

11.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1.Инвестициялар корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида. 2.Корхонада инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари. 3.Корхонада капиталлашган инвестициялар. 4.Корхонада капиталлашган инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолаш.
Машғулотнинг мақсади: Инвестициялашнинг мақсади ва вазифалари, корхонага инвестиция киритиш мақсади, инвестициялашнинг асосий манбаалари, ва йўналишлари, корхонада капиталлашган инвестициялар, уларни баҳолаш ва қайта баҳолаш.бўйича билимни шакллантиришдан иборат.	
Педагогик вазифалар: • Инвестициялар корхона ишлаб чиқаришининг ривожланишидаги ролини тушунтириб беради; • Инвестициялашнинг асосий манбаалари ва йўналишларини тушунтириб беради; • Корхонада капиталлашган инвестициялар ва уларни баҳолаш ва қайта баҳолаш. ҳақида тушунча беради;	Ўқув машғулотининг натижалари: • Инвестициялар корхона ишлаб чиқаришининг ривожланишидаги ролини тушунтиради; • Инвестициялашнинг асосий манбаалари ва йўналишларини тушунтиради; • Корхонада капиталлашган инвестициялар ва уларни баҳолаш ва қайта баҳолаш. ҳақида тушунча беради;
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

11.1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	талабанинг
Тайёрлов босқичи	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзуларни докладчилар томонидан танлаб олиншини, ҳамда ҳар бир докладчига тақризчи тайинланишини ташкил қилади. 3. Докладчиларга мавзуси бўйича режа тузиш вазифасини беради. 4. Докладчиларга тақлимотни кўргазмали материаллар асосида ўтказилишини уқтиради.	Мавзу танлаб оладилар ва машғулотга тайёрланадилар. Ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлайдилар ва зарур адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар.
Такдимотларнинг тузилиши ва кўринишини муҳокама қилади		
I. Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1. Семинар машғулотининг мавзусини эслатади. Машғулотининг шакли ва ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.2. Доклад қилувчилар билан таништиради..	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1. Биринчи докладчига сўз беради. Материал мазмунининг мантиқан боғлиқлигини, баён этиш усули ва талабалар муносабатини кузатади. Талабалар томонидан савол беришни тақлиф қилади. Саволлар беради, докладнинг асосий моҳиятини аниқлаштиради. 2.2. Мавзу мазмунининг талабаларга қай даражада тушунарлилигини (докладчиларга берилаётган саволлар мазмуни ва саволларга берилаётган жавоблардан келиб чиқиб) баҳолайди. 2.3. Талабаларга «мунозара иштирокчиси учун эслатма»ни эслатади ва мунозара бошланишини эълон қилади. Билдирилаётган фикрларга нисбатан демократик ёндашиш ва фаоллик, қизиқувчанликни намоёйиш қилади. Ишончли мулоқот тонини қўллайди. 2.4. Қисқача умумлаштириб докладга якун ясайди. Докладнинг асосий моҳиятини, мунозара, муҳокама натижаларини қайд қилади. 2.5. Кейинги докладларни ҳам шу йўсинда муҳокама қиладилар.	Тайёрланган доклад бўйича сўзга чиқади, тайёрлаган кўргазмали материаллар асосида тақдимот қилади, берилган саволларга жавоб беради. Жамоа бўлиб доклад мазмунини муҳокама, мунозара қиладилар. Мунозара қиладилар.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Семинар машғулоти натижалари юзасидан хулоса қилади, мавзуга якун ясайди: - мавзу бўйича якуний хулосани шакллантиради; - доклад қилувчилар ва машғулоти иштирокчиларининг тайёргарлигини, мунозара, муҳокама жараёнидаги фаоллигини баҳолайди ва баҳоларни эълон қилади; - семинар машғулоти натижаларига умумий баҳо беради. 3.2. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Молиявий инвестициялар** - сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган кредит ва қарзлар, киритилган пай ва бадаллар.
- **Молиявий инвестициялар** – бу корхонанинг бошқа корхоналарга уларнинг кувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида узи ҳам моддий наф куриш , кушимча даромад олиш мақсадида киритган маблағлари мажмуаси.
- **Капитал инвестициялар** - тугалланмаган қурилишларга, ҳаракатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар.
- **Капитал инвестициялар** – бу янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси. Ўзбек тили луғатида бу сўзнинг «капитал қўйилмалар» номли синоними ҳам мавжуд.

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва қўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади.


Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар инвестицион фаолият деб аталиб, у қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);
- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай, аъзолик бадаллари ва бошқа тўловлари);
- давлат бюджети маблағлари;
- чет элликлар маблағлари.

Инвестиция дастури - республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.


Инвесторлар – хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадиладар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан – контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.




11.1-расм. 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда.



11.1.2-расм. Инвестициянинг ўсиш суръати ва инвестиция ҳажмининг ЯИМдаги улуши



11.1.3-расм. 2011 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши.



**11.1.4-расм. Худудий инвестиция дастури доирасида
2011 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.**

Семинар машғулотида тақдим этиладиган саволлар:

1. Корхоналарни инвестициялашнинг асосий тушунчалари.
2. Инвестициянинг моҳияти ва уларни таснифлаш.
3. Инвестиция тушунчаси ва унинг асосий мақсадлари.

Мунозара иштирокчиларини баҳолаш мезонлари

Баҳолаш мезонлари (баллда)	Доклад қилувчилар			
1. Доклад мазмуни (1,0): - долзарблиги; - баён қилинишининг тушунарлилиги, изчиллиги ва мантикий боғлиқлиги; - хулосанинг аниқ шакллантирилиши.				
2. Фойдаланилаётган маълумотнинг янгилиги (0,5)				
3. Тақдимотда қўлланилган воситалар (0,4)				
4. Регламентга риоя қилиш (0,1)				
Жами:				
	тақризчилар			
1. Докладни янгилик била тўлдирганлигига (0,5)				
2. Докладнинг кучли ва бўш томонларини аниқ кўрсатганига (1,5)				
Жами:				
	Мунозара иштирокчилари			
1. Саволлар: - ҳажми (0,1 ҳар бир савол учун); - мазмуни ва моҳияти бўйича (0,3)				
2. Қўшимча киритганига (1,0)				
Жами:				

Мунозара иштирокчисига эслатма

Мунозара муносабатларни ҳал этиш эмас, балки муаммоларни ечимини ҳамкорликда топиш методидир.

Бошқалар ҳам фикр билдиришларига имконият яратиш учун узоқ гапирма.

Ақлли фикрларнинг мақсадга етиши учун сўзларингни тарозига сол, ўйлаб, сўнгра гапир, хис-туйғуларингни назорат қил.

Тақризчи ва оппонент фикрини тўғри тушунишга ҳаракат қил. Унинг фикрини ҳурмат қил. 167

Фақат мунозара мавзуси бўйичагина, аниқ фикр билдир.

Ўз тақдимотинг билан кимгадир ёкишга ёки аксинча хафа қилишга уринма.

Топширик:

11.1.1-топширик. Саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини йил давомида 30,0 минг тоннадан 45,0 минг тоннага ошириш мулжалланган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бундай ошириш эски ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ёки янги ишлаб чиқаришни жорий этиш эвазига амалга оширилади.

Реконструкция қилиш учун капитал қўйилмалар 1160,0 минг сўмни, янги цех қуриш учун эса 1700,0 минг сўм сарф қилинади.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш орқалими ёки янги қурилиш орқали кенгайтиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш талаб қилинади.

Тест саволлари:

1. Инвестиция — бу...

- а) ўз ўзини молиялаш;
- б) фойда олиш мақсадида активларга узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар.
- в) омонатчилар капиталининг қўпайиши;
- г) молиявий рентабеллик.

2. Инвестор - бу ...

- а) қимматли қоғозлардан даромад олувчи шахс
- б) инвестиция киритувчи шахс.
- в) инвестициялардан фойдаланувчи шахс.
- г) қимматли қоғозлами эмиссия қилувчи шахс.

3. Корхона қандай ҳолатда инвесторга айланади?

- а) ички ва ташқи инветсия киритганда;
- б) сармоядор ўз хиссасини пасайтирганда;
- в) ички ва ташқи инвестиция киритганда, сармоядор ўз хиссасини пасайтирганда;
- г) ички имкониятлар ошганда.

4. Инвесторлар резидентликка тегишлилиги бўйича қандай гуруҳларга таснифланади?

- а) институционал ва индивидуал инвесторлар
- б) стратегик ва бевосита инвестициялар
- в) миллий ва хорижий инвесторлар
- г) хорижий ва индивидуал инвесторлар

5. Инвестиция фаолиятининг объекти....

- а) капитал қурилишлар, иншоотлар
- б) капитал, инновацион, ижтимоий инвестициялар
- с) инвесторлар, кредиторлар
- д) моддий ва номоддий неъматлар

6. Инвестиция фаолиятининг субъекти...

- а) моддий ва номоддий неъматлар
- б) капитал, инновацион, ижтимоий инвестициялар
- с) инвесторлар, кредиторлар
- д) капитал қурилишлар, иншоотлар

7. Инвестиция ресурслари деганда нимани тушунаси?

- а) инвестицияларни иқтисодиётнинг соҳалари ўртасида тақсимланиши
- б) инвеститсион фаолиятни амалга оширишда иштирок этадиган ҳар хил қўринишдаги мабалағлар
- в) ходимларнинг тажриба ва малакаларини оширишга йўналтирилган маблағлар.
- г) даромад олиш ва асосий капитал қийматини қўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активлар

8. Инвестициянинг қандай турлари бор?

- а) миллий, халқаро
- б) марказлаштирилган, марказлаштирилмаган
- в) давлат, хусусий, аралаш
- г) моддий, молиявий, ақлий (интеллектуал)

9. Молиявий инвестициялар – бу...

- а) корхонанинг экологияни аралашга сарфланган маблағларидир
- б) даромад олиш ва асосий капитал қийматини қўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир
- в) корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир.
- г) корхонанинг интеллектуал бойликларини харид қилишга сарфланган маблағлардир.

10. Молиявий инвестициялар таркибига нималар киради?

- а) “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар.
- б) маҳаллий ва чет эл пул бирликлар, аксиялар, облигасиялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар.
- в) пул маблағлари, асосий воситалар ва айланма маблағлар.
- г) қимматли қоғозлар, корхонанинг имиджи (обруйи).

11. Моддий инвестициялар - бу...

- а) корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир.

б) даромад олиш ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.

в) корхонанинг интеллектуал бойликларни харид қилишгасарфлаган маблағларидир.

г) корхонанинг экологияни асрашга сарфлаган маблағларидир.

12. Моддий инвестициялар таркибига нималар киради?

а) “ноу-хау”, кашфиётлар товар белгиларига бериладиган лицензиялар.

б) корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари.

в) асосий воситалар ва айланма маблағлар.

г) акциялар, облигасиялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар.

13. Ақлий (интеллектуал) инвестициялар - бу...

а) даромад олиш ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.

б) корхонанинг интеллектуал бойликларни харид қилишгасарфлаган маблағларидир.

в) корхонанинг экологияни асрашга сарфлаган маблағларидир.

г) корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишиаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишиаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир.

14. Ақлий (интеллектуал) инвестициялар таркибига нималар киради?

а) аксиялар, облигасиялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар.

б) асосий воситалар ва айланма маблағлар.

в) корхонанинг имиджи (обруи).

г) мулкӣ ҳуқуқлар, ноу-хау, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар.

11.2.	ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ
-------	---

11.2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти
Семинар машғулоти режаси	1.Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. 2.Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари. 3.Корхонада инвестициялар портфелини шакллантириш. 4. Капитал қўйилмалар бўйича инвестиция қарорларини тайёрлаш. 5.Инвестицияга доир пул оқимлари ва уларни дисконтлаштириш.
Машғулотнинг мақсади: Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари ва инвестициялар портфелини шакллантириш, инвестицияга доир пул оқимлари ва уларни дисконтлаштириш. бўйича тушунчаларни шакллантиришдан иборат.	
Педагогик вазифалар: •Инвестициялашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари тўғрисида тушунча беради; • Корхонада инвестициялашлар портфелини шакллантириш ҳақида тушунча беради; • Капитал қўйилмалар бўйича инвестиция қарорларини тайёрлаш бўйича тушунчалар беради; •Инвестицияга доир пул оқимлари ва уларни дисконтлаштириш. ҳақида тушунча беради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Инвестициялашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари тўғрисида тушунча беради; • Корхонада инвестициялашлар портфелини шакллантириш ҳақида тушунча беради; • Капитал қўйилмалар бўйича инвестиция қарорларини тайёрлаш бўйича тушунтириб беради; • Инвестицияга доир пул оқимлари ва уларни дисконтлаштириш. ҳақида тушунча ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

11.2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси.

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 3. Машғулот охирида тест ўтказилишини айтади. 4. Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: Инвестициялар самарадорлиги деганда нимани тушунаси? - Инвестиция лойиҳасини амалга оширишга нима таъсир этади? Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради. Мулоҳаза қиладилар, фикр алмашадилар.
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммоларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритади ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни ўрта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Машғулотда юзага келган барча кийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6. Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7. Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди. 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Ўз фикрларини билдирадилар. Ўрта гуруҳга бўлинадилар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, коспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзаси-дан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (15 минут)	3.1. Мавзунини умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Фаол иштирок этган талабаларни қайд этиб, баҳоларини эълон қилади. 3.4. Тест ўтказиш учун тест варақларини тарқатади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради. Қўшимча адабиётлардан мавзуга тегишли бўлган янги маълумотларни тўплаш. БББ жадвалининг тўлдириш.	Эшитадилар. Тест варағига исми, фамилияси ва гуруҳини ёзиб, тестни ечади ва тугатиб, топширади. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = \mathcal{D} - \mathcal{K}$$

Бу ерда
 $\mathcal{E}$ - иқтисодий самара
 $\mathcal{D}$ - қўйилган капиталдан даромад
 $\mathcal{K}$ - қўйилган капитал суммаси

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_1 = \frac{\mathcal{IF}}{\mathcal{K}}$$

Бу ерда $\mathcal{E}_1$ - иқтисодий самарадорлик
 $\mathcal{IF}$ - инвестициядан фойда
 $\mathcal{K}$ - қўйилган капитал

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалактда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида киритилган инвестици миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{\mathcal{YMM}}{\mathcal{K}}$$

Бу ерда
 $\mathcal{YMM}$ – ялпи миллий даромад
 $\mathcal{K}$ - $\mathcal{YMM}$ ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$\mathcal{YIN} = \frac{\mathcal{YIS}}{\mathcal{YMM}} \times 100$$

Бу ерда,
 $\mathcal{YIN}$ - ялпи инвестиция нормаси
 $\mathcal{YIS}$ - ялпи инвестиция суммаси
 $\mathcal{YMM}$ - ялпи миллий даромад

Муаммоли саволлар:

1. Инвестицион сиёсат нима ва у давлат ва корхоналар миқёсида қандай мақсадларни кўзда тутди?
2. “Инвестициялар” ва “капитал қўйилмалар” тушунчалари ўртасидаги фарқларни тавсифлаб беринг.
3. Инвестицион жараёнларни қайси асосий босқичлар тавсифлайди?
4. Инвестициялар таркиби ва тузилмаси нима ва уларнинг корхона иқтисодиётидаги таъсири?
5. Корхоналар инвестицион сиёсатининг моҳияти нимада?
6. Инвестицияларнинг қопланиш муддати нима ва қандай аниқланади?

Топшириқ:

11.2.1- топшириқ. Форфор маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ошхона сервис буюмларини ишлаб чиқаришни режалаштирган. Қуйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқариладиган сервис буюмлари миқдори ҳақида қарор қабул қилиш талаб қилинади.

Кўрсаткичлар	Вариантлар		
	I	II	III
1.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўм)	6000	8000	12000
2.Талаб этиладиган капитал қўйилмалар (минг сўм)	1240	2400	3600
3. 1дона маҳсулот харажатлари (сўм)	1098	1065	1040
4. 1дона маҳсулотни сотиш нархи (сўм, ҚҚСдан ташқари)	1140	1111	1084

Қарор қабул қилишда капитал қўйилмалар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда фойда ва рентабелликни эътиборга олинг.

Тест саволлари:

1. Иқтисодий нуқтаъи назаридан инвестиция қандай кўриб чиқилади?

- а) асосий ва айланма капитални жамғариш сифатида
- б) жалб қилинадиган капитал қўйилмалар сифатида
- в) узок муддатга мулжалланган мақсадли сармоялар сифатида
- г) киска муддатга мулжалланган мақсадли сармоялар сифатида
- д) ҳамма жавоб тўғри

2.Молиявий нуқтаъи назаридан инвестициялар қандай кўриб чиқилади?

- а) асосий ва айланма капитални жамғариш сифатида
- б) узок муддатга мулжалланган мақсадли сармоялар сифатида
- в) даромад олиш мақсадида ресурсларни музлатиб куйиш сифатида
- г) балансинг активлари ва пассивларининг бир ёки бир неча моддаларига бирлаштириш сифатида
- д) жалб килинган капитал қўйилмалар сифатида

3. Инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш, солиққа тортиш механизмини ва молия-кредит сиёсатини (таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йиғиндиси нима дейилади?

- а) инвестиция дастури.
- б) инвестиция сиёсати.
- в) инвестицион муҳит.
- г) инвестиция лойиҳаси.

4. Иқтисодий самара деганда нима тушунилади?

- а) қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси
- б) қўйилган капиталдан олинган даромаднинг маълум вақтдан кейин қўйилган капиталга тенглашиши
- в) олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабат
- г) инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси

5. Иқтисодий самарадорлик - бу...

- а) инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссасидир
- б) қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижасидир
- в) қўйилган капиталдан олинган даромаднинг маълум вақтдан кейин қўйилган капиталга тенглашишидир
- г) олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатдир

6. Ўзбекистон Республикасига чет эл инвесторлари томонидан саноат корхоналарини ривожлантиришга инвестициялар киритилганда неча йилгача солиқлардан озод этилади?

- а) 25 йилгача
- б) 3 йилдан 7 йилгача
- с) 10 йилдан 15 йилгача
- д) 2 йилгача

7. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури - бу

а) инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш, солиққа тортиш механизмини ва молия-кредит сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар йиғиндиси.

в) давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

с) иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тўзиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус дастурдир.

д) миллий иқтисодиётни замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этишдир.

8. Давлат инвестиция дастурининг таркибий қисми нималардан иборат?

- а) капитал қўйилмалар прогнози, инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури, устувор, инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати
- б) инвесторларнинг капитали, бизнес режалари, қурилиш сметалари
- с) давлат бюджети даромадлари ва харажатлари
- д) молиялаштириш манбалари рўйхати, инвестиция объектлари, лойиҳа-сметалари.

БББ жадвалини тўлдириш учун тавсиялар

1. Таянч ибора ва тушунчалар билан танишиб чиқинг.
2. БББ жадвалини тўлдириш учун таянч ибора ва тушунчаларнинг тартиб рақамидан фойдаланинг.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1	2	3

11.3.	КОРХОНА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ
--------------	---

11.3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш амалий машғулоти
Амалий машғулот режаси	1.Капитал қўйилмалар – корхона ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда муҳим манба. 2.Капитал қўйилмаларнинг самарали вариантлари ва уларни танлаш.
Машғулотнинг мақсади: Корхонада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда капитал харажатларнинг самарали вариантини танлаш усулларини ўрганишдан иборат.	
Педагогик вазифалар: - Капитал қўйилма тушунчасига таъриф беради; - Корхона фаолиятида капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тушунтириб беради; - Капитал қўйилмаларнинг самарали вариантларини танлаш усуллари билан таништиради;	Ўқув фаолиятининг натижалари: - Капитал қўйилма ҳақида тушунчага эга бўлади; - Корхона фаолиятида капитал қўйилмаларнинг аҳамияти тўғрисида тасаввурга эга бўлади; - Капитал қўйилмаларнинг самарали вариантларини танлаш усулларини ўрганади.
Таълим бериш усуллари	Тезкор-сўров, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

11.3.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқи тувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1.Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2.Мавзуни аниқлайди, мақсадни белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиради. 3.Амалий машғулот учун саволлар, топшириқлар ва тарқатма материалларни тайёрлайди	Машғулотга тайёрланадилар
2 -босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Амалий ишга кириш. 1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Амалий машғулотнинг тузилиши ва ўтказилиш тартибини тушунтириб беради	Тинглайдилар Тинглайдилар
	2. Асосий қисм. 2.1. Талабалар 3 гуруҳга бирлаштирилиб, 1- гуруҳга, минимум капитал харажатлар вариантини, 2-гуруҳга, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг самарали вариантини, 3- гуруҳга, капитал қўйилмаларнинг энг рентабелли вариантини аниқлаш бўйича презентация тайёрлаш топширилади. 2.2.Мавзу бўйича тайёрланган эксперт варақаси тарқатилади. 2.3. Гуруҳга топшириқларни бажариш учун ёрдамберади. Тақдимот материалларининг мазмуни ва тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади ва гуруҳлар сардорлари тақдимотини ташкиллаштиради. Гуруҳ сардорларига саволлар беради ва муҳркамасини жамоага ҳавола қилади. 2.5. Топшириқлар ечимларини умумлаштиради ва хулоса ясайди.	Савол бўйича тайёргар- лик кўради. Топшириқни бажаради ва презентация қилади Савол-жавобда қатнашади.
3-босқич. Яқунловчи босқич (15 дақиқа)	Амалий машғулот бўйича яқун ясалади: 3.1.Талабаларда туғилган саволларга жавоб берилади; 3.2.Талабаларнинг амалий машғулотдаги иштироки баҳоланади, актив ва пассив қатнашган талабалар эътироф этилади. 3.3. Талабаларга мустақил ишлашлариучун топшириқлар беради.	Саволлар берадилар Эштадил ар ва хулоса чиқарадилар

1) Капитал импорти коэффиценти (**К_{ик}**) - хорижий капитал (ХК)нинг мамлакат ЯИМ даги улушини акс эттиради:

$$K_{ик} = \frac{ХК}{ЯИМ} \times 100 ,$$

Европа мамлакатлари ичида энг юкори кўрсаткич Белгия ва Люксембургда;

2) Капитал экспорти коэффиценти (**К_{эк}**) - экспорт килинадиган капитални (**ЭК**) мамлакат ЯИМга нисбатини акс эттиради:

$$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ} \times 100$$

Европа мамлакатлари ичида максимал кўрсаткич Нидерландияга тегишли;

3) Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткич:

$$K_{эх} = \frac{ХК}{D(K)} \times 100 ,$$

бу ерда

К_{эх} – эҳтиёж коэффиценти;

ХК – хорижий капитал;

D(K) – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

Топшириқлар:

11.3.1-топшириқ. Корхонада бир-бирига қиёсланган тўртта вариант бўйича капитал харажатлар ва маҳсулот тшлаб чиқариш таннархи ҳақида маълумотлар мавжуд (млрд сўм):

Вариантлар	Капитал харажатлар	Маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш
------------	--------------------	--------------------------------------

		таннархи
I	2,0	1,8
II	3,0	1,2
III	5,0	0,8
IV	7,5	0,6

Капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлик норматив коэффиценти 0,12.

Кўрилиши мумкин бўлган минимум харажатлар вариантыни аниқлаш талаб қилинади.

11.3.2-топшириқ. Корхонада турли вариантлар бўйича капитал харажатлар ва маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш таннархи тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд (минг сўм):

Кўрсаткичлар	В а р и а н т л а р			
	1	2	3	4
1. Капитал харажатлар	680,0	750,0	825,0	925,0
2. Маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш таннархи	175,0	165,0	150,0	140,0

Капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлик норматив коэффиценти — 0,12.

Кўрилиши мумкин бўлган минимум харажатлар вариантыни аниқлаш талаб қилинади.

11.3.3-топшириқ. Қуйидаги кўрсаткичлар асосида нон, булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг вараанти тайёрланди.

Вариантлар	Капитал қўйилмалар (минг сўм)	Йиллик ишлаб чиқариш харажати (минг сўм)	Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)
I	690,0	27780,0	17,8
II	740,0	26400,0	18,5
III	850,0	27150,0	20,4

Самарадорликнинг норматив коэффиценти 0,12 бўлганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг самарали вариантыни аниқланг.

11.3.4-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида капитал қўйилмаларнинг энг қўлай вариантыни аниқланг (“максимум фойда келтирувчи” мезонга мувофиқ).

Кўрсаткичлар	Вариантлар	
	I	II
1. Капитал қўйилмалар, минг сўм	2160,0	3720,0
2. Маҳсулот сотишдан тушадиган йиллик фойда, минг сўм	490,0	745,0
3. Капитал қўйилмаларнинг нормал самарадорлик коэффиценти	0,12	0,12
4. Қолдирилган фойда		

11.3.5-топширик. Қуйидаги маълумотлар асосида капитал қўйилмаларнинг энг рентабелли вариантыни аниқланг (танланг).

Кўрсаткичлар	Вариантлар	
	I	II
1. Капитал қўйилмалар, минг сўм	1800,0	2880,0
2. Маҳсулот сотишдан тушган тушум (ҚҚСдан ташқари), минг сўм	5700,0	9360,0
3. Ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх), минг сўм	5124,0	8508,0

11.3.6-топширик. Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Кўрсаткичлар	Реконструкциягача	Реконструкциядан кейин
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг сўм	17400,0	21000,0
2. Тайёр маҳсулот таннархи, минг сўм	13050,0	14850,0
3. Ишлаб чиқариш фондлари, минг сўм	1950,0	14575,0

Корхонанинг реконструкцияси учун ажратилган капитал қўйилмалари самарадорлик коэффиценти ва қопланиш муддатини аниқлаш талаб қилинади.

11.3.7-топширик. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада нон ёпувчиларнинг бир қисмини булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш амалга оширилаяпти.

Натижада йиллик ишлаб чиқариш ҳажми шартли доналарга айлантирилганда 7700 тоннадан 8250 тоннагача ошади (1 центенер учун улгуржи нарх 21,4 сўм). Ассортиментини кенгайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш натижасида 1 сўмлик товар маҳсулотига кетадиган харажатлар 1,2 тийинга камаяди.

Булочка маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган махсус асбоб ускунани харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 28,0 минг сўмни ташкил қилади. Самарадорликнинг норматив коэффиценти 0,2.

Қопланиш муддати, капитал маблағларнинг самарадорлик коэффиценти ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш натижасида олинадиган йиллик иқтисодий самарани аниқлаш талаб қилинади.

11.3.8-топшириқ. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада ФТЛ-20 русумли печкани қайта тиклаш амалга оширилаяпти. Натижада биринчи навли ундан ёпиладиган айланма булкаларнинг бир суткадаги ишлаб чиқарилиши 4600 килограммдан 5500 килограммгача, биринчи навли буғдой унидан ёпиладиган кесилган батонлар эса 2560 килограммдан 3000 килограммгача ошади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши 1 центенер айланма булкаларнинг таннархини 0,2 сўмга, кесилган батонларникини эса 0,25 сўмга камайтириш имкониятини беради.

Печкани қайта тиклаш бўйича харажатлар 23,2 минг сўмни ташкил қилади. Белгиланган иш режимида тааллуқли равишда корхонадаги печка бир йилда 340 кун ишлайди.

Печкани қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган капитал маблағларнинг қопланиш муддатини, шунингдек, иқтисодий самара суммасини самарадорликнинг норматив коэффиценти 0,25га тенг ҳолда аниқлаш талаб қилинади.

11.3.9-топшириқ. Консерва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Кўрсаткичлар	Қайти тик- лашгача	Қайти тик- лангандан кейин
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, мшб	800,0	12000,0

2. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш таннари — жами, минг сўм ҳисобида	4400,0	5800,0
3. Шу жумладан:		
- ўзгарувчан харажатлар бўйича	4100,0	5500,0
- ишлаб чиқариш фондлари	3000,0	5450,0

Корхонани қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда қўшимча капитал маблағларнинг қопланиш муддати ва йиллик тежамини ҳисоблаш талаб қилинади.

11.3.10-топшириқ. Савдо ва технологик асбоб-ускуна ишлаб чиқаришга мулжалланган корхонада ҳаракатдаги дастгоҳлар сони 45 донани ташкил қилади. Ҳаракатдаги бир дастгоҳнинг балансдаги қиймати 800,0 минг сўм. Дастгоҳлар корхонада 5 йил аввал ўрнатилган. Улар бўйича амортизация ажратмалари нормаси — 10 фоиз.

Корхонада янги дастгоҳларни ишлаб чиқаришга киритилиши мулжалланмоқда, улар ҳаракатдагисига қараганда 1,5 марта унумлироқ. Бир дон янги дастгоҳни харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган капитал маблағлар 2960,0 минг сўм.

Цехнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас ҳолда қолади. Қолган ҳамма харажатлар (электроэнергия, материаллар ва бошқалар) ҳаракатдаги ва янги дастгоҳларда бир хил.

Ҳаракатдаги дастгоҳларнинг тугатилиш қиймати 9250,0 минг сўм (темир-терсак ҳисобида нархланиш бўйича) капитал маблағларнинг қопланиш муддати ва йиллик тежамини аниқланг.

11.3.11-топшириқ. Корхонани қуриш учун икки хил лойиҳа тузилган. Улар бир хил ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мулжалланган ва бири-биридан ҳар хил вақтлар ва қурилиш қиймати билан фарқ қилади.

Уларнинг биринчиси бўйича маҳсулот таннари — 4580,0 минг сўмни, иккинчиси бўйича эса 4565,0 минг сўмни ташкил қилади.

Корхонанинг смета қиймати, қурилиш муддати ва йиллар бўйича капитал маблағлар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

Йиллар	Капитал маблағлар, минг сўм	
	Биринчи лойиҳа бўйича	Иккинчи лойиҳа бўйича
1	310,0	-
2	300,0	-

3	210,0	500,0
4	130,0	520,0

Курилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқланг, шунингдек, фойдали лойиҳани танлашдан олинадиган йиллик иқтисодий самарани ҳисобланг.

Изоҳ: лойиҳа хилларини вақт омилини ҳисобга олган ҳолда таққослама турга келтириш учун 0,08га тенг бўлган самарадорликнинг норматив коэффицентини қўллаш керак, таққослама иқтисодий самарани аниқлашда эса — 0,20.

11.3.12-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхона режалаштирилаётган йилда қўшма фаолиятини ривожлантириш учун инвестициядан келадиган фойда суммасини аниқланг:

1. Режалаштириш йили бошида инвестиция суммаси 975,0 минг сўмни ташкил этди.

2. Режалаштириш йилида қўшма фаолиятни ривожлантириш учун маблағларни қуйидагича йўналтириш кўзланмоқда:

I чорак — 70,0 млн сўм;

II чорак — 150,0 млн сўм;

III чорак — 375,0 млн сўм;

IV чорак — 90,0 млн сўм.

3. Имзоланган шартномаларга мувофиқ ўртача фойда даражаси йиллик инвестиция суммасининг 24 фоизини ташкил этади.

Тест саволлари:

1. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида қабул килинган инвестицион лойиҳаларни асослаш методологияси нимага асосланади?

- а) инвестицияларни техник иқтисодий асосланишига
- б) инвестицион бизнес режаларини тўзиш ишини жадаллаштиришга
- в) инвестицион лойиҳаларнинг оптималлигига (кулайлилигига)
- г) нақд пул оқимларининг дисконтлаштиришга
- д) ҳамма жавоб тўғри

2. Инвестицияни қоплаш даври деб нимага айтилади?

- а) қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижасига

- б) олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатга
- в) қўйилган капиталдан олинган даромаднинг маълум вақтдан кейин қўйилган капиталга тенглашишига
- г) инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссасига

3. Инвестиция нормаси деб нимага айтилади?

- а) олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатга
- б) қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижасига
- в) қўйилган капиталдан олинган даромаднинг маълум вақтдан кейин қўйилган капиталга тенглашишига
- г) инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссасига

4. Инвестиция натижасидан кимлар манфаатдор бўлади?

- а) инвестор, давлат, аҳоли
- б) тадбиркор, банк, аҳоли
- в) аҳоли, инвестор, банк
- г) юридик ва жисмоний шахслар

5. Ренвистициялар - бу...

- а) инвесторлар томонидан корхоналар фаолиятидан олинган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уни шу корхонага қайта киритишдир
- б) даромад олиш ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида лнинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.
- в) ҳукуматнинг ижлимоий соҳаларга киритган инвестициялари.
- г) корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир.

12 - МАВЗУ	КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТИЖОРАТ СИРИ
-------------------	--

12.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони – 30 тагача
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш семинар машғулоти

Семинар машғулоты режаси	1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. 2. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш ва бошқариш. 3. Корхона хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари. 4. Корхонанинг тижорат сирлари.
Машғулотнинг мақсади: Корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш, унинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари, хавфсизликни таъминлашни ташкил этиш ва бошқариш, корхонанинг тижорат сирлари ҳақида тушунчаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • Корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш; • Хавфсизликнинг мақсадлари ва тамойиллари ҳақида тушунча беради; • Хавфсизликни таъминлашни ташкил этиш ва бошқариш ҳақида тушунча беради; • Хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари ҳақида тушунча беради; • Корхонанинг тижорат сирлари ҳақида тушунча беради.	Ўқув машғулотининг натижалари: • Корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги тушунтиради; • Хавфсизликнинг мақсадлари ва тамойиллари ҳақида тушунтиради; • Хавфсизликни таъминлашни ташкил этиш ва бошқариш ҳақида тушунтиради; • Хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари ҳақида тушунтиради; • Корхонанинг тижорат сирлари ҳақида тушунча беради.
Таълим бериш усуллари	Ақлий ҳужум, суҳбат, мунозара.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маркерлар, компьютер технологиялари
Таълим шакли	Оммавий, яқка тартибда ишлаш.
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш.

12.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
Тайёргарлик босқичи	1. Мустақил иш учун берилган вазифаларнинг бажарганлик даражасини текширади. 2. Қўшимча ўқув материални тайёрлайди 3. Гуруҳларда ишлаш учун топшириқларни	Эшитади, зарур маълумотларни ёзиб олади.

	ишлаб чиқади.	
I. Кириш босқичи (5дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган натижаларини эслатади.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида ақлий ҳужум методидан фойдаланиб, куйидаги саволни беради: - Корхонанинг тижорат сири деганда нимани тушунасиз? Жавоблар 2-3 сўздан кўп бўлмаслиги кераклигини эслатади. Талабалардан бири жавобларни доскага ёзиб боради. Жавобларни таҳлил қилади, тўлдиради, тузатишлар киритади. 2.2.Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади, ва уларга топшириқ беради. . Гуруҳларда ишни ташкил қилади. Берилган вазифани схема ва жадваллар асосида бажаришларини уктиради. Гуруҳларда вазифалар тақсимланишига ёрдам беради. Гуруҳлар ишини кузатади, йўл-йўриқлар беради, йўналтиради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.	Берилган саволга жавоб берадилар. Жавобларни ҳамкорликда муҳокама қилишади. Гуруҳлар фаолиятини бошлайди. Берилган саволларни ўрганиб чиқади, саволларга жавоб топади, ўзаро муҳокама қилади ва схема ва жадваллар асосида формат қоғозига туширади. Тайёр ишларини доскага илади. Ҳар бир гуруҳдан иштирокчилар чиқиб намойиш қилиш орқали ўз ишларини тақдим қиладилар. Ўзаро берилган саволларга жавоб берадилар.
III. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзунинг дастлабки учта саволини умумлаштиради, хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифалар беради.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Услубий кўрсатмалар

- **Хавфсизлик** — содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар (табiiй офатлар, ёнғин, рақобатчилар хавфи)нинг олдини олиш, субъектларнинг тинч-осойишта ва барқарор фаолиятини таъминловчи тадбирлар мажмуаси.

- **Хўжалик юритувчи субъектининг хавфсизлиги** — бу турли таҳдидлардан ҳимояланган ва ўз фаолиятини нормал ҳолатда олиб бориши учун тегишли тадбирлар мажмуаси (шароитлар)га эга бўлган субъектлардир.
- **Ёнғин хавфсизлиги** — ёнғиннинг олдини олишга қаратилган барча тадбирларнинг меъёр даражасида эканлигини билдиради.
- **Товарнинг истеъмол хавфсизлиги** — товарни истеъмол қилувчи ҳаётининг хавфсизлиги таъминланганлигини билдиради.
- **Маҳсулотнинг хавфсизлиги** — истеъмолга ёроқли бўлган (сифатли), кафолат муддати ва хизмати давомида инсон ҳаётига, соғлигига ва мулкига хавф солмайдиган хусусиятларга эга маҳсулотлар мажмуаси..
- **Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги** — корхонанинг иқтисодий барқарорлигини ва ички имкониятлар эвазига тараққий этиб боришини доимий равишда таъминлаб турувчи шароитлар ва омиллар мажмуаси.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари:


- корхона фаолиятига ташқи субъектлар аралашувларининг кучайишига йўл қўймаслик;
- корхона ичида самарали меҳнат қили муҳитини бузишнинг олдини олиш;
- ҳамкорларни танлашда уларнинг молиявий аҳволини ўрганиш;
- ходимлар ўртасида ахлоқий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш;
- корхона ресурсларининг сақланишини таъминлаш, ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш чораларини кўриш;
- ишлаб чиқариш, технологик, тижорат каби сирларни сақлаш;
- бозор конъюнктурасининг тез ўзгаришидан ҳамиша воқиф бўлиш;
- бозордаги ўз рақобатчиларидан маҳсулотнинг сифати, нархи бўйича орқада қолиб кетмаслик чораларини кўриш.

- **Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик тамойиллари** — корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган мақсадли стратегик ва тактик дастурларни бажаришга қаратилган иқтисодий дастаклар мажмуаси.


Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тамойиллари:

- истиқболли дастур ва мақсадлар режасининг мавжудлиги;
- мустақиллик ва масъулиятлилиқ тамойили;
- касбий ва технологик такомиллашув;
- фойдалиликни таъминлаш;
- маҳсулот сифатининг доимий ошиб бориши ва таннархининг пасайишини таъминлаш;
- меҳнат ва ижро интизоми;
- қонунийликни таъминлаш тамойили.

- **Корхона хавфсизлигини таъминлаш хизмати** — корхонанинг банкротликга учрамаслигига, барқарор фаолият кўрсатишига ва мунтазам равишда иқтисодий ўсишини таъминлашга масъул бўлган таркибий бўлим.



Корхонанинг банкротлик хавфи



- **Тижорат сир** — хўжалик юритувчи субъектларнинг ошкор қилиниши мумкин бўлмаган тижорат, ишлаб чиқариш ва молиявий операциялари, шунингдек, режа, маркетинг, илмий ишланмалар ва бошқа жараёнлар ифода этилган маълумотларнинг махфий сақланиши.

Топшириқлар:

12.1.1-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчаларни ёзма равишда ёритинг.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан кўзланадиган мақсадлар	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан кўзланадиган мақсадларга эришишда белгиланадиган вазифалар	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан кўзланадиган мақсадлар эришишда таяниладиган тамойиллар

12.1.2-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчаларни ёзма равишда ёритинг.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида қўриқлаш тизимини ташкил этишдан кўзланадиган мақсадлар	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида ташкил этиладиган хавфсизлик хизмати ўз фаолиятида таянадиган меъёрий ҳужжатлар	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида ташкил этиладиган хавфсизлик хизматининг функциялари

12.1.3-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчаларни ёзма равишда ёритинг.

Корхона тижорат сири ҳисобланадиган ахборот(маълумот)лар ва уларни ишончли ҳимоя этиш учун амалга ошириладиган тадбирлар	Тижорат сирининг махфийлигини таъминламаган корхоналарнинг йўқотишлари

12.1.4-топшириқ. Корхона хавфсизлик хизматининг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари қайси ҳужжатда белгилаб берилганини кўрсатинг:

1. Фуқаролик кодексининг I бўлимида
2. Фуқаролик кодексининг II бўлимида
3. Корхона Уставида
4. Корхона хавфсизлик хизмати Уставида

12.1.5-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхона ўз маблағларининг айланма маблағларда қатнашаётган қисмини ҳисобланг ва унинг динамикасини омилли таҳлилини ўтказинг:

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Устав капитали	957,0	957,0
2	Кўшимча капитал	486,0	615,0
3	Захира фонди	270,0	322,0
4	Махсус фондлар	98,0	120,0
	Тақсимланмаган фойда	258,0	340,0
6	Асосий фондлар	620,0	887,0
7	Номоддий активлар	37,0	44,0

12.1.6-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхона молиявий мустаҳкамлигининг мутлоқ кўрсаткичларини ҳисобланг ва улар динамикасини аниқланг.

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Капитал ва захиралар (балансинг IV бўлими)	1124,0	1480,0
2	Узоқ муддатли пасивлар (V бўлим)	420,0	420,0
3	Қарз маблағлари	495,0	390,0
4	Қайтариш вақти келмаган ссуда маблағлари	135,0	105,0
5	Захиралар	633,0	914,0
6	Оборотдан ташқари активлар (I-бўлим)	654,0	906,0

12.1.7-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхона активларини баланс суммасини уларни ликвидлик даражасига қараб йил боши ва охирига ҳисобланг.

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Кассадаги пул маблағи	16,0	21,0
2	Ҳисоб китоб рақамидаги пул маблағлари	80,0	162,0
3	Валюта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	93,0	113,0
4	Бошқа маблағлари	54,0	45,0
5	Қисқа муддатли молиявий қўйилма	90,0	105,0

6	Дебиторлик қарзлар	421,0	411,0
7	Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар	30,0	38,0
8	Ходимлар учун банк кредитлари	22,0	22,0
9	Захиралар	633,0	933,0
10	Келгуси давр харажатлари	27,0	31,0
11	Узоқ муддатли молиявий қўйилма	210,0	210,0
12	Оборотдан ташқари активлар	591,0	635,0

12.1.8-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг йил боши ва йил охирига мажбуриятлар муддатига қараб корхона пасивлари суммасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Кредиторлик қарзлар	157,0	189,0
2	Харидорлардан олинган аванслар	45,0	51,0
3	Тўлов муддати етмаган ссудалар	90,0	75,0
4	Ссудалардан ташқари муддати етмаган банк кредитлари	480,0	540,0
5	Қисқа муддатли қарз маблағлари	210,0	255,0
6	Узоқ муддатли қарз пасивлар		
7	Капитал ва захиралар	1285,0	1492,0
8	Келгуси давр даромадлари	36,0	42,0
9	Келгусидаги харажатлар ва тўловлар учун захиралар	52,0	60,0
10	Кутилмаган харажатлар учун захиралар	75,0	84,0
11	Келгуси давр харажатлари	27,0	31,0
12	Ишчилар учун банк кредитлари	22,0	22,0
13	Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар	30,0	37,0

12.1.9-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида саноат корхонасининг ҳисобот йили учун маблағларнинг ҳисобдаги айланишчанлигини ҳисобланг (дебиторлик қарзларининг айланиш вақти ва тезлиги).

1. Баланс бўйича дебиторлик қарзлар суммаси йил бошида 403,0 минг сўм, йил охирида 430,0 минг сўм.

2. Йил давомида маҳсулот сотишдан тушган тушум 28800,0 минг сўм.

12.1.10-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида саноат корхонасининг ҳисобот йилида захиралар учун ажратган маблағларининг айланувчанлигини 2 хил усулда анқланг.

1. Баланс бўйича захиралар суммаси йил бошида 1419,0 минг сўм, йил охирида 1461,0 минг сўм.

2. Йил давомида маҳсулот сотишдан тушган тушум 28800,0 минг сўм.

12.1.11-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг ҳисобот даври учун тўловга қобиллик коэффицентини ҳисобланг, унинг ҳолати ва динамикасига баҳо беринг:

Тўлов маблағлари манбалари	Давр бошига	Давр охирига	Тўланиши керак бўлган тўловлар	Давр бошига	Давр охирига
1. Касса	6,2	9,2	1.Солиқлар	27,8	32,1
2. Ҳисоб рақами	40,7	67,8	2.Иш ҳақи	31,5	36,0
3.Валюта ҳисоб рақами	23,1	24,6	3. Қайтариш мудда-тидаги предметлар	24,0	30,0
4. Бошқа пул маблағлари	9,3	11,0	4.Бошқа тўловлар	11,3	18,9

12.1.12-топшириқ. Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг ҳисобот даври учун ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш билан боғлиқ кўрсаткичларини ҳисоблаш ва унинг динамикаси даражасига баҳо беринг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили
1. Жамғарма фондига ажратилган фойда	345,0	423,0
2. Амортизация ажратмалари	918,0	1025,0
3. Қарз маблағлари	360,0	375,0
4.Кредиторлик қарзлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар	474,0	515,0

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона иқтисодий хавфсизлиги деганда нимани тушунаси?
2. Корхонанинг “тижорат сирлари” тушунчаси нимани англатади?
3. корхона хавфсизлиги ва тижорат сирлари ўртасида қандай алоқа мавжуд?
4. Корхона хавфсизлигининг асосий тамойилларини айтиб беринг.
5. Корхонанинг хавфсизлик хизмати қандай вазифани бажаради?

6. Бозор шароитларида тижорат сирлари корхонанинг реклама фаолиятига зид келмайдими?
7. Корхонанинг тижорат ва бошқа сирларини ошкор қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
8. Корхонанинг тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми ўз ичига нимани қамраб олади?

Тест саволи:

1. Корхонани тижорат сири — бу ...

- а) давлат сири бўлмаган ҳолда, корхонани ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига зарар келтириши мумкин бўлган маълумотлар.
- б) бу бошқарув элементи бўлиб, корхона ундан ўзини манфаатларини ҳимоя қилиш учун, давлат ва бозор субъектлари орасидаги муносабатларни ўрнатиш учун фойдаланилади.
- в) корхонада фойдаланадиган технологиялар ҳақидаги маълумот корхона раҳбари томонидан тижорат сири деб белгиланган корхона
- г) тижорат сири ҳақидаги ҳар қандай маълумот.

ГЛОССАРИЙ

Акциядорлик жамияти - акциядорлар ва муассислар маблағи эвазига шаклланган капиталга эга бўлган ҳуқуқий шахс мақомига эга компания. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг маблағларни акция сотиш йўли билан жалб этишга асосланган шакли.
Айланма ишлаб чиқариш фондлари – ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат предметлари (ҳом ашё, материаллар, ўров материаллари, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ҳоказо). Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ сарфланади ҳамда корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига сотиб олинади.
Айланма маблағлар – ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, янги маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари, келгуси давр харажатларига сарфланувчи корхона маблағларининг пул шаклида ифодаланиши.
Акция – акциядорлик жамияти томонидан чиқарилувчи ҳамда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бошқариш ва фойдадан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз.
Акциядорлик капитали – акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг ҳажми Низомда белгилаб берилади. Қарзга олинган маблағлар ва акция чиқариш ҳисобига шакллантирилади.

Амортизация - асосий фондлар қийматини аста-секинлик билан улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматларга ўтказилиши; маблағларнинг мақсадли равишда жамғарилиши ва кейинчалик эскирган асосий фондларнинг ўрнини қоплашга ишлатилиши.
Амортизация ажратма лари - корхона асосий фондларини сақлаш ва янгилаш учун махсус ажратилувчи молиявий воситалар.
Амортизация фонди - асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган пул маблағлари.
Асосий ишлаб чиқариш фондлари – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, қурилма ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва ҳоказо). Улар узоқ муддат хизмат кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда ўз қийматини эскириш мобайнида аста-секинлик билан тайёр маҳсулотга ўтказилади. Капитал қўйилмалар ҳисобига тўлдирилади.
Асосий фондларнинг эскириши – асосий фондларнинг (бинолар, қурилмалар ва бошқа меҳнат воситаларининг) аста-секинлик билан фойдали хусусиятларини йўқотиши. Асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг жисмоний ва маънавий турлари мавжуд.
Баланс - бирон-бир ҳолатнинг алоҳида томонларини таққослаш ва солиштириш йўли билан тавсифланувчи кўрсаткичлар тизими.
Банкротлик - касодга учраш, корхонанинг (ташкилот, банк) ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни маблағлар йўқлиги туфайли амалга оширмаслигини англатувчи тушунча. Қоидага кўра, корхонани ёпиш ёки мажбуран тугатиш ҳамда мол-мулкни қарзларни тўлаш учун сотиб юборишга олиб келади.
Башорат қилиш - келажакда рўй бериши мумкин бўлган турли ходиса ва жараёнларни статистик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа турдаги тадқиқотлар ёрдамида илмий асосланган ҳолда аввалдан айтиб бериш.
Бизнес - бозор иқтисодиёти шароитларида субъектнинг маълум бир маҳсулот ёки хизмат турини яратиш ва сотиш йўли билан фойда олишга мўлжалланган иқтисодий фаолияти.
Бизнес-режа - корхона фаолияти дастури, кутилаётган харажат ва даромадлар ҳисобини ўз ичига олувчи компания фаолиятининг муайян мақсадларига эришиш учун муайян чора-тадбирлар режаси. Маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилади.
Венчур фирма – тижорат билан шуғулланувчи илмий-техник фирма, янги технологиялар ва маҳсулотларни даромадларни аввалдан белгиламаган ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш билан шуғулланади (таваккалчиликка асосланган капитал қўйилмаси).
Дивиденд - акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми, ҳар йили солиқларни тўлаш,

ишлаб чиқаришни кенгайтириш, захираларни тўлдириш, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш ва директорларни мукофотлашдан сўнг акциядорлар ўртасида тақсимланади.
Жисмоний эскириш – меҳнат воситаларининг фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида моддий жиҳатдан емирилиши. Меҳнат воситаларининг маънавий эскириши уларнинг тўлиқ жисмоний эскиришдан олдинданроқ, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқорироқ ва тежамкор бўлган машина ва қурилмалар пайдо бўлиши туфайли юз бериши мумкин.
Ижара - мулкни маълум бир ҳақ тўлаш эвазига, вақтинчалик фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномага асосланган ҳолда ёллаш.
Илмий-техник салоҳият – мамлакатдаги фан, техника ва муҳандислик ишларининг ривожланиш даражаси, жамиятнинг фан-техника муаммоларини ҳал қилиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларининг умумий тавсифномаси.
Инвестицион сиёсат – капитал қўйилмаларнинг энг устивор йўналишларини танлаш, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳар бир сўмга маҳсулот ўсиши ва миллий даромаднинг энг юқори кўрсаткичларига эришиш.
Инвестициялар - мамлакат ичкараси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва фойда олиш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилиши.
Инвестор - бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритишни амалага оширувчи хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат.
Инжиниринг - тижорат асосида (шартнома шаклида) турли хил муҳандислик-маслаҳат хизматлари кўрсатилиши.
Инновация - жамият ривожланиши билан ўзгариб боровчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнини мажмуаси.
Инфратузилма - саноат (ёки бирон-бир бошқа) ишлаб чиқариши ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармоқлари мажмуаси. Транспорт, алоқа, савдо, моддий-техник таъминот, фан, таълим, соғлиқни сақлашни ўз ичига олади.
Ишлаб чиқариш қуввати – асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондлар, шунингдек, молиявий ресурслардан иложи борица тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажми.
Ишлаб чиқариш рентабеллиги – умумий (баланс) фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилувчи айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

Ишлаб чиқариш тузилмаси – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари - цехлар, участкалар, хизмат кўрсатиш хўжалиги алоқаларининг йиғиндиси.
Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш – йирик корхоналарда технология ва тузилмаси бир хил бўлган маҳсулотларни оммавий равишда ишлаб чиқариш.
Ишлаб чиқаришни йириклаштириш – маҳсулотни йирик корхоналарда чиқаришни ташкил қилиш.
Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш – маҳсулот ишлаб чиқаришда кимёвий маҳсулот ва сунъий материаллар, шунингдек, кимёвий усуллардан кенг фойдаланиш.
Ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси – бир томонлама, кўпинча битта маҳсулотга асосланувчи ишлаб чиқаришни кенг номенклатурада тайёрланувчи маҳсулотларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтказиш.
Капитал қурилиш - асосий фондларни янги корхона қуриш, мавжуд корхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуrollантириш ва замонавийлаштириш йўли билан яратиш ва мукаммаллаштириш жараёни.
Капитал қўйилмалар - асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстиришга сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари.
Капитал сифими - асосий капиталнинг мос келувчи давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки унинг бирон-бир қисмини - миллий даромад, соф даромад, фойдага нисбатини тавсифловчи кўрсаткич.
Комбинациялаш – битта корхона - комбинат доирасида саноатнинг битта ёки бир нечта тармоқларидаги турли хил ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан бирлаштиришда ифодаланувчи, ишлаб чиқаришни умумлаштириш шаклларида бири.
Компания - тадбиркорларнинг ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, пай капитали асосида ташкил қилинувчи бирлашмаси.
Конверсия - корхонанинг умуман бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши.
Концерн - турли тармоқлардаги мустақил корхоналарнинг иштирок этиш тизими, қўшма тадқиқотлар, патент-лицензия келишувлари, молиялаштириш, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги воситасида бирлашуви.
Кооперация қилиш - якуний маҳсулотни биргаликда тайёрлаш бўйича узоқ муддатли тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ўрнатиш.
Корхонанинг оптимал ҳажми – маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича имзоланган шартнома ва мажбуриятларни ўз муддатида, энг кам харажатлар билан энг юқори самарадорликка эришган ҳолда бажариш имконини берувчи корхона ҳажми.

Корхонанинг тижорат сирлари – корхонанинг ишлаб чиқариш, технологиялар, бошқарув ва бошқа турдаги фаолияти билан боғлиқ, ошкор қилиниши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сирларига алоқаси бўлмаган маълумотлар.
Лизинг - мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчида сақланган ҳолда, мулкни узоқ муддатли ижарага беришга асосланган ҳолда инвестицияларни молиялаштириш шакли; машина, ускуна ва транспорт воситаларининг ўрта ва узоқ муддатли ижараси.
Лицензия - қонунда белгиланган муайян хўжалик операциялари, жумладан, ташқи савдо (экспорт ва импорт) операцияларини амалга ошириш бўйича, ваколатли давлат идораларининг ҳуқуқий шахсларга берувчи махсус рухсатномаси.
Маркетинг - корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатишга оид фаолиятини, бозорни ва истеъмолчилар талабига фаол таъсир кўрсатишни ўрганиш асосида бошқариш тизими.
Материаллардан фойдаланиш коэффиценти – хом ашё ва материалларнинг оқилона тарзда сарфланишини тавсифловчи кўрсаткич. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи материалларнинг ишлов берилган материалларнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.
Маҳсулот аттестацияси - маҳсулот сифатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини объектив баҳолашни тизимли равишда амалга оширишни кўзда тутувчи, ташкилий-техник ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуаси.
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи табиий ресурслар, хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий фондлар ва меҳнат ресурслари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг бошқа харажатларининг қиймат баҳолари.
Маҳсулот рентабеллиги – маҳсулот сотишдан олинган фойданинг маҳсулот таннарихига нисбати (фоизларда) сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.
Маҳсулот сертификати - маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг халқаро нормаларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарам бўлмаган, маҳсулотнинг халқаро стандарт нормаларига мос келишини назорат қилиш учун керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган махсус марказларни яратиш билан амалга оширилади.
Маҳсулот сифати – маҳсулотнинг инсон ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш қобилиятларини белгиловчи фойдали хислатлари мажмуи.
Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш ёки уни

истеъмол қилишда зарур сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар.
Маҳсулот сифатини бошқариш тизими – сифатни бошқариш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва жавобгарликни аниқ тақсимловчи ташкилий тузилма.
Маҳсулотнинг материал сиғими – хом ашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларнинг маҳсулот бирлигига сарфланувчи харажатлари. Материал сиғимини камайтириш тайёр маҳсулот ва материалларни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга сарфланувчи харажатларни камайтиришга имкон яратади.
Маҳсулотнинг меҳнат сиғими –меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига тескари бўлган катталиқ. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида сарфланган меҳнатнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.
Маҳсулотнинг техник даражаси – баҳоланаётган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини белгиловчи, унинг базис кўрсаткичларига мос келувчи кўрсаткичларни таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тавсифномаси.
Маҳсулотнинг яшаш даври – маҳсулот ҳаётининг бешта босқичинининг алмашиниш даври: ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, бозорга чиқиш, ўсиш, бозорнинг тўйиниши ва маънавий эскириш.
Меҳнат унумдорлиги –инсонлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги; ходим моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш вақти бирлигида ишлаб чиқарган маҳсулотлар миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Меҳнатнинг ижтимоий унумдорлиги ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқариш таромқларида банд бўлган ҳар бир ходимга нисбатан ҳисобланади.
Меҳнат шартномаси – тадбиркор ва ишга кирувчи шахс ўртасидаги келишув, унда кўра ходимнинг меҳнат вазифаси, иш жойи, лавозими, ойлик иш ҳақи, иш бошлаш вақти ва ҳоказолар белгилаб берилади.
Устав - корхонани ташкил қилишнинг қонунийлигини тасдиқловчи, корхона характери ва фаолият тури, қоидалари, аъзолар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи расмий ҳужжат.
Рақобат – бозор механизмнинг корхона ва фирмаларнинг маҳсулот ва хизматларни сотиш, капитални фойдалироқ жойлаштиришда рақиблик асосида ҳўжалиқ нисбатларини шакллантириш билан боғлиқ элементи.
Рақобатбардошлиқ – ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида амалга ошириш ва бунда ишлаб чиқаришни илмий-техник жиҳатдан такомиллаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлашга етарли бўлган

фойда олиш.
Сертификат - масъул идоралар томонидан маҳсулотни экспертиза қилиш асосида берилувчи, маҳсулот сифатини белгиловчи ҳужжат.
Сменалилик коэффициенти –ускуналарнинг вақт бўйича иш билан таъминлаш даражаси кўрсаткичи; сутка давомида ишлаб берилган машина-сменаларнинг ўрнатилган барча сменалар сонига нисбати орқали аниқланади.
Стандартлаштириш - ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фаолиятни тартибга солиш мақсадида барча манфаатдор томонлар иштирокида қоидалар белгилаш ва қўллаш. Норматив ҳужжатлар, стандартлар, йўриқномалар, усуллар, талабларда акс эттирилади.
Таъсис ҳужжатлари – янги ташкил қилинувчи корхона, компания, акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар.
Техник қайта қуроллантириш – ишлаб чиқариш алоҳида участкаларининг техник имкониятларни замонавий даражага чиқариш жараёни.
Ускуналарни замонавийлаштириш – ҳаракатдаги ускуналар конструкциясига, унинг техник даражасини оширувчи ҳамда техник ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшиловчи сезиларли ўзгаришлар киритиш. Замонавийлаштириш иккинчи шаклдаги маънавий эскиришнинг олдини олишга кўмаклашади.
Устама харажатлар – асосий харажатларга қўшимча бўлиб, улар билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилувчи, ишлаб чиқариш ва корхона бошқарувида хўжалик хизмати кўрсатиш харажатлари.
Фан-техника тараққиёти - фан, техника, технологиялар ривожланиши, меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг узлуксиз ривожланиш жараёни.
Фирма - ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва сотишни бир умумий бошқарув (ва умумий фирма номи) остида бирлаштирувчи, корхона ёки турли мулкчилик шаклидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар мажмуаси.
Фойда – корхона фаолиятининг якуний молияий натижалари; пул тушуми ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.
Фонд қайтими – асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига тўғри келувчи маҳсулот миқдори.
Фонд сигими –фонд қайтимига тескари бўлган нисбат. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида

ҳисобланади.
Фондлар билан таъминланганлик – асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик кўрсаткичи (асосий ишлаб чиқариш фондларининг корхонанинг ҳар бир ходими ёки ишчисига тўғри келувчи ҳажми).
Франчайзер - франчайзи билан франчайзинг шартномаси имзоловчи йирик корхона (корпорация, фирма ва ҳоказо).
Франчайзинг - йирик ва кичик тадбиркорликнинг аралаш шакли; ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари.
Холдинг компанияси - ўз капиталидан бошқа компанияларни бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш ва дивиденд олиш мақсадида уларнинг акцияларини сотиб олишда фойдаланувчи акциядорлик компанияси.
Хусусийлаштириш – давлат мулкани бошқа мулкчилик шакллариغا, жумладан, жамоа, акциядорлик ва хусусий мулкка ўтказишда мулкчилик муносабатларининг ўзгариш жараёни.
Ялпи даромад – корхона фаолиятининг якуний натижаларини тавсифлайди ҳамда ялпи пул тушуми ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланувчи барча харажатлар ўртасидаги фарқни ифодалайди.
Ялпи пул тушуми – товар маҳсулоти, иш, хизмат ва моддий бойликларни сотишдан тушувчи пулнинг умумий миқдори.
Юридик шахс – фуқаролик субъекти сифатида фаолият юритувчи, мустақил баланс, гербли муҳр ва банкда ҳисоб рақамига эга, Низом асосида фаолият юритувчи ҳамда бакнротга учраганда ўз мулки билан жавоб берувчи корхона.

Тавсия этилган ўқув-услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.- Т.: Фан, 2005.
4. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

5. Раицкий К.А. Экономика предприятия. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 2000.
6. Экономика предприятия. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник для вузов/Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004.

Қўшимча адабиётлар

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябр
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси. (1 қисм) -Т.: Ўзбекистон, 1995..
10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, 1996 йил 26 апрел.
11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хусусий корхоналар тўғрисида, 2003 йил 11 декабр.
12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, 2001 йил 6 декабрь
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хўжалик ширкатлари тўғрисида, 2001 йил 6 декабрь
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Инвестиция фаолияти тўғрисида, 1998 йил 24 декабр.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сон қарори билан тасдиқланган «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом».
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолитини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 357 сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
18. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
19. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003.
20. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.
21. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издательский дом «Мир экономики и права», 2004
22. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005.
23. Ишмухамедов А.Э. Иқтисодий ҳавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
24. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2004.
25. Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтеря ҳисоби ва солиққа тортилиши. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003.

- 26.Эргашева Ш., Узоков А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. –Т.: Молия, 2008 .
- 27.«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2007-2011 йиллар
- 28.«Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2007-2011 йиллар
- 29.«Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2007-2011 йиллар

Педагогик технологияга оид баъзи адабиётлар

- 30.Холмухаммедов М.М. ва бошқалар. Таълим педагогик технологиялари. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2005. – 49 б.
- 31.Ишмухаммедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180 б.
- 32.Толибов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент, 2006.

Электрон таълим ресурслари

- 33.www.encycl.accoona.ru/id,
- 34.www.technormativ.ru/main.php,
- 35.www.my-shop.ru/shop/books/6008.html,
- 36.www.dev.csoft.spb.ru/Doclist/folder/648.html,
- 37.www.book.uz, study40.com.ru/book-44408.html.
- 38.www.stat.uz.
- 39.www.ziyonet.uz.
- 40.www.google.uz

“Корхона иқтисодиёти” фанидан баҳолаш мезонлари

“Иқтисодиёт” кафедрасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши асосида қайта ишлаб чиқилган Низомда белгиланганидек, «Корхона иқтисодиёти» фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш жорий (ЖБ), оралик (ОБ) ва якуний баҳолаш (ЯБ) шаклларида амалга оширилади.

Низомга биноан баҳолаш ҳар бир семестр учун 100 баллик тизим асосида қуйидагича тақсимланади:

Жорий баҳолаш –35 балл;

Оралик баҳолаш – 35 балл;

Якуний баҳолаш -30 балл.

Фандан саралаш бали 55 баллни ташкил қилади.:

Технологик харита.

Ишчи ўқув дастуридаги мавзулар тартиб рақами (қўшимча топшириқ мазмуни)	Умумий соат					Баҳолаш тури	Назорат шакли	Балл		Муддати (ҳафта)
	Маъруза	Амалий машғ	Лаборат. иши	Мустақил иш	Жами			Мак балл	Сар. балл	
1-6	16	22		52	90	1-ЖБ	Кундалик назорат, давомат, назорат иши, уй иши, коллоквиум,	35	-	9-ҳафта
7-12	20	26		50	96	2-ЖБ	Кундалик назорат, давомат, назорат иши, уй иши, коллоквиум,	35	-	18-ҳафта
1-6	16	22		52	90	1-ОБ	Ёзма иш	35	-	9-ҳафта
7-12	20	26		50	96	2-ОБ	Ёзма иш	35	-	18-ҳафта
Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талаба фан бўйича ЯНга киритилмайди								70	39	
1-12	36	48		102	186	ЯБ	Оғзаки	30	-	Жадвал бўйича

Жорий ва оралик назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори балли тўплаган талаба фанни ўзлаштирган ҳисобланади ва ушбу фан бўйича ЯНга кирмаслигига йўл қўйилади	100	55	
--	-----	----	--

Жорий ва оралик назоратларда баҳолашлар мезони.

Амалий (семинар) машғулотлар доирасида ЖН оғзаки, тест, назорат иши, уй вазифаси каби шаклларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади ва бунга 35 балл ажратилади.

Ушбу фандан ОН ҳам оғзаки, ёзма иш, тест, назорат иши, уй вазифаси каби шаклларда маъруза материаллари асосида амалга оширилади. Ушбу фандан талабанинг ОН орқали эришадиган максимал балл 35 ни ташкил қилади.

Баҳо	Талабанинг тўплаган бали	Талабанинг билим даражаси
Аъло	31 – 35	дастурдаги мавзуларни тўлиқ билиш; хулоса ва қарорлар қабул қилиш; ижодий фикрлар қабул қилиш; мустақил мушоҳада юрита олиш; олган билимларини амалда қўллай олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш
Яхши	26 – 30	дастурдаги мавзуларни тўлиқ билиш; мустақил мушоҳада юрита олиш; олган билимларини амалда қўллай олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш
қониқарли	19 – 25	моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш
қониқарсиз	0 – 18	аниқ тасаввурга эга бўлмаслик; билмаслик

Якуний назоратларда баҳолашлар мезони

Ушбу фандан ЯН оғзаки, тест, ёзма иш шаклида амалга оширилади. Ҳар бир семестрда унинг битта шакли танлаб олинади ва қўлланилади.

Талаба жорий ва оралик назорат турлари бўйича 55 ва ундан ортиқ балл тўпласа ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслик ҳуқуқига эга бўлади.

Якуний назоратда иштирок этган талабанинг шу назорат тури бўйича тўплаган бали жорий ва оралик назоратларида тўплаган балларига қўшилади.

Талабаларнинг якуний назорати (ЯН) деканат томонидан тақдим этилган жадвал асосида қабул қилинади.

**“Корхона иқтисодиёти»
фанидан рейтинг тизими бўйича талабалар билимини баҳолаш
М Е З О Н И**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низом”да белгиланганидек, «Корхона иқтисодиёти»фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

Жорий баҳолаш (ЖБ);

Оралик баҳолаш (ОБ);

Якуний баҳолаш (ЯБ).

«Корхона иқтисодиёти » фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 балл тизимида баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Жорий баҳолаш - 35 балл

Оралик баҳолаш – 35 балл

Якуний баҳолаш – 30 балл

Жорий баҳолаш бўйича амалий машғулотлар учун ажратилган ҳар бир мавзу бўйича талабанинг адабиётлардан олган конспекти, билими, мустақил ижодий фикр-мулоҳазалари, амалий жадвал ва топшириқларни ечиши, мустақил иши натижалари ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий машғулотларда амалга оширилади.

Оралик баҳолаш семестр давомида 2 даврада ўтказилади. Талабаларнинг билими биринчи даврада фаннинг 1 оралик 1-6 мавзуларини қамраб олган қисми бўйича, иккинчи даврада фаннинг 2 оралик 7-12 мавзуларини қамраб олган қисми доирасида баҳоланади. Оралик баҳолашда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи маърузалар ўтилган мавзулар бўйича оғзаки, ёзма иш, тест ўтказиш усуллари ва талабанинг мустақил иши назарда тутилган ҳолда баҳоланади.

Якуний баҳолаш семестр якунида ўтказилиб, якуний баҳолашда талабанинг билим, кўникма ва малакалари ишчи ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Якуний баҳолаш оғзаки сўраш, амалий топшириқларни мустақил ечиш, суҳбат, ёзма иш ёки тест ўтказиш усулида амалга оширилади.

**“Корхона иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг билимларини баҳолашда
қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади**

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1	2	3
86-100	«Аъло»	дастурдаги мавзуларни тўлиқ билиш; хулоса ва қарорлар қабул қилиш; ижодий фикрлар қабул қилиш; мустақил мушоҳада юрита олиш; олган билимларини амалда қўллай олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш
71-85	«Яхши»	дастурдаги мавзуларни тўлиқ билиш; мустақил мушоҳада юрита олиш; олган билимларини амалда қўллай олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш

55-70	«Қониқарли»	моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш ёки ёзма равишда ифодалаш; тасаввурга эга бўлиш
0-54	«Қониқарсиз»	аниқ тасаввурга эга бўлмаслик; билмаслик

МУНДАРИЖА

т/р	Машғулот мавзулари	Бетлар
	Кириш	3
1	«Корхона иқтисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифаси	4
2	Корхона – мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти	13
3	Корхонани ташкил қилиш ва фаолиятини тўхтатиш	27
4	Корхонани бошқариш:	38
4.1	Корхона фаолиятини бошқаришнинг зарурияти, мақсад ва вазифалари	38
4.2	Корхонани бошқаришнинг хусусиятлари ва ташкилий тузулмалари	48
5	Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш	54
5.1	Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилишнинг зарурияти, тамойиллари ва вазифалари	54
5.2	Корхона режалари тузилмаси	60
6	Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги	66
7	Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати:	72
7.1	Корхона асосий фондларининг моҳияти, таркиби ва тузилмаси	72
7.2	Корхонанинг асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари	78
7.3	Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари	83
8.	Корхонанинг айланма маблағлари	93
8.1	Корхона айланма маблағларининг моҳияти, таркиби ва нормалаштирилиши	93
8.2	Ишлаб чиқариш корхоналари айланма маблағларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари	99
8.3	Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичлари	104
9	Корхонада кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш:	110
9.1	Корхонада кадрлар сиёсати ва меҳнатга ҳақ тўлаш	110
9.2	Корхона меҳнат салоҳияти ва унинг кўрсаткичлари	123
10	Корхона фаолияти харажатлари, даромади ва рентабеллиги	132
10.1	Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш	132
10.2	Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти харажатлари	137
10.3	Ишлаб чиқариш корхоналарининг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги	146
10.4	Ишлаб чиқариш корхоналарининг фойдаси, уни тақсимлаш ва рентабеллигини аниқлаш услубияти	153
11	Корхонанинг инвестицион фаолияти	162
11.1	Корхонанинг инвестицларининг моҳияти ва манбалари	162
11.2	Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	171
11.3	Корхона инвестицион фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш усуллари	177
12	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва тижорат сири	186
	Глоссарий	195
	Тавсия этилган ўқув-услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари.	200
	Баҳолаш мезонлари	202

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

**Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институтининг ўқув-услубий
кенгашининг 2012 йил 15 июлдаги 12-сон мажлис баёни билан
чоп этишга тавсия қилинган.**

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИДАН АМАЛИЙ (СЕМИНАР)
МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР ВА УСЛУБИЙ
КЎРСАТМАЛАР
ТЎПЛАМИ**

**Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60. Буюртма № 025, ҳажми 13,0 б.т., адади 50
нусха**